

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЖАХОН АРХЕОЛОГИЯСИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент –
2019**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	21
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	89
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	92
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	94
VII. ГЛОССАРИЙ.....	96
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	100

I. ИШЧИ ДАСТУР
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»
Тармоқ (минтақавий)
маркази директори
И.Х.Ҳамиджонов

2019 йил

“ЖАХОН АРХЕОЛОГИЯСИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Археология

Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасаларининг

профессор-ўқитувчилари

Тошкент – 2019

Мазкур ишчи дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилнинг 2 ноябрдаги 1023 - сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастур асосида ишлаб чиқилган

Тузувчи: ЎзМУ профессори, Р.Х.Сулаймонов

Тақризчи: ЎзМУ профессори, акад. А.С. Сагдуллаев

Ишчи ўқув дастур ЎзМУ нинг Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Таълим тизимини самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ва амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет элнинг илғор тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидар. Ушбу дастур Ўрта Осиёнинг қадимги цивилизацияси ва давлатчилигининг умумбашарий тарихий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти очиб бериш, асосий йўналишлар ва тадқиқотлар натижалари ҳақидаги билимларни бойитиш, мавжуд илмий адабиётлар, замонавий назариялар, ёндашувлар ва илмий қарашларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш каби масалаларни қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади –“Жаҳон археологияси” фани тўғрисида тингловчига замонавий босқичга оид чуқур тарихий билимлар, янги илмий қарашлар ва назариялар ҳақида ахборот бериш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш, мазкур фан ҳақидаги тингловчилар билимларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- Тингловчиларга жаҳон археологияси масалалари бўйича илғор таълим инновациялар, концептуал замонавий муаммолар ва ёндашувлар асослари тўғрисида маълумотлар бериш, замонавий модулли технологияларидан фойдаланиб тингловчиларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Жахон археологиясининг тарих фанида тутган ўрни, аҳамияти ва ривожланиш ҳусусиятлари ҳақидаги билимларни бойитиш;
- Юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш маҳоратни ошириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Жахон археологияси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- янгича илмий қарашлар ва назариялар;
- тарихийлик ва холислик тамойиллар;
- назорат жараёнини ташкил этиш;
- археология фанига оид инновациялардан самарали фойдаланиш ҳақида билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

- педагогик фаолият жараёнини такомиллаш;
- назорат жараёнини тез ва самарали ўткази олиш;
- назоратнинг турли шаклларида самарали фойдаланиш;
- интерфаол методларни мақсадли равишда тўғри танлаш ва фойдаланиш;

кўникмаларини эгаллаши;

Тингловчи:

- ўқув курсини модулини тузиш;
 - ахборотни структуралаштириш;
 - тингловчиларнинг мустақил амалий фаолиятни ташкил этиш;
- малакаларини эгаллаши;

Тингловчи:

- ўз соҳасига оид ахборотни мантикий блокларга ажратиш ва аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;

-мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасидан

малакасини ошириш лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модул маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, ўтказиладиган амалий ва кўчма машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жаҳон археологияси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерфаол таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жаҳон археологияси” модулини ўзлаштиришда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари: палеоэкология ва цивилизация динамикаси, Қадимги Шарқ тарихи ва Қадимги цивилизациялар тарихи конунлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак. Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммоларидан - табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирилиш муаммосининг сабабларини аниқлаш; цивилизациялар

динамикасининг инсоният жамияти тарихи ва жаҳон цивилизацияси тараққиёти хусусиятларини ўрганишда тутган ўрни ва аҳамиятини англаш; жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавқеининг ортиб бориши сабабларини аниқлаш учун етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Республикамизнинг иқтисодиёти фундаментал фанларнинг ривожланишига ва унинг ютуқларига ҳам боғлиқ. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий археологик фанларнинг асоси ҳақида тасаввурга эга бўлиши, “Жаҳон археологияси” ни ўрганишнинг замонавий босқичи илмий-амалий аҳамиятини англаш ва амалиётга тадбиқ этиш; археология фанлари соҳасида амалга оширилган илмий ютуқларини таҳлил қилиш; археология фанлари соҳасида илғор хорижий мамлакатлар ўқув ва илмий тажрибалардан фойдаланиш каби муаммоларни баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

“Жаҳон археологияси ”

модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Аудитория			
		Жами	Жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Жаҳон археологияси фанини ўрганишнинг аҳамияти	4	2	2	
2.	Неолит даври	4	2	2	
3.	Илк цивилизациянинг дастлабки белгилари намоён бўлиши.	4	2	2	
4.	Жанубий, Жануби-шарқий ва Шарқий Осиё ҳудудларида илк цивилизациянинг шаклланиши ва тараққиёти хусусиятлари.	4	2		2
	Жами: 16	16	8	6	2

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Жаҳон археологияси фанини ўрганишнинг аҳамияти

Жаҳон археологияси фанини ўрганишнинг аҳамияти. Археология фани ривожининг янги босқичи. Плейстоцен даврида ер юзининг иқлимнинг ўзгариб бориши. Африка палеолити. Яқин ва Ўрта Шарқ палеолити. Европа палеолити. МДХ ҳудудларидаги палеолит даври ёдгорликлари. Жанубий ва Жанубий – Шарқий Осиё палеолити. Узоқ Шарқ палеолити. Палеолит даври санъати ва унинг хўжалик хусусиятлари, диний қарашларни ўрганишдаги аҳамияти. Мезолит даври иқлим ўзгаришлари. Мезолит даври хўжалик ва моддий маданият соҳаларида қўлга киритилган ютиқлар. Мезолит даври маданиятлари ва асосий археологик ёдгорликлари. Мезолит даври ихтисослашган ўзлаштирувчи хўжалик шаклининг қарор топиши.

2-мавзу: Неолит даври

Неолит даври. Г. Чайльд. Неолит инқилоби. Неолит даври илк деҳқончилик марказлари: Яқин, Ўрта Шарқ ва Кичик Осиё. Энеолит даври хусусиятлари. Мисдан фойдаланишнинг кенгайиши. Месопотамиянинг энеолит даври маданиятлари ва уларнинг асосий археологик ёдгорликлари. Сунъий суғоришнинг пайдо бўлиши. Ортиқча истеъмол маҳсулотларнинг жамланиши. Мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш вужудга келиши. Халаф маданияти.

3-мавзу: Илк цивилизациянинг дастлабки белгилари намоён бўлиши.

Илк цивилизациянинг дастлабки белгилари намоён бўлиши. Урук маданияти. Илк шаҳар марказларининг пайдо бўлиши. Ибодатхоналар. Ибодатхоналар жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавқеининг ортиб бориши. Ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг чуқурлашуви. Мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланишининг чуқурлашуви. Сиёсий ва диний ҳокимиятларнинг жамиятни бошқарувчи кучга айланиб бориши. Цилиндр муҳрлар. Ёзув. Халқаро алоқаларнинг кучайиши. Кичик Осиё ва Шарқий Ўрта Ер денгизи ҳудудининг энеолит бронза даври хусусиятлари. Элам маданияти. Суза мажмуаси ва унинг илк цивилизация тизимида тутган ўрни.

4-мавзу: Жанубий, Жануби-шарқий ва Шарқий Осиё ҳудудларида илк цивилизациянинг шаклланиши ва тараққиёти хусусиятлари.

Жанубий, Жануби-шарқий ва Шарқий Осиё ҳудудларида илк цивилизациянинг шаклланиши ва тараққиёти хусусиятлари. Хараппа маданияти. Европанинг энеолит-бронза даври археологияси. Триполье-Кукутени, Ямний, Афанасьев, Андронов ва бошқа маданиятлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”. 2011. - 440 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва

тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

22. H. Dani, V. M. Masson History of civilizations of Central Asia Volume I. UNESCO Publishing, 1992.
23. Alice Roberts Evolution the human story. London and New York. 2011.
24. Ian Hodder. Theory And Practice In Archaeology. London and New York. 2006.
25. Kevin Greene. Archaeology. London. 2003.
26. Martin Hall and Stephen W. Silliman. Historical archaeology. Oxford. 2006
27. Miriam T. Stark. Archaeology of asia Oxford. 2006
28. Denbow J. The Archaeology and Ethnography of Central Africa Published: Cambridge University Press. 2013
29. Miriam T. Stark. Archaeology of Asia. Blackwell Publishing Ltd. 2006
30. Robert J. Muckle. Introducing Archaeology: Second Edition. University of Toronto Press. 2014
31. Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003
32. Деревянко А.П. Петрин, В.Т. Таймагамбетов Ж.К. Феномен микроиндустриальных комплексов Евразии Археология этнография и антропология Евразии. М., 2000.
33. Древние памятники Синьцзяна/ Межконтинентальное издательство Китая, 2016.
34. Индия и Центральная Азия (до Исламский период). Ташкент, 2000.
35. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства и культуры Центральной Азии Ташкент, 2005.
36. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в стройдельте реки Мургаб. Ашгабад. 2002.

Электрон манбалар:

37. www.history.ru
38. www.natura.com
39. www.archaeology.ru
40. www.archaeology.com

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“**Кейс-стади**” методи «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

Кейс. Африка қитъасида дастлабки ибтидоий одамлар пайдо бўлди. Улар аста-секинлик билан ер юзининг бошқа худудалрига тарқала бошлади. Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:
Дастлабки ибтидоий одамларнинг Африка қатъасидан миграция қилиши ер юзида тарқалашининг сабаблари нималардан иборат.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ➤ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ➤ ахборотни умумлаштириш; ➤ ахборот таҳлили; ➤ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ➤ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ➤ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ➤ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ➤ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ➤ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ якка ва гуруҳда ишлаш; ➤ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ➤ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ➤ якуний хулоса ва вазият

	ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	---

“Блиц – сўров” усули

“Блиц–сўров” усулидан фойдаланишнинг мақсади: Талабаларда мантиқий фикрлаш, фан юзасидан берилган маълумотлар орасидан кераклигини ажрата олиш қобилиятини шакллантириш, ўзгалар фикрини хурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олиш каби кўникмаларни, тарихий жараён кетма–кетлигини аниқлаш орқали шакллантириш.

Ўтказиш технологияси:

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1. Ўқитувчи талабаларга ушбу машғулот, бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради. Ҳар бир босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт берилиши ва ундан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Тарқатма материаллар тарқатиб, талабаларга уни синчиклаб ўрганиш зарурлигини айтади.
2. Талабалар дастлаб тарқатма материалдаги “Якка баҳо” бўлимига ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетма–кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади. Унга 5 минут ажратилади.
3. Талабаларнинг якка тартибдаги ишлари тугагач, ўқитувчи улардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар тузишини сўрайди. Улар ҳамфикрликда тарқатма материалдаги “Гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадилар. Унга 5 минут ажратилади.
4. Барча кичик гуруҳларда ишлар тугагач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма–кетлиги бўйича тўғри жавобни беради ва талабалар “Тўғри жавоб” бўлимига рақамларни ёзиб чиқадилар.
5. Ўқитувчи “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлар билан “Якка баҳо” ва “Гуруҳ баҳоси” бўлимидаги рақамларни солиштириб, катта–кичиклигини айириб, фарқини чиқариб, “Якка хато” ва “Гуруҳ хатоси” бўлимларига ёзишларини сўрайди.
6. Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради ва уларни алоҳида шарҳлайди.
7. Талабалар тарқатма материалда берилган баллар асосида ўз баҳосини чиқарадилар ва улар журналга қайд қилинади.
8. Машғулот якунлангач, ўқитувчи машғулотни ўтказиш жараёнида талабаларнинг ва гуруҳларнинг фаолияти тўғрисида ўз фикрини билдиради.

Археологик даврлаштириш

(“блиц–сўров” услуби)

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Даврлар номи
					Мезолит
					Илк темир даври

					Бронза
					Ўрта асрлар
					Неолит
					Энеолит
					Антик
					Ашель
					Архаик
					Олдувай

6-5 тўғри жавоб "қониқарли"

8-7 тўғри жавоб "яхши"

9-10 тўғри жавоб "аъло"

Чархпалак технологияси.

1-мисол. Мақсад тингловчиларни дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда баён эта олиш, ўзларини баҳолаш ҳамда яқка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклигини танлаб олишга ўргатиш.

Ўтказиш технологияси:

1. Тингловчилар (шароитга қараб) гуруҳларга ажратилади.
2. Ўқитувчи машғулоти ўтказиш қоидаларини таништиради.
3. Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
4. Дастлаб гуруҳ аъзолари яқка тартибда берилган вазифани ишлаб чиқишади ва тарқатма материалнинг ўнг томонига ўз белгисини ёки исми фамилиясини ёзади. Талаба тўғри деб билган жавобини + белгиси билан ручкада белгилаб чиқади. 10 минут ажратилади.
5. Бажарилган вазифа бошқа гуруҳ аъзолари билан алмаштирилади. Улар ҳам тарқатма материалнинг чап томонига ўзининг белгиси ёки исминини ёзиб, қайтадан х белгиси билан тўғри жавобини белгилайдилар. Унга 5 минут ажратилади.
6. Тузатилган, ўзгартирилган материалларни яна бир марта гуруҳлар бўйича алмаштириш мумкин.(гуруҳлар сонига қараб)
7. Охирги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлатган материални танлаб оладилар ва унда белгиланган жавоблар таққосланади ва таҳлил қиладилар.
8. Ўқитувчи тарқатма материалда берилган тўғри жавобни ўқийди ва талабалар уларни ўз жавоблари билан солиштириб борадилар.
9. Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар ўртасидаги фарқни аниқлаб, тўплаган балани ҳисоблаб, ўзини ўзи баҳолайди.

№	Манзилгоҳларнинг номи	Илк палеолит	Ўрта палеолит	Сўнгги палеолит	Илк мезолит	Сўнгги мезолит
1	Селўнгир					
2	Қўтирбулоқ					
3	Сиёбча					
4	Хўжамазгил					
5	Тешиктош					

6	Сўх					
7	Обирахмат					
8	Учтут					
9	Мачай					
10	Иттакқалъа					
11	Обишир					
12	Хўжакент					
13	Шўркўл					
14	Қайла					
15	Кўшилиш					
16	Мачай					
17	Бўзсув					
18	Зараутсой					
19	Такалिसой					
20	Самарқанд					

9-12 тўғри жавоб "қониқарли"

13-16 тўғри жавоб "яхши"

17-20 тўғри жавоб "аъло"

Чархпалак технологияси.

2-мисол. Мақсад: талабаларни дарс жараёнида мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда баён эта олиш, ўзларини баҳолаш ҳамда якка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига хурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклигини танлаб олишга ўргатиш.

Ўтказиш технологияси:

1. Талабалар (шароитга қараб) гуруҳларга ажратилади.
2. Ўқитувчи машғулотни ўтказиш қоидаларини таништиради.
3. Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
4. Дастлаб гуруҳ аъзолари якка тартибда берилган вазифани ишлаб чиқишади ва тарқатма материалнинг ўнг томонинга ўз белгисини ёки исми фамилиясини ёзади. Талаба тўғри деб билган жавобини + белгиси билан ручкада белгилаб чиқади. 10 минут ажратилади.
5. Бажарилган вазифа бошқа гуруҳ аъзолари билан алмаштирилади. Улар ҳам тарқатма материалнинг чап томонинга ўзининг белгиси ёки исмини ёзиб, нотўғри деб билган жавобларни х белгиси билан тўғри жавобини белгилайдилар. Унга 5 минут ажратилади.
6. Тузатилган, ўзгартирилган материалларни яна бир марта гуруҳлар бўйича алмаштириш мумкин.(гуруҳлар сонинга қараб)
7. Охирги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлатган материални танлаб оладилар ва унда белгиланган жавоблар таққосланади ва таҳлил қилидилар.
8. Ўқитувчи тарқатма материалда берилган тўғри жавобни ўқийди ва талабалар уларни ўз жавоблари билан солиштириб борадилар.
9. Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар ўртасидаги

фарқни аниқлаб, тўплаган балини ҳисоблаб, ўзини ўзи баҳолайди.

10. Талабаларнинг баҳолари синф журналиги қайд қилинади ва машғулот тўғрисида ўқитувчи ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

Ибтидоий давр хусусиятларини аниқланг.

(Чархпалак технологияси.)

№	Давр хусусиятлари	Палеолит	мезолит	неолит	энеолит	Бронза
1	Деҳқончилик вужудга келган					
2	Ўқ-ёй ихтиро қилинган					
3	Музлик даври ҳукмрон бўлган					
4	Сунъий олов ихтиро қилинган					
5	Сопол ихтиро қилинган					
6	Одамлар ғорларда яшаган					
7	Чорвачилик вужудга келган					
8	Одамлар кўчманчи ҳаёт кечиришган					
9	Неандерталь одам яшаган					
10	Ижтимоий тенгсизлик вужудга келган					
11	Микролит қуроллар ишлаб чақарилган					
12	Суғорма деҳқончилик вужудга келган					
13	Буғулар овланган					
14	Илк шаҳарлар вужудга келган					
15	Мис ихтиро қилинган					
16	Макролит қуроллар ишланган					
17	Нуклеуслар ишланган					
18	Мустаҳкамланган қишлоқлар в/к					
19	Патриархат даври					

	бошланган					
20	Қоя тош суратлар кўп ишланган					

9-12 тўғри жавоб "қониқарли"

13-16 тўғри жавоб "яхши"

17-20 тўғри жавоб "аъло"

2. “Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин. Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

Тест	Қиёсий таҳлил
1. Археология атамаси илк бора ким томонидан қўлланилган? А. Афлотун В. Герадот С. Гиппарх D. Арриан	Археология ва Antiquaries атамаларини қиёсий таҳлил қилинг
Тушунча таҳлили	Амалий кўникма
Археология атамасини изоҳланг.....	Археологик ёдгорликлар турларини таснифлашни ўрганинг

3. “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- ✓ иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ✓ ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар
- ✓ номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ✓ ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай
- ✓ ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- ✓ белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг
- ✓ тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ✓ ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий
- ✓ муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини
- ✓ текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Археологияда таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади	Қўшимча маълумот
Археология	Архайос-қадим ва логос-фан яъни ўтмиш ҳақидаги фан деган маъноларни англатади	
Antiquitates	Римлик муаллифлар юнонча археология термини ўрнида antiquitates-қадимиёт терминини қўллашган.	
Antiquaries	Римлик муаллифлар юнонча antiquitates-қадимиёт соҳаси вакиллари эса «antiquaries» - антикварий, яъни қадимий топилмалар хаваскорлари дея аташган.	
Олдувай, ашель, мустье ва сўнгги палеолит	Археологик давр хисобланмиш палеолит яъни қадимги тош даври босқичлари	

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Жаҳон археологияси фанини ўрганишнинг аҳамияти. Археология фани ривожининг янги босқичи. Плейстоцен даврида ер юзининг иқлимининг ўзгариб бориши. Африка палеолити. Яқин ва Ўрта Шарқ палеолити. Европа палеолити. МДҲ худудларидаги палеолит даври ёдгорликлари. Жанубий ва Жанубий – Шарқий Осиё палеолити. Узоқ Шарқ палеолити. Мезолит даври иқлим ўзгаришлари.

Режа:

- 1.1. Палеолит даври санъати ва унинг хўжалик хусусиятлари, диний қарашларни ўрганишдаги аҳамияти.
- 1.2. Мезолит даври иқлим ўзгаришлари. Мезолит даври хўжалик ва моддий маданият соҳаларида қўлга киритилган ютиклар.
- 1.3. Мезолит даври маданиятлари ва асосий археологик ёдгорликлари.
- 1.4. Мезолит даври ихтисослашган ўзлаштирувчи хўжалик шаклининг қарор топиши.

Таянч иборалар: Археология, ибтидоий маданият, Антрогенез, диний қараш, дунёвий қараш, Шарқий Африка, Олдувай, Зинжантроп, Синантроп, Неандерталлар, Германия, Кения ва Танзания, Питекантроп.

Одамнинг келиб чикиши. Одамнинг келиб чикиши масаласи устида олимлар бир неча юз йиллардан бери тадқиқот олиб борадилар, бу масала буйича турли нутаи-назарлар мавжуд булиб, лекин уларнинг баъзилари уз исботини хали топганича йук. Одамнинг келиб чикиш ва ривожланиши жараёни тарих фанида Антропогенез-юнонча “антропос”-одам, “генезис”-ривожланиш деб юритилади.

Одамнинг келиб чикиши, кишилик жамиятининг пайдо булиши, унинг ривожланиши ва тараккиёти тугрисида фанга турли хил ёндошувлар, қарашлар мавжуд. Биз уларни 2 га булиб урганамиз.

1. Диний қараш.
2. Дунёвий қарашдир.

Биз яшаб турган моддий дунё азалдан булганми? Ерда хаёт қачон пайдо булган, одам пайдо булган каби масалаларда диний ва илмий адабиёт бир-бирини инкор этувчи хулосалар билан ёндошади.

Шундай экан дунёвий билим ҳам диний билимлар ҳам ўз нуктаи-назарларини илгари сурадилар. Диний таълимот қарашларини хурмат қилган ҳолда фанда одамнинг пайдо булиши хақида эволюцион таълимот мавжудлигини айтиб ўтмоқчиман.

Айниқса ҳозирги вақтда антропогенез мавзуси кўпдан-кўп янги фикр мулоҳазалар билан боғланган.

Инсониятнинг дастлабки вакилларининг қазилма қолдиқлари 1959 йилда Америкалик олимлар томонидан Шарқий Африкадаги Олдувай дарёсида топилган¹.

Бу одам қолдиқлари Танзаниянинг Зинж номли қишлоғидан тоналгани учун уни шу ном билан Зинжан Троп одами деб аталади.

Бу ерда одам суяклари билан бирга ҳар хил ҳайвонларнинг антиқа суяклари ва тош қуроллар ҳам топилади. Зинжантроп топилган биологик қатламнинг санаси 1,5 – 2 миллион йил деб тахмин қилинмоқда. Индонезиядаги Ява оролида 1890 йил энг қадимги одам суягининг қолдиқлари топилган бўлиб, уни птекантроп деб номлаганлар. Юнонча маймун одам демакдир.

Хитойнинг Пекин шаҳри яқинида топилган одам суяги қолдиқлари жой номи билан аталиб, синотроп Хитой одами деб номланган. Синатроплар ўткир қиррали тош қироллардан ва табиий оловдан фойдаланганлар.

“Ишбилармон одам” ларнинг вакиллари бўлган зинжантроп ва австролопитек (лотинча жануб одами) бундан 3-2 миллион йиллар олдин яшаганлар. Птиокантроп милоддан 700-600 миллион йиллар, снотроп эса 600-500 миллион йиллар илгари яшаган. Улар илк палеолит даври одамлари деб ҳисобланади².

Кишилик жамияти тарихини даврлаштиришга интилиш қадимги дунёдаёқ эр. авв. I асрда яшаган Рим файласуфи Лукреций Кар ўзининг «Нарсаларнинг табиати» номли поэмасида одамзод маданиятининг ривожланиш манзарасини, тош қуролларнинг мис қуроллар билан, ундан сўнг темир қуроллар билан алмаша борганини дастлаб тасвирлаб берган. Лекин бу фикр тезда унутиб юборилган.

Шотландия философи А.Фергюсон кишилик тарихини уч даврга: ёввойилик, варварлик ва цивилизацияга бўлиб ўрганишни тавсия қилган. Археологлар ибтидоий давр кишиларидан қолган моддий ва маданий буюмларни ўрганиш асосида кишиликнинг ибтидоий тарихини уч даврга: тош, бронза (жез) ва темир асрларига бўладилар.

Тош асри эса ўз ўрнида яна қадимги ва янги тош даврларига бўлинади. Қадимги тош асри қазилма одамларнинг яшаган даври ҳисобланади. У вақтда Ернинг иқлими, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳозиргидан фарқ қилар эди. Қадимги тош асри кишилари силлиқланган тош қуроллар ва сопол идишларни билмаганлар. Улар ёғочдан тайёрланган сўйил ва оддий тош қуроллардан фойдаланганлар.

Қадимги тош асри кишилари овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар, балиқчилик эса энди шакллана бошлаган бўлиб, улар деҳқончилик ва чорвачилиқдан мутлақо хабарсиз эдилар. Кишилик жамияти тарихининг жуда катта даврини ўз ичига қамраб олган тош даври икки

¹ Denbow J. The Archaeology and Ethnography of Central Africa Published: Cambridge University Press. 2013

² Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

босқичга: энг қадимги (қуйи, илк) ва кейинги (юқори) тош асрларига бўлинади.

Энг қадимги тош асри олдувай, (Ашелгача), қадимги ашель, кейинги ва ўрта ашель ҳамда мустье даврларига бўлинади. Унинг энг қуйи санаси 3,5-3 млн. юқориси эса 100-35 минг йилга келиб тақалади.

Сўнгги палеолит эса ориняк, солютрий ва мадлен даврларига бўлиниб 40-35 минг йилликлардан 15-12 минг йилликларгача бўлган тарихий даврни ўз ичига олади.

Сўнгги тош асридан сўнг эса ўрта тош-мезолит асри бошланиб, 12-15 минг йилликлар орасидаги даврни қамраб олади.

Мезолитдан сўнг тош асрининг сўнгги босқичи неолит-янги тош асри бошланиб Европанинг маркази, ғарби, шарқи ва жанубий ўлкаларида, Осиёда унинг санаси 5-3 минг йилликларга мансубдир.

Айни вақтда мазкур археологик даврлар Ер тарихининг геологик босқичлари билан замондош бўлиши ҳам мумкин.

Одамнинг пайдо бўлиши заминимиз тарихининг тўртламчи босқичига тўғри келади.

Геологик жиҳатдан тўртламчи давр тўрт: неоген, эоплейстоцен, плейстоцен ва голоцен босқичларига бўлинади.

Мазкур даврда Шимолий Европа, Осиё ва Шимолий Американинг кўп жойларини вақти-вақти билан Дунай, Гюнц, Миндель, Рисс ва Вюрм деб аталувчи музлик қоплаб турган. Лекин голоценга келиб мазкур жойлардаги музлар эриб у ерларнинг табиати ўзгариб кетди. Археологик нуқтаи назаридан неоген ва эоплейстоцен қадимги тош асрининг Олдувай (шеллгача) плейстоцен қадимги шелль, Ўрта ва сўнгги ашель, мушье ва сўнгги палеолит даврларига тўғри келади. Голоцен эса мезолит ва неолит асрларига мос тушади. Кишиликнинг ибтидоий босқичини тўғри даврлаштириш учун археология, геология, климатология ва бошқа фанлар кўлга киритган ютуқларни жорий қилиш ижобий натижалар бериши мумкин. Бу ҳол ибтидоий жамоа тузуми давридаги ишлаб чиқариш кучларини тўлароқ ўрганиш учун имкон беради.

Зинжантроп австролопитеклар оиласининг энг қадимги вакили ҳисобланади, олимлар унга “Хомахабилис” ишбилармон одам деб ном берилган ва у энг содда меҳнат қуроли ясай олган.

Зинжантроп, питекантроп ва синантроплар илк тошлари илдиз утган энг қадимги одамлар ривожланишини босқичлари ҳисобланади.

Улар қаддини тик тутиб юрганлар. Меҳнат қуроли ясаб ишлата олганлар. Бу ҳол уларни хайвонот дунёсидан ажратиб турган. Синантроплар питекантропларга караганда мураккаб меҳнат қуроли ясай билганлар. Бунинг устига табиий оатдан ҳам фойдаланганлар. Минг йиллар давомида одамнинг ташки қиёфаси, мия ҳажми узгарган.

Хиндистоннинг шимоли, Шарқий Африка топилмалари асосида фанга маълум бўлган рамапитекларни келтириб ўтишади. Дриопитекларнинг энг ривожланиб борган вакилларида Рамапитеклар келиб чиққан. Уларга оид дастлабки топилмалар Хиндистоннинг учламчи давр қатламларига оид Сивали тоғ тизмаларидан топилган. Рамапитек бошқа одамсимон

маймунлардан шуниси билан фарқ қилганки, унинг олдинги қозик тишлари бўртиб чиқмаган ва унинг ташқи кўриниши одамга яқин бўлган. Антропоидларнинг кейинги тараққий этиши шу нарсага олиб келганки, улар орқа оёқларидан ҳаракат қила бошлайди. Кейинчалик тош ва дарахт шохларидан ўзига қуроллар ясай бошлайди. Учинчи гуруҳ олимлар эса инсоният энг яқин аجدод сифатида австролопитекларни келтириб ўтишади. Австролопитекларга тегишли дастлабки топилма 1924 йилда ЖАР худудида Р. Дарт томонидан топилган. Бундан ташқари австролопитекларга оид топилмалар шарқий Африка; Танзания, Кения, Эфиопия худудларидан ҳам қайд этилган. 1935-1961 йиллар оралиғида австролопитекларга оид 30 дан ортиқ топилмалар қайд этилган. Уларнинг мия суягининг ҳажми 600-700 куб смни ташкил этган, улар орқа оёқларида ҳаракат қилган, гўшт истемол қилганлар. Айнан уларнинг гўшт истемол қилиши уларда бошқа одамсимон маймунларга нисбатан мияни керакли озуқалар билан таъминлаш ва кейинчалик мия ҳажмининг ўсишига олиб келган. Ҳозирги кунда кўплаб австролопитекларга оид топилмалар қайд этилган бўлиб, уларнинг аниқ даври ҳам ўрнатилган³. Бундан 1.5 млн йил аввал Зинжантроп яшган. (Зинж бу Шарқий Африканинг қадимги арабча номи). Унга тегишли дастлабки топилма Танзаниaning Олдувай дарасидаги илк тўртламчи давр қатламларида қайд этилган. 1960 йилда эса инглиз палеонтолиги Л. Лики айнан шу ердан Хомо Хабилисга тегишли топилмаларни қайд этишга муваффақ бўлган. Унинг мия суягининг ҳажми 630-680 куб смни ташкил этган. Умуртқаси ва тишларининг тузилишига кўра, у одамзодга яқин бўлган. У зинжантропга нисбатан аввалроқ яъни бундан 1 млн 750 минг йил бурун яшаган. Айнан Хомо Хабилис дастлаб тош қуроллар ясашни ихтиро этган. Албатта, бу ҳолат одамзод учун хос ҳисобланади. XX асрнинг 60-йилларида шундай бир ихтиро амалга оширилдики, бу эса ўз навбатида эволюцион назарияга сезиларли таъсир кўрсатди. Аниқландики ердаги барча тирик жонлар, яъни бактериядан тортиб токи инсонгача битта умумий генетик кодга эга. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишини биз Дарвин таълимоти асосида талқин этадиган бўлсак, у ҳолда бир организмнинг генакоди иккинчисиникидан фарқ қилар эди. Шунда йбўлиб чиқаяптики, инсон битта ягона онадан келиб чиққан. Шундай бир савол туғилади, ердаги ҳаёт ўзга сайёра пробиркасида вужудга келганми ?

XIX аср охирида олимлар томонидан австролопитекларга нисбатан ривожланган ибтидоий одамлар қолдиқларини топишган муваффақ бўлишди. Ното ergaster—Ното erectus бундан 2-1,5 миллион йил аввал Африка худудидини ташлаб узининг дастлабки Африкадан Евроосиёга миграциясини бошлайди. Айнан мана шу даврдан бошлаб ер шарининг ибтидоий аждодларимиз томонидан ўзлаштирилиши бошланади. Шунини алоҳида қайд этишимиз керакки аждодимизнинг Африкадан ер шарининг бошқа қисмларига миграцияси маълум бир қонунларга асосланган эмас эди. Бу жараён табиий ҳолатда юз берган. Плиоцена ва неоплейстоценнинг илк босқичида Африка Евроосиё қитъаси ва

³ Martin Hall, Stephen W. Silliman. Historical archaeology. UK. 2006.

Арабистон ярим ороли билан боғланган бўлган. Бу даврда шарқий Африка, Евроосиёнинг ғарбий районлари, Яқин Шақ ва Арабистон ярим ороли бири-бирига яқин бўлган табиий шарт-шароитларга эга бўлган.

Дастлабки аждодларимизнинг Африка худудидан чиқиб Евроосиё худудига миграция қилиш жараёни жуда секин кечган. Бироқ хозирда Арабистон ярим ороли ва Яқин Шарқ худудидан ибтидоий аждодларимизнинг дастлабки миграцияси хақида гувоҳлик берувчи ёдгорликлар аниқланмаган. Яқин Шарқ худудидан ибтидоий аждодларимизга тегишли бўлган дастлабки палеолит даври ёдгорликлари Убейдия ва Гешер-Бенот-Яков ёдгорликлари ҳисобланади. Ушбу ёдгорликларнинг даврий санаси 1,4 ва 0,9 миллион йиллар билан белгиланган. Яқин Шарқ худудидан Убейдия ва Гешер-Бенот-Яков ёдгорликлари ибтидоий аждодларимизнинг Африка худудидан Евроосиёга иккинчи миграцияси даврига тегишли ёдгорликлар ҳисобланади. Бу даврда Евроосиёда ашел тош индустрияси тарқала бошлаган жараёни кузатишимиз мумкин. Убейдия ёдгорлигининг қўйи қатламларидан икки томонлама ишлов берилган тош қуроллар намуналари кузатишимиз мумкин. Ашел даврига қадар мавжуд бўлган қатламлар 1983-2000 йиллар давомида Аль-Гуза, Шархабил, Аль-Амир, Джидфир, Аль-Габр VI ғор маконларида қайд этилган⁴.

Бола суягининг қолдиқлари атрофида тоғ эчкисининг тўрт жуфт шохи тартиб билан териб қўйилган бўлган. Қабр олов қолдиқларининг излари ҳам аниқланган. Кўринишидан тешиктошликларда вафот этганларни дафн қилиш одатлари мавжуд бўлиб, диний тасаввурлар шаклланган.

Тешиктошдан кўплаб ёввойи ҳайвон суяклари топилган. Улар тоғ эчкиси, буғу, от, йўлбарс, айиқ, тулки, 20 дан ортиқ қуш суякларидан иборат. Омонқўтон маконида муфлон суяклар кўплаб топилган. Тешиктошга нисбатан эса бу ердан буғу, айиқ анча кам. Бу ердан Тешиктошда учрамайдиган Сибир кийиги ва чўл тошбақаси суяклари ҳам мавжуд.

Оғзикичикдан топилган ҳайвон суякларининг 14 таси Омонқўтон ва 6 таси Тешиктошлардаги ҳайвон суяклари билан бир хил. Умумий суякларнинг кўпчилигини чўл тошбақаси суяклари ташкил этади. Бундан ташқари ёввойи кўчқор ва эчкилар, от, эшак, буғи хатто жундор носорог суяклари ҳам топилган.

Обираҳмат ғоридан топилган суякларнинг ярмидан кўпроғини ёввойи эчки ташкил этади. Буғу, қўй, ёввойи чўчка суяклари ҳам мавжуд. Обираҳмат, Омонқўтон ва Тешиктош маконлари топилмаларида унчалик фарқ катта эмас. Булар мустье даврининг Ўрта тоғ вариантыга мансуб бўлиб, асосан тоғ эчкисига ов қилишган. Ғор-маконлар ичида Кўтирбулок топилмалари бошқалардан анча фарқ қилади. Ундаги топилган суякларнинг деярли ярми отники, кейинги ўринда филники. Тур (ёввойи буқа), бухоро буғуси суяклари эса камчиликни ташкил этади. Умуман, Ўрта Осиёнинг мустье даври маконлари маълум худуд табиий шароитларига мос ихтисослашган овчиликнинг мавжуд бўлганлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги палеолит даври бир неча миллион йил давом этган Қадимги тош асрининг сўнгги босқичи бўлиб, ўзидан олдинги мустье даврига

⁴ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

нисбатан яхши ўрганилмаган, очилган жой-маконлар сони ҳам камчиликни ташкил этади. Ўрта Осиёда юқори плейстоценнинг иккинчи ярмида ноқулай об-ҳаво шароитига мослашган турар жойлар бўлганлигидан далолат берувчи моддий топилмалар учрамайди. Бу давр кишилари фақат ғорлардагина яшамасдан, водийлар ва дарё бўйларида ҳам тушиб келганлар ва шу ерларда истиқомат қилганлар. Шунинг учун уларнинг маконлари табиат инжиқликлари натижасида нобуд бўлган ва кейинчалик ерларнинг ўзлаштирилиши туфайли маданий қатламлар йўқ бўлиб, ҳозирги пайтда сақланиб қолмаган. Ўрта Осиёда сўнгги палеолит даври мил. ав. 34минг йилликдан 10 минг йиллик (мил. ав. 8300 йил атрофи)гача бўлган даврни ўз ичига олади. Сўнгги палеолит даврига оид кам сонли маконлар даврларга бўлиш имкониятини қийинлаштиради, уларнинг топилмаларини у ёки бу даражада аниқлаш мумкин.

В. А. Ранов томонидан сўнгги палеолит даврининг қуйидаги тўртта варианты ажратиб кўрсатилади: Қорақамар, Хўжағор, Самарқанд, Кўлбулоқ. Дастлабки иккитаси битта тараққиёт босқичида бўлиб, кўринишдан уларни бирлаштириш мумкин.

Геоморфологик ва стратиграфик тадқиқотлар шуни курсатадики Плиоцена ва неоплейстоценнинг илк босқичида ер шарида иқлим совуши ва аридизация жараёни кузатилади. Дунё океанлари сатҳи 150 метрга пасайиб кетади. Чуқурлиги 100 метр ва кенлиги 28 метр бўлган Баб-эль-Мандеб кўрфази қуриydi ва Африка қиъасини шарқий Арабистон худуди билан боғлаб турувчи қуруқлик йўли вужудга келади. Яқин Шарқ худудидан аждодларимизнинг Кавказорти ва Европа худудига кириб боришини кузатишимиз мумкин. Бунга мисол сифатида биз грузия худудида жойлашган Дманиси топилмасини келтириб ўтишимиз мумкин.

XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярмида инсоният бешиги сифатида Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё худуди келтиради. Бунга далил сифатида эса 1981 йилда голландиялик олим Э. Дюбуа томонидан Индонезиянинг Ява оролида питекантропа (*Homo erectus*) тана суякларининг топилиши сабаб бўлади. Ўрта Шарқ атамаси (инглиз тилида Middle East) Британиянинг Ҳиндистон ишлари бўйича қўмитаси томонидан 1850 йилда қўлланилган. Бироқ 1902 йилда америкалик харбий денгиз назариётчиси Альфред Тайер Мэхэн томонидан Арабистон ярим ороли ва Ҳиндистон оралиғидаги худудларни ифодалашни натижасида бу атама тарих фанида кенг қўлланила бошланди. Иккинчи жаҳон урушига қадар Туркия ва Ўрта ер денгизининг шарқий қирғоқлари оралиғидаги худудлар Яқин Шарқ деб аталган бўлса, Месопотамиядан токи Бирмагача бўлган худудлар Ўрта Шарқ деб номланган⁵.

Рус муаллифлари адабиётларида эса Яқин Шарқ атамаси қўлланилган бўлиб, бу атама асосида Эрон, Покистон ва Афғонистон давлатлари худудлари ҳам қўшиб ифодаланади. Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларига Афғонистон, Бахрайн, Миср, Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Ироқ,

⁵ Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

Туркия, Уммон, Кувайт, Қатар, Исроил, Иордания, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Яқин ва Ўрта Шарқ худудининг палеолит даври ёдгорликларининг ўрганилиш асосан XX асрда амалга оширилган. 1929-1936 йилларда инглиз тадқиқотчиси Д. Гаррод Фаластиннинг Кармел тоғ тизмасида палеолит даври ёдгорликларини ўрганишни бошлаб беради. Шарқий Ўрта ер денгизи хавзасида А.Руст, Р.Невилль, Г. Ватанабэллар томонидан ўказилган тадқиқотлар натижасида очик турдаги ва ғорсимон ҳамда палеолит даври қабрлари топилган бўлиб. Бу ўтказилган тадқиқотлар натижасида тош даври маданиятларининг табиат билан уйғунликда тараққий этиш динамикасини кузатишимиз мумкин. Тадқиқотчилар И. Коробков, Ж. Скиннер, Ж.Перро, Л.Коплэндлар томонидан Шарқий Ўрта ер денгизи хавзаси тош даври қуроллари тиологияси ва классификацияси ҳамда маданиятларнинг ўзаро алоқалари ишлаб чиқилган. Палеолит даврида Яқин ва Ўрта Шарқ худуди кенг миқёсда музлаш даврини ўз бошидан кечирмаган. Музлаш жараёни Яқин ва Ўрта Шарқ худудининг шимолий районларида кечган бўлса, жанубий районларда эса плювиал яъни ёгингарчиликдан иборат иқлим ҳукм сурган. 2 миллион йил бурун Яқин ва Ўрта Шарқ худудида иссиқ иқлимни хуш кўрувчи виллафранк фауна ва флораси мавжуд бўлган. Яқин ва Ўрта Шарқ худуди рельефи эса унчлик катта бўлган тоғлар ва текистликлардан иборат бўлган. Қирғоқ бўйи ландшафти эса саваннага ўхшаган. Яқин ва Ўрта Шарқ худудида бундан 1.5 миллион йил бурун тектоник ҳаракатлар содир бўлади ва тоғлар кўтарилади. Тектоник ҳаракатлар бутун музлик даврида давом этади. Эрозиялар натижасида табиий ғорлар пайдо бўлади. Бу эса ибтидоий аждодларимизининг жон сақлаши учун табиий паноҳгоҳ вазифасини бажарган. Умуман олганда плювиал даври намгарчилик юқори даражада бўлганлиги билан характерланади. Харорат эса хозиргига нисбатан 4-5 градус даражада фарқ қилган. Бунинг натижасида эса бундан 700-600 минг йил аввал Фаластинда илиқ иқлимни хуш кўрувчи виллафранк флора ва фаунаси жон сақлаб қолган. Айнан бундай иқлимни хуш кўрувчи хайвонот дунёсининг мавжудлиги ибтидоий аждодларимизнинг яшаб қолиши учун замин яратган. Яқин ва Ўрта Шарқ худудида ҳукмронлик қилган виллафранк фаунаси бу худудда дастлабки ибтидоий аждадларимизининг пайдо бўлишига олиб келган⁶.

Ибтидоий аждодларимизга оид дастлабки топилмалар Сурия ва Ливан худудларидан топилган бўлиб уланинг даврий санаси Олдувей даври билан белгиланади. Яқин ва Ўрта Шарқ худудининг энг муҳим ёдгорликларидан бири Оронта ва Иордан дарёси оралиғидаги худудларда жойлашган Убейдия ёдгорлиги хисобланди. Унинг даври санаси Ашел даври билан белгиланади. 1983-2000 йиллар давомида Аль-Гуза, Шархабил, Аль-Амир, Джидфир, Аль-Габр VI ғор маконларида қайд этилган. Геоморфологик ва стратиграфик тадқиқотлар шуни курсатадики Плиоцена ва неоплейстоценнинг илк босқичида ер шарида иқлим совуши ва аридизация жараёни кузатилади. Дунё океанлари сатҳи 150 метрга пасайиб кетади. Чуқурлиги 100 метр ва кенлиги

⁶ Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006

28 метр бўлган Баб-эль-Мандеб кўрфази қурийдиги ва Африка қиёсини шарқий Арабистон худуди билан боғлаб турувчи қуруқлик йўли вужудга келади. Яқин Шарқ худудидан аждодларимизнинг Кавказорти ва Европа худудига кириб боришини кузатишимиз мумкин. Бугунки кунда Яқин ва Ўрта Шарқ худудида қадимги тош даврига оид бир қанча ёдгорликлар ўрганилган. Эль-Маслук ёдгорлиги 1969 йилда Колумбия университети археологлари томонидан Ливаннинг шимолий қисмида топиб ўрганилган⁷.

Исроил худудида жойлашган дастлабки ибтидоий одамлар неандертал ҳисобланади. Исроил худудида Homo Sapiensларнинг пайдо бўлиши бундан 75 минг аввал содир бўлган. Исроил худудида Homo Sapiensлар неандерталлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлганлар. Убайдия ёдгорлиги бундан 1,4 млн йил аввал ибтидоий аждодларимизнинг Африкадан Евроосиёга миграцияси жараёни изларини кузатишимиз мумкин⁸.

Бундан 20 минг аввал ушбу худудда мавсумий турар жойлар ва ғор-маконлар бўлган. Убайдия ёдгорлигидан илк ашел типигаги тош қуроллар топилган. Бундан ташқари даврий санаси 1 400000—250000 минг йилликларини ташкил этувчи палеолит даври ёдгорликлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан сўнгги ашел типигаги тош қуроллар қайд этилган. Иаков қизлари мости ва Табун ғор маконлари сўнгги ашел типигаги тош қуроллар қайд этилган ёдгорликлар ҳисобланади. Убайдия, худудидан ибтидоий аждодларимизга оид тиш намуналари, Иаков қизлари мости суяк намуналари ва Зуттие ғор маконидан эса ибтидоий аждодимизнинг бош чаноғи (Галилей одами) намуналари топилган.

Фаластин худудидаги мустье даври аниқроғи неандерталларга оид ёдгорликларга биз Кебара, Амуд ва Табун ёдгорликларини келтириб ўтишимиз мумкин. Homo Sapiensларга оид ёдгорликлар эса Джебел-Кафзе ва Схул ғор маконлари ҳисобланади. Фаластин худудида юқори палеолит даври 48000-20000 минг йилликларни ўз ичига олади. Табун ғори палеолит даври археологик ёдгорлиги ҳисобланиб Исроилдаги Кармел тоғида жойлашган. Табун ғор макони бундан 500-40 минг йил аввал итидоий аждодларимиз томонидан ўзлаштирилган. Табун ғорининг юқори қатламлари мустье даврига оид бўлиб, юқори қатламлардан леваллуа техникаси асосида тайёрланган тош қуроллар топилган⁹.

1962-1972 йилларда Артур Еленек томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида сўнгги ашел ва ябруд маданиятларига оид бўлган 1900 та бутун ва синиқ бўлақлардан иборат бўлган тош қуроллар намуналари топилган. Бундан ташқари Табун ғор маконидан даврий санаси 120 минг йилни ташкил этувчи аёл жинсига мансуб неандертал одамнинг тана суяклари топилган. Бу топилма Исроил худудидаги энг қадимги ибтидоий одамлар тана суяклари ҳисобланади.

Кебара ғор макони археологик ёдгорлик ҳисобланадиган Кечария ёдгорлигидан 10 км масофа узоқликда Кармел тоғининг ғарбий ен бағрида

⁷Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

⁸Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006

⁹ Suzanne Richard. *Near Eastern Archaeology: A Reader*. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

Вади Кебара номли макон худудида денгиз сатҳидан 60-65 метр баландликда жойлашган. Ғор макон бундан 60-48 минг йил аввал ибтидоий аждодларимиз томонидан ўзлаштирилган. Ушбу ёдгорлик Бар Йосеф томонидан гоминидлар оиласига мансуб бўлган энг қадимги ибтидоий аждодларимизнинг тана суяклари топилганлиги билан машхурдир¹⁰. Ушбу ёдгорлик дастлаб 1930 йилда Дороти Гаррод ва Франсис Тюрвил Петр томонидан ўрганилганлигига қарамасдан энг муҳим кашфиётлар 1982 йилда амалга оширилган. 1982 йилда Кебара ғор маконидан неандертал одамнинг бутунлигича сакланган тана суяклари топилган. Бу топилмалар археологлар орасида “Моше” деб номланган бўлиб, унинг ёши 60 минг йилни ташкил этади.

Схул ёдгорлиги Исроилдаги Кармел тоғида жойлашган бўлиб, дастлаб 1982 йилда Дороти Гаррод томонидан ўрганилган. Ушбу ёдгорлик бир вақтнинг ўзида ҳам неандертал ҳам замонавий типидagi одам *Homo Sapiens*лар томонидан ўзлаштирилган. Схул ёдгорлигининг даврий санаси 200 минг -45 минг йилни ташкил этади. Бу даврий сана археологик даврлардан хисобланган мустъе яъни ўрта тош даврига тўғри келади. Схул ёдгорлигидан 14 та ибтидоий аждодларимизнинг тана суяклари топилган. Ушбу топилмаларнинг аксарият қисми 1932 йилда Теодор Мак Коун томонидан аниқланган.

Кафзех ғор макони ҳам Исроилда жойлашган бўлиб, илк бора 1934 йилда Р. Невил ва М. Стекелис томонидан ўрганилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида леваллуа типидagi тош қуроллар билан бирга 5 та ибтидоий аждодимизнинг тана суяклари қайд этилган. Ёдгорликда тадқиқот ишлари 1965, 1967 ва 1971 йилларда ҳам давом эттирилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида 25 та ибтидоий аждодимизнинг тана суяклари топиб ўрганилган. Бу ердан топилган қадимги одамдаорнинг тана суяклари тахлили уларнинг ривожланган яқин шарқ гоминидлари гуруҳига оидлигини кўрсатмоқда. Баъзи топималар эса гибрид яъни неандертал ва *Homo Sapiens*лар чатишмасидан вужудга келган энг қадимги одамлар эканлигини кўрсатмоқда.

Мустъе қатламларига оид бўлган тош қуролларнинг термоллюминесцент тахлили 92-97 минг йилликларни кўрсатса, электрон парамагнит резонанс тахлил натижалари ушбу ёдгорликнинг даврий санасини 130-90 минг йил деб кўрсатмоқда. Бундан ташқари Исроил худудида микроиндустрияли бир нечта қадимги жой маконлари ҳам аниқланган. Буларга биз Еврон, Бизат Рухама жой маконларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Еврон жой маконининг даврий санаси 1.5-2.4 миллион йилни ташкил этса, Бизат Рухама жоймаконининг даврий санаси 1 миллион йилни ташкил этади. *Homo Sapiens* тана суяклари қайд этилган ёдгорликлардан бири бу Кесем ёдгорлиги хисобланади. Тел-Авив университети археолог олимларининг фикрига кўра Кесем ёдгорлигининг даврий санаси 382-207 минг йилларни ташкил этади.

Ер юзи об-хавоси илик булганда одамлар манзилларда янги анхор буйидаги тепаликларда жойлашган об-хавонинг кескин узгариши илк

¹⁰ Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006

палеолитнинг сунгги даврларида ер юзи буюк музлик билан копланганда одамлар янги шароитга мослашишга мажбур буладиган.

Урта палеолит даврида миллотдан аввал 100-40 минг йилликлар даврида яшаган одамларни питекантроплар деб аталган. Уларни суяк колдиклари дастлаб Германиядан Неандертал водийсидан топилгани учун шу жой номи билан аталган.

Неандерталлар яшаш учун горларни узлаштирадilar. Найза учларини ясайдилар, ўзларига хайвон терисидан кийим килдилар, оловдан фойдланадилар. Мамонт ва бошка йирик музлик даври хайвонларини овлайдилар.

Неандерталлар hozirgi кийфадаги одамларга утиш боскичидир. Кромонон Франция горидан топилган одам суяклари унинг сунгги палеолит миллиоддан аввалги 40-12 минг йилликлар даврида яшагани ва жисмонан hozirgi кийфадаги одамлардан фарк килганлиги маълум.

Инсониятни ривожланишида неандертал одамнинг ўзи алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги таъкидлаб ўтганимиздек, 1956 йилда Германиянинг Дюссел Дорф шаҳри яқинидаги неандертал горидаги ер казиш ишлари вақтида тасодифан бош суяк копкоги ва одам скелетининг бир неча суяклари топилиб, шу ер номи билан аталади. Бу скелет барча казилма одамларининг энг аввалгиси булиб, ўз вақтида олимлар орасида кучли бахсларга сабаб бўлди.

Ўша вақтдаги машҳур немис олими, Ориентологи Верхов скелетнинг топилган бўлаклари ипидоий одамга тегишли бўлмай балки hozirgi замон одамига тегишли деб эълон килди ва суякларнинг тузилиш хусусиятларини эса алькоголизм ва захм касаллиги оқибатида деб тушунтирди. Лекин бу топилмалардан кейин одамнинг факат алоҳида қисмигина эмас, балки бутун скелетлари, шунингдек куп марта тош куроллари, кул колдиклари ва шулар билан бир каторда кишилиқ фаолияти билан боғлиқ бир канча топилмалар бирин-кетин топилаверди¹¹.

Ҳозир неандертал деб аталган бу казилма одам юқорида айтиб ўтилган ўтмишдаги одамлар сингари ягона топилма эмас: hozirgi вақтда Европанинг куп ерларида, Жанубий Африкада “Родэзия одами” ва “Африкантроп” Фаластинда Ява Оролида питекантроплар топилган жойда: Явантроп ва бошка ерларда ҳам уларнинг яшаганлиги аниқланди. Кримда Синферопол шаҳридан 25 км шарқроқда Кийиккоба горидан 1924 йилда Г.А.Бонч – Осмоловский томонидан топилган¹².

Ўзбекистонда топилган тешиқ тош горидан 1938 йилда О.П. Окладников томонидан Мусте типи деб аталадиган жуда содда тош куроллар билан 8-10 яшар боланинг суяги топилган. (кейинчалиқ унинг шогирди Алексеев томонидан бу суяк аёл кишига тегишли эканлиги аниқланган).

Шуни курсатиб утиш мумкинки, ғордаги неандерталларнинг алоҳида топилган индивидлари юқорида кўрганимиздек, жуда кенг майдонга

¹¹ Alice Roberts Evolution the human story. London and New York. 2011.

¹² Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

таркалган бўлиб, улар ўзаро бир-биридан фрак қилса ҳам буларнинг ҳаммаси бир одамнинг туридир.

Қадимги кишиларнинг юқорида курсатиб утилган вакиллари одамсимон маймунларга хос бўлган белгилардан аста-секин узоқлашиб, ҳозирги замон одами типига яқинлашган: тик юриш такомиллашган, кўз косаси усти каварик, ияк ривожланган, пешона текисланган ва бошқалар, лекин энг кўзга ташланадиган нарса миянинг ривожланиши натижасида бош суяк ҳажмининг катталаниши бўлди. Ҳозирги замон йирик адашсимонларнинг, казилма одамлар ва ҳозирги замон одамлари калла суякларининг катта кичиклигини билиш учун мавжуд маълумотларни солиштирилса, куйидагилар маълум бўлди¹³.

Горилла 600 дан то 685 см³ гача.

Питекантроп 800 дан то 900 см³

Синантроп 1000 дан то 110 см³

Неандертал 110 дан то 1600 см³

Ҳозирги замон одами 1200-1700 см³.

Синантроп ва Неандертал одамларнинг қолдиқлари билан бирга уларнинг меҳнат фаолиятларининг излари, хусусан, жуда содда тош куроллар топилган. Археологик казилмалар ичидан топилган иптидоий жамият даврига мансуб бўлган моддий маданият ёдгорликларининг ўзи анчагина олдин бу тахминан казилма одам топилган даврлар яъни, 20 аср ўрталаридан бошланган ва тинмай ўзгариб бораётган археологик моддий маданиятнинг энг қадимги тараккиёти хақида етарли даражада аниқ маълумотлар беради¹⁴.

Ер юзининг каттагина қисмига таркала бошлаган палеантроплар –янги неандерталлар шу хилма-хил табиий шароит ва иштимой меҳнат жараёни натижасида аста-секинлик билан ривожланишда давом этдилар.

Оқибатда ҳозирги жисмоний типдаги “Янги одам” неантроп даражасигача етиб келгунча катта тарихий даврни босиб ўтдилар. Неандерталлар ўзларининг жисмоний ва ақлий қобилиятлари билан энг қадимги ва қадимги одамлардан сифат жиҳатдан тубдан фарк қилар эдилар.

Шунинг учун ҳам уни “ақл идрокли” одам – хомо сапиэнс, деб атаганлар. Улар ўзларининг ташки қиёфаси жиҳатидан ҳозирги замон одамларига жуда ўхшаб кетадилар. Мутахассисларнинг фикрича неандерталлар бундан 40-35 минг йил муқаддам сунги тош асрининг бошларида пайдо бўлган ва дастлабки эски дунё буйлаб кенг таркала бошлаганлар.

Уларнинг скелетлари, суяк парчалари, моддий-маданий қолдиқлари Африка, Европа ва Осиёнинг купгина жойларидан топилган.

“Ақл-идрокли” деб аталган одамлар, дастлаб Ўрта ер, Қора, Қасбий денгиз ва унга туташ бўлган жойларда яшаган бўлиб, шу ердан Марказий Шаркий, Жанубий-Шаркий Осиёга, Шаркий-Жанубий Африкага, ГАРбий ва Жанубий Европага таркалганлар.

¹³ Alice Roberts Evolution the human story. London and New York. 2011.

¹⁴ Martin Hall and Stephen W. Silliman. Historical archaeology. Oxford. 2006

Неонтроплар таркалган жойлар шартли равишда куйидаги географик ўлкаларга бўлинади.

1. Европа музлик ўлкаси.
2. Ўрта ер денгиз ўлкаси.
3. Жанубий Африка ўлкаси.
4. Сибир-мугул ўлкаси.
5. Хинд-химолай ўлкаси.

Мазкур жойлардан неандерталлар яшаган жуда кўплаб манзилгохлар. Бу манзилгохлардан эса улар колдирилган моддий маданий колдиклар ва уша маданиятни яратган кишиларнинг юксак колдиклари, бутун-бутун скелетлари куплаб топилди ва топилмоқда.

Францияда кро-манонда, Комб-капелг, Ориняк-Шанселят, Италиядаги “Долалар гори”, Грималгди, Кавилгон, Бармагранс, Бауссо, Дехторо горларидан Англиядаги павелиант горидан неонтропларнинг скелетлари ва уларнинг моддий-маданиятига оид буюмлар куплаб топилган.

Палеонтологик материаллар кадимий /Африкада хам неандерталлар хам яшаганидан дарак беради. Неандерталларнинг манзилгохлари, мехнат куроллари ва скелетлари Африканинг Афалубу-Румел, Мактах-Ал-Арбий, Науру Ассиляеар, Элентет, Боскон, Сияикома, Элизабет, Скледергат, Фиш-хук, Кения ва Танчанинанинг куп жойларидан топилган одам суяги хам неандерталларга мансубдир.

Ишлаб чикариш кучлари ўса борди. Кучларнинг ривожлана бориши натижасида ижтимоий хаётда хам катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу ўзгаришлар ибтидоий жамоа тизимининг ривожланишида хусусан мехнат куроллари такомиллашувида кузга ташланди.

Кадимги палеолит даврида куролларнинг хили жуда оз булиб, улар жуда хам содда ишлаган эди.

Лекин кадимги палеолитнинг охири ва сунги тош асрининг бошларига келганда манзара бутунлай узгариб, тошдан тарашлагич, киргич тешгич ва найза учлари, ер кавлагич куроллари вужудга келди. Ундан ташкари суякдан ва ёгочдан бигиз, игна, суйил, найза учлари ва бошка мураккаброк асбоблар учун мосламалар яшашга эришилди. Балик овлашнинг ривожланиши муносабати билан тескари типли гарруп кашф килиши хам ана шу даврга мансубдир.

Мехнат ва ов куролларининг мукаммалашуви окибатида овчилик хўжалиги ва термачилик хам ривожлана борди¹⁵.

1891-1894 йилларда Голландиялик олим, врац Э. Дюбуа томонидан Индонезиянинг Ява оролларида ибтидоий аждодларимизнинг суяк колдиклари топиб ўрганилади ва бу топилма фанга питекантроп номи остида киритилади. 1936 йилда худди шу Ява оролидан питекантроп боласининг тана суяклари колдиклари топиб ўрганилади. Питекантроп тана суякларига эътибор берадиган бўлсак, у икки оёклаб юрган ва мия суягининг хажми 850-950 куб смни ташкил этган. Питекантроп яшаган табиий мухитга эътибор

¹⁵ A. Robers. Evolution: The Human story. New York. 2011.

қаратсак, у ўрмонлардан иборат бўлган денгиз сатҳидан 600-1200 метр баландликда жойлашган ҳудудда яшаган. Ява оролида ўтказилган казишмалар натижасида Питекантроп билан бирга қадимги ҳайвонларнинг суяклари ҳам топиб ўрганилган ва олиб борилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, питекантроп ҳамда бу қадимги ҳайвонлар Ява оролида содир бўлган вулқон отилиши натижасида қирилиб кетишган. Ибтидоий аجدодларимиз инсониятнинг энг қадимги даври палеолит давридан бошлаб тошлардан ов ва меҳнат қуролларини ясашни ўрганишган. Илк тош қуроллардан бири тури Ғарбий Панжоб (замонавий Покистон ҳудуди) Соань дарёсидан ўзларидан топилган бўлиб, улар фанга илк соань тош қуроллари номи билан киритилган. Шунингдек тошдан ишланган қуроллар Пекин (Хитой), Кения, Мароқаш, Уганда, Тангантика ҳудудларидан ҳам топилган¹⁶.

Илк палеолитда маданий муҳитнинг мавжудлиги алоҳида жойлар билангина чегараланса сўнгги палеолитда эса маданият тизим сифатида шаклланади. Сўнгги палеолитнинг бошлари гоминид эволюцияси яқунланиб замонавий “ақлли одам” тури пайдо пайдо бўлади. Сўнгги палеолитда турлитуман тош ва бошқа қуроллар нотекис тарзда кўпайиши натижасида таркибий қуроллар-тасма, учлик, шунингдек, тўқимачилик пайдо бўлади. Ниҳоят, дастлабки тартибли ижтимоий ташкилот - уруғ ташкил топади. Бу инқилобнинг маҳсули мисолларининг асосий антропологик, рухий физиологик, рухий ижтимоий ва маънавий бирлиги бўлиб, инсонлар уюшмасининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тил, маиший ривожланишининг тафовутларга қарамасдан тарихда сақланиб қолди¹⁷.

Ибтидоий одамларнинг билим даражаси анча чекланган бўлсада, бироқ яшаш учун кураш жараёнида атроф-муҳитни кузатиб тажриба тўплаганлар. Натижада янги тушунча ва тасавурлар пайдо бўлиб, тафаккур ва нутқ ривожлана борди. Бу эса жамият маънавий ривожланишини тезлаштирди. Ўзлаштирувчи хўжаликда ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилиши ва тажрибанинг тўпланиши натижасида юзага келди.

Дастлаб ибтидоий одамлар озиқ-овқат қидириб ўзи яшаётган муҳитни яхшироқ ўргана бошладилар. Бу эса уларнинг географик билимини оширган. Табитдаги мавжуд истеъмол қилишга яроқли ўсимлик ва меваларни қидириб топиши, кузатиши натижасида ботаника билимлари тўплаган. Ёввойи ҳайвонлар овлаш жараёнида ҳайвонларнинг феъли, тури, яшаш жойларини кузатиш туфайли ибтидоий одамларда зоология билими шакллана бошлади. Бу жараёнларни ўрганиш ибтидоий одамлар учун зарурий, ҳаёт учун кураш, тирикчилик манбаи эди.

Қасалликни даволаш учун ўша замоннинг ўзига хос содда табобати бўлиб, даволашда ўсимликлар, мевалар, ҳайвонлар, минерал жисмлардан фойдаланганлар. Шунингдек, силаш, уқалаш усули билан баъзи

¹⁶ Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

¹⁶ Robert J. Muckle. Introducing Archaeology: Second Edition. University of Toronto Press. 2014

касалликларни даволаганлар ва фолбинлик, сеҳргарлик ва жодугарлик усулларидан ҳам фойдаланганлар¹⁸.

Антропоидларнинг кейинги тараққий этиши шу нарсага олиб келганки, улар орқа оёқларидан ҳаракат қила бошлайди. Кейинчалик тош ва дарахт шохларидан ўзига қуроллар ясай бошлайди. Учинчи гуруҳ олимлар эса инсоният энг яқин аجدод сифатида австролопитекларни келтириб ўтишади. Австролопитекларга тегишли дастлабки топилма 1924 йилда ЖАР худудида Р. Дарт томонидан топилган. Бундан ташқари австролопитекларга оид топилмалар шарқий Африка; Танзания, Кения, Эфиопия худудларидан ҳам қайд этилган. 1935-1965 йиллар оралиғида австролопитекларга оид 30 дан ортиқ топилмалар қайд этилган. Уларнинг мия суягининг ҳажми 600-700 куб смни ташкил этган, улар орқа оёқларида ҳаракат қилган, гўшт истемол қилганлар. Айнан уларнинг гўшт истемол қилиши уларда бошқа одамсимон маймунларга нисбатан мияни керакли озуқалар билан таъминлаш ва кейинчалик мия ҳажмининг ўсишига олиб келган. Ҳозирги кунда кўплаб австролопитекларга оид топилмалар қайд этилган бўлиб, уларнинг аниқ даври ҳам ўрнатилган. Бундан 1.5 млн йил аввал Зинжантроп яшган. (Зинж бу Шарқий Африканинг қадимги арабча номи). Унга тегишли дастлабки топилма Танзаниaning Олдувай дарасидаги илк тўртламчи давр қатламларида қайд этилган. 1960 йилда эса инглиз палеонтолиги Л. Лики айнан шу ердан Хомо Хабилисга тегишли топилмаларни қайд этишга муваффақ бўлган. Унинг мия суягининг ҳажми 630-680 куб смни ташкил этган. Умуртқаси ва тишларининг тузилишига кўра, у одамзодга яқин бўлган. У зинжантропга нисбатан аввалроқ яъни бундан 1 млн 750 минг йил бурун яшаган. Айнан Хомо Хабилис дастлаб тош қуроллар ясашни ихтиро этган. Албатта, бу ҳолат одамзод учун хос ҳисобланади. XX асрнинг 60-йилларида шундай бир ихтиро амалга оширилдики, бу эса ўз навбатида эволюцион назарияга сезиларли таъсир кўрсатди. Аниқландики ердаги барча тирик жонлар, яъни бактериядан тортиб токи инсонгача битта умумий генетик кодга эга. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишини биз Дарвин таълимоти асосида талқин этадиган бўлсак, у ҳолда бир организмнинг генакоди иккинчисиникидан фарқ қилар эди. Шунда йбўлиб чиқаяптики, инсон битта ягона онадан келиб чиққан. Шундай бир савол туғилади, ердаги ҳаёт ўзга сайёра пробиркасида вужудга келганми?.

XIX аср охирида олимлар томонидан австролопитекларга нисбатан ривожланган ибтидоий одамлар қолдиқларини топишган муваффақ бўлишди. 1891-1894 йилларда Голландиялик олим, врач Э. Дюбуа томонидан Индонезиянинг Ява оролларида ибтидоий аждодларимизнинг суяк қолдиқлари топиб ўрганилади ва бу топилма фанга питекантроп номи остида киритилади. 1936 йилда худди шу Ява оролидан питекантроп боласининг тана суяклари қолдиқлари топиб ўрганилади. Питекантроп тана суякларига эътибор берадиган бўлсак, у икки оёқлаб юрган ва мия суягининг ҳажми 850-950 куб смни ташкил этган. Питекантроп яшаган табиий муҳитга эътибор

¹⁸ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

қаратсак, у ўрмонлардан иборат бўлган денгиз сатҳидан 600-1200 метр баландликда жойлашган ҳудудда яшаган. Ява оролида ўтказилган казишмалар натижасида Питекантроп билан бирга қадимги ҳайвонларнинг суяклари ҳам топиб ўрганилган ва олиб борилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, питекантроп ҳамда бу қадимги ҳайвонлар Ява оролида содир бўлган вулқон отилиши натижасида қирилиб кетишган. Ибтидоий аждодларимиз инсониятнинг энг қадимги даври палеолит давридан бошлаб тошлардан ов ва меҳнат қуролларини ясашни ўрганишган. Илк тош қуроллардан бири тури Ғарбий Панжоб (замонавий Покистон ҳудуди) Соань дарёсидан ўзларидан топилган бўлиб, улар фанга илк соань тош қуроллари номи билан киритилган. Шунингдек тошдан ишланган қуроллар Пекин (Хитой), Кения, Мароқаш, Уганда, Тангантика ҳудудларидан ҳам топилган.

Ибтидоий одамлар табиатни, иқлимни шароитдан келиб чиқиб кузатиши асосида об-ҳавони олдиндан айтиб бериш қобилияти пайдо бўлади. Тарбия ҳам меҳнат ва турмуш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, одат ва удумлар асосий аҳамият касб этган.

Ибтидоий санъат ҳам одамнинг меҳнат фаолияти билан уйғун ҳолда вужудга келган.

Ибтидоий саноат хилма хил бўлиб, бир неча турларга бўлинади:

1) Суяк, тош парчаси, шох, қулоччилик буюмларига чизилган белгилар, одам, ҳайвон ва ҳар хил нарсаларнинг тасвирлари.

2) Ғор деворларга ҳар хил ранглар билан ишланган ҳайвон, одам ва буюмлар тасвири. Уларда ов, меҳнат, жанг ва бошқа манзаралар тасвирланган. Бундай тасвирлар Турон, Саҳрои Кабр, Марказий Осиё, ғарбий Европада кўплаб учрайди.

3) Қоя тошларга ўйиб, чизиб, ишқалаш усули билан ишланган тасвирларда ҳайвон, буюм, қуроллар ва ибтидоий кишиларнинг кун далик меҳнати билан боғлиқ манзаралар ўрин олган. Қоя тош тасвирлари Осиё, Африка ва Европада кўп учрайди.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Замонавий одам эволюцияси муаммоси нимадан иборат?
2. Олдувай маданияти палеолитнинг қайси босқичига оид?
3. Инсон аждодлари ватани ҳақида қайси илмий назарияларни биласиз?
4. Гоминийлар эволюцияси ҳақида қандай назариялар мавжуд?
5. Палеолит даври миграциялари ҳақида нималарни биласиз?
6. Африкада гоминийлар қайси даврда пайдо бўлган?
7. Африка қитаъсидаги палеолит ва мезолит даври археологик топилмаларни таърифлаб беринг?
8. Африка ва Евросиёдан топилган антропологик топилмалани таҳлил қилинг?
9. Марказий ва Жанубий Африкадан топилган палеантропологик топилмалар ҳақида нималарни биласиз?

10. Европа палеолит ва мезолит даври археологик топилмалар
хусусиятларни очиб беринг?

Адабиётлар руйхати

1. Robers. Evolution: The Human story. New York. 2011.
2. Denbow J. The Archaeology and Ethnography of Central Africa
Published: Cambridge University Press. 2013
3. Alice Roberts Evolution the human story. London and New York. 2011.
4. Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake
Indiana. Eisenbrauns. 2003

2-мавзу Неолит даври. Неолит даври илк деҳқончилик марказлари: Яқин, Ўрта Шарқ ва Кичик Осиё. Энеолит даври хусусиятлари. Месопотамиянинг энеолит даври маданиятлари ва уларнинг асосий археологик ёдгорликлари.

Режа

- 2.1. Неолит инқилоби.
- 2.2. Мисдан фойдаланишнинг кенгайиши.
- 2.3. Сунъий суғоришнинг пайдо бўлиши.
- 2.4. Ортиқча истеъмол маҳсулотларнинг жамланиши.
- 2.5. Мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш вужудга келиши.
- 2.6. Халаф маданияти

Таянч иборалар: Неолит, Цивилизация, Жармо, Иерхон, Хожилар, Чаталгуюк, неолит инқилоби, натуфий, Чейюндепе, Жойтун, Хассун, Самар, Халаф, маданият

Неолит - (юнонча неос, литос-тош) ўзоқ давом тош асрининг сўнгги босқичи. Неолит атамасини 1865 йилда инглиз археологи Леббок таклифи билан киритилган. Неолит бошланишининг асосий аломатларидан бири одамзод ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва ўсимликларни маданийлаштиришга ўтишнинг бошланиши. Бу жараён Яқин Шарқ ҳудудида мил. ав. VIII-VII минг йилликларда (ҳатто Жануби-ғарбий Осиёда айрим олимларнинг фикрига кўра бундан ҳам илгарироқ) бошланиб, неолитнинг кейинги босқичларида ишлаб чиқарувчи хўжалик – деҳқончилик ва чорвачилик шакллариининг тўлиқ қарор топиши билан яқунланади. Шимолий минтақалар ҳудудларида эса иқлим шароитларидан келиб чиқиб, хўжаликнинг ўзлаштирувчи шакли узок давр мобайнида сақланиб қолади. Шу нуқтаи назардан неолит ер юзининг турли жойларида тули даврларда кечганлиги кузатилади. Табиий шароити қулай бўлган ўлкаларнинг неолит даври хусусиятлари мил. ав. VIII-VII минг йилликларда намоён бўлса, бошқа ҳудудларда бу жараён мил. ав. III-II минг йилликларда ҳам давом этади¹⁹.

Деҳқончилик биринчи навбатда кишилик жамиятининг кейинги тараққиётини белгилаб бераган. Хўжаликнинг илгор шаклига ўтилгандан сўнг ибтидоий одамлар мунтазам озиқ-овқат захирасига эга бўлиб, бир жойда муқим ўтроқлашишни таъминлаган. Деҳқончилик табиий-географик шароит қулай ва маданийлаштириши учун ўсимликларга бой бўлган ҳудудларда пайдо бўлган. Мазкур жараённи инглиз археологи Гордон Чайлд “неолит инқилоби”, деб атайди. Р.Брейвуд эса “озиқ-овқат етиштириши инқилоби” номи билан аташни маъқул кўрган.

Неолит даври ер юзининг барча ҳудудларида маълум бир даврда кечмамаган. Осиёнинг иссиқ иқлимга эга бўлган ўлкаларида неолит даврида

¹⁹ Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006

иқлим шароити ҳозиргига нисбатан анча яқин бўлиб, кишилар ер юзи бўйлаб кенг тарқала бошлаган. Табиий географик жиҳатдан қулай ва иссиқ иқлимли ўлкаларда кишилар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклига ўтиб ўтроклаша бошлаган бўлсалар, шимол аҳолиси эса табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли орқада қолиб кетган²⁰.

Хўжаликнинг деҳқончилик шаклига ўтиш мил.ав. VIII минг йилликнинг бошларида Яқин Шарқ худудида содир бўлади. Бу ердаги илк деҳқончилик мезолит даври Натуфий маданияти асосида шаклланган Қадимги илк деҳқон жамоасига тегишли қишлоқнинг ўрни Сурия-Фаластин худудида Ўлик денгиздан Шимолда Иордан дарёси водийсида жойлашган Теллассултон ёдгорлигида ўрганилган. Бу ёдгорлик Библияда келтириб ўтилган қадимги Иерихон шаҳрининг ўрни ҳисобланади. Археологик жиҳатдан мил. VIII-VII минг йилликларга оид илк деҳқончилик маданияти Иерихон А, Б комплексларни ташкил этади. Илк босқичида (Иерихон А-мил.ав. VIII минг йиллик) тош девор билан ўраб олинган қишлоқ аҳолисининг овал шаклидаги ғишлардан барпо қилинган айлана ёки овал шаклидаги уйлари жойлашган. Манзилгоҳда ярим ертўла уйлар ҳам мавжуд²¹.

Микролитлардан иборат камон ўқлари тош қуролларининг асосини ташкил этади. Бошқа бир қуролларидан ўроқ дасталари сақланган. Уй деворларида бир қатордан иборат арпа ва буғдойларнинг излари аниқланган. Қурол мотиға ва ўроқларнинг дасталари деҳқончиликнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек Иерихон А дан бир қаторли арпа ва буғдойларнинг излари қурилиш материалларида сақланган.

Кейинги босқичида (Иерихон Б-мил. ав. VII минг йиллик) Иерихонликларнинг ижтимоий ҳаётида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Уйлари режалаштириш асосидаги маълум ўлчамда қурилади. Тошдан ясалган камон ўқлари, ўроқ қадамалари, пармаловчи қуроллар, кели, дон янчигич, турли рўзғор идишлари ва силлиқланган тош болтачалари аниқланган. Суяклардан кесувчи қурол сифатида фойдаланилган. Лойдан фақат одамлар ва ҳайволар шаклларида иборат ҳайкалчалар ясалган. Лойдан ясалган сапол идишлари ҳар икки комплекс маданий қатламларида учрамайди. Қулоччилик буюмлари намуналари Иерихондан узоқ жанубда жойлашган Яқин Шарқнинг бошқа бир неолит даври Бейда ёдгорлигида аниқланган. Сапол идиш пиширилмаган. Бу ёдгорлик неолит даври Иерихон маданиятининг сўнгги босқичида ривожланган бўлиши мумкин.

Топиб ўрганилган ҳайвон суякларидан жайронга тегишлилари кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек қўй, эчки, чўчка ва эшак, ит ва мушук суяклари ҳам мавжуд. Улардан фақат эчки хонакилаштирилган. Ит эса мезолит давридаёқ қадимги овчиларнинг овдаги ёрдамчиси бўлган. Мушук дон маҳсулотлари захирасининг тўпланиши билан хонакилаштирилган бўлиши мумкин.

²⁰ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

²¹ Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006

Ҳар иккала босқичда мурдалар уйларнинг ичида жинсига кўра маълум кузатув буюмлари билан қўшиб кўмилган.

Моддий топилмаларнинг гувоҳлик беришича илк босқич ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтиш даври ҳисобланиб, ўзлаштирувчи хўжалик аҳамияти юқори бўлган. Кейинги босқичда эса ишлаб чиқаришга асосланган деҳқончилик ва чорвачилик шакли иқтисоднинг асосини ташкил этади. Овчилик эса ёрдамчи хўжалик тури сифатида сақланиб қолади.

Илк деҳқончиликнинг бошқа бир маркази Кичик Осиё ҳудуди ҳисобланади. (мил ав. VIII минг йил охири -VI минг йилнинг биринчи ярми). Бу ҳудудда босқичма-босқич ривожланган илк деҳқон жамоаларига тегишли манзилгоҳлар ўрганилган.

Жанубий-ғарбий Туркиядаги Хожилар ёдгорлигининг неолит даврига оид маданий қатламлари (мил. ав. VIII минг йиллик охири-VII минг йиллик бошлари) илк деҳқончилик маданияти ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ёдгорликнинг дастлабки босқичида кишилар тош таг девор устида хом ғиштдан барпо қилиниб, ички томондан лойсувоқ ва айрим ҳолларда ранг-тасвир туширилган деворлардан иборат уйларда истиқомат қилишган. Майитлар уйларнинг ичида кўмилган.

Деҳқончиликда арпа, эммер (буғдой тури) ва чечевица экишган. Топилган қўй ва қора мол суякларининг хонакилаштирилганлиги тасдиқланмаган. Кейинги босқичда уй-жой иморатлари салобатли кўриниш ола бошлайди. Идишлар тошдан ясалган. Суякдан бигиз, кремений ва обсидиандан ўроқнинг қадама тиғлари, силлиқланган тош болталар ясалган. Неолит даврining охирларида сиртига қизил ва жигар рангдаги бўёқларда чизилган саполлар пайдо бўлади. Мисга ишлов бериш пайдо бўла бошлайди.

Кичик Осиёда неолит даври ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари Чейюнюдепе ёдгорлиги (мил ав. 7250-6750 йиллар) топилмалари орқали тўлиқ номоён бўлишини кузатиш мумкин. Аҳоли сунъий қурилган уйларда яшаган Сопол идишлар учрамасада, лойдан ясалган ҳайвон ҳайкалчалари мавжуд. Кремьдан ясалган микролитсимон тош қуроллар устунлик қилади. Кам сонли болғалаш усулида ишланган мис буюмлари учрайди. Ёдгорликнинг дастлабки икки босқичида хўжаликнинг овчилик-деҳқончилик шакли устунлик қилган. Учинчи босқичга келиб чорвачилик овчиликни сиқиб чиқаради. Қўй, эчки асосий чорва ҳисобланган. Деҳқончиликда бир ва икки қаторли буғдой экилган²².

Кичик Осиёдаги илк деҳқончилик маданиятининг тараққий этган шакли Марказий Туркиянинг жанубидаги Коня водийсидаги Чаталхююк ёдгорлигида (мил. ав. VII минг йиллик иккинчи ярми- VI минг йиллик биринчи ярми) аксини топган. Бу ерда мазкур даврда 20 дан ортиқ илк деҳқон жамоаларининг кичик қишлоқлари мавжуд бўлиб, улардан йириги Чатал Хююкнинг майдони 13 га ни ташкил этган. Ёдгорликда аниқланган уйлар йирик ўлчамдаги хом ғиштлардан барпо қилинган. Уларнинг айримлари деворлари сиртига мазмунли ранг-тасвирлар ва бўртма нақшлар,

²² Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

хусусан, буқа ёки қўй боши тасвири солинган. Бундай уйлар деҳқон жамоаси сиғиниш одатлари учун хизмат ибтидоий ибодатхона бўлганлиги шубҳасиз. Мурдалар уйларнинг ичида кузатув буюмлари билан бирга қўшиб кўмилган.

Олд Осиёдаги илк деҳқончиликнинг учинчи бир маркази Шимолий Месопотамия ва унга туташ бўлган Шимолий Эроннинг тоғли худлари ҳисобланади. Бу ерда неолит даврида Жармо маданияти (VII-VI минг йилликлар) ёки айрим тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра загрос маданий бирлиги туридаги маданияти ривожланган. Жармо маданиятига тегишли Жармо ёдгорлигидан ташқари Загрос тоғларининг Ироқ қисмида Телшимшара, унинг Эрон қисмида эса Тепаисароб ва Тепаигуранлар мавжуд²³.

Жармо ёдгорлиги эман ўрмонлар тарқалган ҳудудда жойлашган бўлиб, маданий қатламларининг қалинлиги 7 метрни ташкил этади. Бу манзилгоҳда аниқланган уйлар лойдан қурилган, айрим ҳолларда уларнинг таг деворлари тошдан терилган.

Жармо маданияти учун пластинкасимон кремендан геометрик шаклидаги тош қуролларини яшаш хос белгиларидан бири саналади. Жармоликлар дастлаб сапол яшашни билишмаган, кейинчалик сапол буюмлари пайдо бўлиб, уларнинг сиртига нақшлар берилган. Лойдан турли ўйинчоқлар, ҳайвон ва аёл ҳайкалчаларини яшашган. Топилмалар орасида тошдан ясалган ўроқ, болта, мотиға, кели ва қўл тегирмони ва суякларда ясалган буюмлар хўжалик хусусиятларини тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Жармо аҳолиси хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаллари билан шуғулланганликлари шубҳасиз. Дуккакли ўсимликлардан қуйиб кетган буғдойнинг асосий икки тури ва бир турдаги арпа, нўхат ва тарик донлари аниқланган. Улардан буғдой ва арпа шубҳасиз маданийлаштирилган. Ҳайвонлардан дастлаб эчки хонакилаштирилган. Чўчқанинг ҳам хонакилаштирилгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг бир қисми ёввойи ҳайвонлар ҳисобидан қондирилиб, хўжаликнинг овчилик шакли ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклланган бошқа бир ҳудуд шубҳасиз Ўрта Осиё ҳисобланади. Жанубий Туркманистон ҳудудида мил. ав. VI минг йилликнинг иккинчи ярмида, эҳтимол ундан илгарироқ маҳаллий Шарқий Каспийбўйи мезолит даври маданияти асосида Жанубий Туркманистон ҳудудида ишлаб чиқарувчи хўжалиги пайдо бўлади. Бу ерда чорвачиликга асосланган Жебел, деҳқончиликга асосланган Жойтун маданиятлари шаклланади. Бир томондан Туркманистоннинг қилк деҳқончилик марказларига яқинлиги сабабли уларнинг маълум таъсири, иккинчи томондан эса, иссиқ ҳароратли табиий-географик шароитнинг мавжудлиги мезолит даври маҳаллий аҳолисининг ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтишлари учун асос бўлган. Жойтун маданиятига оид ёдгорликларнинг қуйи қатламларидан топилган тош қуроллари ишланиш усули мезолит даври Шарқий Каспийбўйи ёдгорликларининг юқори қатламларидан топилган қуроллар билан айнан бир хил. Демак, Шарқий Каспий бўйининг мезолит

даври овчилиги негизда чорвачиликга асосланган Жебел маданияти ва термачилиги асосида эса деҳқончиликга асосланган Жойтун маданияти шаклланади²⁴.

Жойтун маданиятига оид ёдгорликлардан Жойтун, Чўпонтепа ва Тўғалоқтепа ёдгорликларининг қуйи қатлами-илк босқичига, Монжуқлиттепа, Боми, Чагиллиттепа, Гиёвжиктепа, Келята ва Янги Нисо ёдгорликларининг қуйи қатлами ривожланган босқичига, Боми, Ярти Гумбаз, Чагиллиттепа ёдгорликларининг юқори қатлами эса сўнги босқичига оид оид.

Жойтун маданияти даслабки ўрганилган ёдгорлик номи билан юритилиб, мил. ав. VI минг йилликнинг иккинчи ярмида (радиокарбон 5300 ± 70) Туркманистоннинг жанубида Копетдоғ тизмалари ёнбағрида шаклланган. Бу маданият шунингдек Эроннинг шимолий ҳудудларига ҳам тарқалган. Жойтун маданияти тараққиёти илк, ривожланган ва сўнги босқичлардан иборат.

Жойтуннинг илк босқичида шу номдаги ёдгорлик яхши ўрганилган. У VI-V минг йилликларга манзилгоҳда бетартиб қурилган 30 та уйнинг ўрни очиб ўрганилган. Уйлар ясси-қавариқ шаклидаги йирик гиштлардан илгаридан режаслаштириб қурилган бир хонали уйлардан иборат. Ягона режага асосланган Ўртада ўчоқ ўрин олган кичкина хонадан ва унинг атрофида хўжалик хоналаридан ташкил топган кичкина ҳовлидан иборат. Уйлар ҳажми 60-70 см. ҳажмдаги гиштлар ва пахсадан барпо қилинган. Хом гишт ва пахсага самон қўшилган. Пахса ва гиштларга сомон қўшилган.

Уйларнинг сатҳи ва деворлари лойсувоқ қилинган ва оҳра билан бўялган. Археолог олим В.М.Массонинг хулосаларига кўра уларнинг ҳар бирида 5-6 нафар аъзолардан ташкил топган оила истиқомат қилган. Ҳовлида жойлашган ўраларда ғалла сақланган.

Жойтун маданиятининг ривожланган босқичига оид Қадимтепа (мил. ав. V минг йиллик) пахсадан қурилган тўғри тўртбурчак уйлар ва хўжалик хоналари очиб ўрганилган. Уйларнинг ҳар бирида ўчоқ бўлган. Уйларнинг сатҳи ганч сувоқ қилиниб, оҳакланган ва қизил оҳра излари ҳам учрайди. Меҳнат қуроллари геометрик шаклдаги кремендан ясалган ўроқ қадамалари, камон ўқи учлари, болталар суякдан ишланган игна, пардозлагичлардан иборат.

Сопол буюмлари қўлда (лентасимон шаклда) дағал, силлиқ тагли қилиб ишланган. Идишларнинг юқори қисми обдон пардозланган (баъзилари силлиқланмаган). Улар нақшли ва нақшсиз гуруҳларга бўлинади. Нақшлари жигар ва каштан рангли бўёқларда чизилган ва пишириш жараёнида турли билан бўялган бўлиб пишириш жараёнида доғлар ҳосил қилган.

Зеб-зийнат буюмлари мунчоқлар ва турли тақинчоқлардан иборат. Улар тош ва суяклардан ясалган айрим ҳолларда чиғаноқлардан ҳам мунчоқ сифатида фойдаланишган. Тошдан ясалган мунчоқлар одам, ҳайвон ва тўғри тўртбурчак шаклига эга. Булар тумор сифатида тақилган бўлиши мумкин²⁵.

²⁴ Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006

²⁵ Suzanne Richard. *Near Eastern Archaeology: A Reader*. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

Жойтуннинг сўнги босқичига оид Чагилтепа манзилгоҳи мил. ав. V минг йилликка оид. Бу ердан 12 та уйнинг ўрни очиб ўрганилган. Қурилиш усуллари ривожланган босқичини такрорлайди. Манзилгоҳнинг марказий қисмида нисбатан каттароқ бўлган уй жойлашган бўлиб, у умумжамоа учун хизмат иморат бўлиши мумкин. Мурдалар уйларнинг ичида дафн қилинган. Бу босқичда қременнинг инқироzi кўзга ташланади. Тошдан ясалган қуроллар тичоқ, ўроқ, ранда ва ёрғучоқлардан иборат. Нақили сапол буюмлар анъанавий безаклар свқланиши билан биргаликда улар мазмунан бойийди. Улар турли чизиклар, дарахт ва ўсимлик тасвирларидан иборат.

Жойтун маданиятига оид бошқа бир ёдгорлик Пессежиктепа манзилгоҳида очилган уйнинг майдони анча катта. Уй қурилиши хийла мураккаб. Уй ичида жойлашган ўчоқ қаршисидаги деворда оқсувоқ устига қора ва қизил бўёқларда геометрик безаклар, қоплон ва бошқа бир ўтловчи ҳайвон ва дарах тасвирлари чизилган. Унда уй-рўзгор буюмлари учрамайди, аксинча, кўплаб лойдан ясалган антропоморф ва зооморф ҳайкалчалари, кам сонли аёл ҳайкалчалари топилган. Тадқиқотчи олимларнинг ҳисобарига кўра иморат манзилгоҳда яшаган барча аъзоларни сиздириши мумкин экан. Бу иморат шубҳасиз қадимги деҳқон жамоасининг ибодатхонаси бўлган. Унда шунингдек, эчки тасвиридаги ҳайкалчалар, тош ва суяк, чиганоқлар, хусусан, Ҳинд океанида учрайдиганларидан ишланган мунчоқ ҳам топилган²⁶.

Қайд этилган ёдгорликлардан ташқари Боми, Тўғалоқтепа, Монжуклитепа, Чопонтепа, Помажтепа ва бошқалар ҳам Жойтун маданиятининг турли босқичларига оид қишлоқларни ташкил этган.

Умуман олганда ишлаб чиқарувчи хўжаликга асосланган Жойтун маданияти шаклланишининг илк босқичларидан, деҳқончилик ва чорвачилик пайдо бўлган бўлсада, ўзлаштирувчи хўжалик шалларининг мавқеи баланд бўлган. Кейинги босқичларда деҳқончилик ва чорвачиликнинг аҳамияти ортиб, иқтисоднинг муҳим тармоғини ташкил этган.

Деҳқончилик лиман усулида сугоришга асосланган. Кичик сой этагидаги текис жойларга экилган бошоқли дон экинлари ёмғир суви оқимини сунъий пасайтириш орқали сугорилган. Лиман усули деҳқончиликда экин майдонлари баҳор фаслида икки-уч марта сугорилиб, бир марта ҳосил олинган. Деҳқончиликда бир ва икки қаторли буғдой ва арпа экилган. Экин ерларига мотиға билан ишлов берилган. Ҳосил қадама-тош ўроқ билан ўриб олинган. Дон маҳсулотлари хум ва хўжалик ўраларида сақланган.

Уй шароитида меҳнат қуроллари тайёрлаш, терига ишлов бериш ва чармдан буюмлар тайёрлаш, ёғочга ишлов бериш, сопол буюмлар тайёрлаш, тақинчоқлар яшаш жойтунликларнинг кундалик машғулотларидан бири саналган. Жамоа аъзолари она уруғига асосланган жуфт оилалардан ташкил топиб, улар умумжамоа ишларини яъни, ерга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш, овчиликни ташкиллаштириш, жаоатчилик қурилиш ишларини бажаришда ёки ташқи хавф пайдо бўлган кезларда ягона жамоага бирлашганлар.

²⁶ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition.* University of Toronto Press. 2014

Хитойда неолит даври ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтиш дунёнинг бошқа худудларига нисбатан кечроқ содир бўлади. Илк деҳқон жамоалари маданиятлари дастлаб Сарик денгиздан шарқда Хуанхэ дарёсининг ўрта оқими ва Шимолий Хитойда Бохайван бўғози шарқий худудларида тахминан мил. ав. VI минг йилликларда тарқалади.

Хуанхэ дарёсининг ўрта оқими худудларида неолит даврида тарқалган **Яншао** маданияти қадимги жамоаси деҳқончиликда *гуруч ва нўхат* етиштирган, чорвачиликда- *чўчқа, қўй ва қора мол* боқишган. Яншао маданияти жамоаси аъзолари режалаштирилган қишлоқлардаги тўртбурчак ёки айлана шаклдаги ярим ертўла уйларда яшашган. Меҳнат қуроллари учуриб ва силлиқланган тошлардан ишланган. Сапол идишлари қўла ясашиб, сарғиш ангоб устига қора ва қизил бўёқларда нақшлар берилган. Илк босқичдаги сапол буюмлари нақшлари зооморф тасвирлар кейинчалик геометрик ва эгри чизиқли тасвирлар билан алмашади. Мурдалар узун чуқурларга кўмилган.

Тахминан мил. ав. IV минг йилликнинг ўрталарида Хитой худуди жамоа орасида маданий жиҳатдан ажралиш кузатилади. Маданият тарқалган худудлар доираси кенгаяди²⁷.

Мил.ав. IV минг иккинчи ярмида Хитойнинг шимоли-ғарбида Хуншан маданияти ривожланади. Бу маданият соҳиблари Ляохэ дарёси бўйида ибодатхоналар барпо этишган. Улардан машхури Нюхэландда жойлашган 25 метр узунликдаги 8 та хонадан ташкил топган иморатдир. Ибодатхона деворлари мазмунан бой ранг-тасвирлар билан безатилган. Ундаги оёқларини чалкаштириб ўтирган ҳолда ясалган ҳайкалча кишининг диққатини ўзига жалб қилади. Мил. ав. IV минг йилликнинг охири чоракларида Яншао маданияти ҳам инқирозга учрайди. Мил. ав. IV-III минг йилликлар атрофида Хитойда муҳим ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни кечади. Хитойнинг бу давр тарихи бевосита **Луншан** маданиятининг тарқала бошлаши билан боғлиқ. Луншан маданияти Хуанхэ дарёсининг қуйи оқидами (Шандун ярим ороли) мил. ав III минг йилликнинг бошларида шаклланган маданият. Бу маданиятга оид манзилгоҳларнинг атрофи зичланган тупроқлардан иборат қалин ва баланд мудофаа деворлари билан ўралган бўлиб (улардан бирининг қалинлиги-10, баландлиги-13 метр), кириш дарвозасида соқчилар учун мўлжалланган хоналар билан бойитилган. Манзилгоҳ ичкарасида алоҳида жойлашган уй-жой иморатлари ва хунармандчилик устахоналари ўрин олган. Айрим иморатлар зичланган тупроқдан иборат тагкурси устига барпо қилинган.

Ўрганилган қабрлардан аниқланган ашёвий манбаларнинг таҳлилига кўра жамият аъзолари орасида ижтимоий табақаланиш ва мулкий тенгсизлик кучаяди. Жамиятни бошқаришда дин алоҳида ўрин тутиши билан қабила сардорлари мавқеи ошиб боради ва бошқариш тизими такомиллашади. Манзилгоҳлардан топиб ўрганилган кўп сонли камон ўқлари учлари ва

²⁷ Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006

оммавий майитлар қабилалар орасида ҳарбий қарама-қаршилик кучайгандан далолат беради.

Дехқончилик маданияти юқори тараққиёт босқичига чиқади. Нақшли саполлар кулолчилик чархида ясалган кулранг ва қора бўёқлар билан безатилган идишлар билан алмашади. Ичимлик учун мўлжалланган баланд тагли ва уч оёқли идишлар янги турдаги идишлар кенг тарқалади. Бу идишлардан диний мазмундаги одатларни бажариш мақадларида фойдаланилган. Тошлардан силлиқлаб меҳнат қуроллари ва суяклардан камон ўқларининг учларини яшаш оммавийлашади. Шунингдек, суякдан башорат қилишда фойдаланилган соққалар тарқала бошлайди. Саполлар сиртига туширилган пиктогафик белгилар пайдо бўлиб, уларнинг бир неча юзлаб намуналари аниқланган.

Мил. ав. 2-минг йилликда Хитойнинг марказий тексликлари моддий ва маънавий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Бу даврда бронза металлургияси, протошаҳар маданияти ва ёзувнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Айниқса, хунармандчилик ишлаб чиқаришининг юксак даражада ривожланиши, жамиятни бошқариш, дастлабки дунёвий илмий билимлар ва мураккаб диний-фалсафий дунёқарашлар шаклланади. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича бронзага ишлов бериш юксак даражада ривожланган. Ҳатто, металлургиянинг бу тури тараққиёти тўғрисида ярим афсонавий Ся сулоласи манбаларида маълумотлар келтириб ўтилган. Ҳозирги пайда сақланиб қолган афсоналарда келтирилишича қачонлардир мамлакатни бошқарган донишманд Яо кексайгач ўнинг ўрнига келган серғайрат Шун даврида мамлакатни сув босади. У мамлакатни талофатдан қутқарган кишига ҳокимиятни инъом қилишни ваъда қилди. Мамлакатни бу талофатдан қутқарган Юянинг ўғли меросхўр Ци қадимги Хитойнинг биринчи Ся сулоласига асос солган экан. Тарихчи Сима Сиян маълумотларида Ся сулоласи вакиллари келтирилган. Унинг давомида Шан (Тан), кейинчалик Ин (мил.ав. XVII аср-1027) номини олган сулола билан алмашади. Шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, Ся сулоласи археологик жиҳатдан маълум моддий ашёлар билан боғланмаган.

Илк Шан даврга оид йирик манзилгоҳлардан бири Хенан худудида жойлашган Эрлитоу ҳисобланади. Манзилгоҳнинг тамонлари 2,5x1,5 км.дан иборат бўлиб қалин муҳофаза девори билан ўраб олинган. Манзилгоҳда амалга оширилган археологик қазишмалар жараёнида махсус такурси устида бино қилинган йирик ҳажмдаги сарой, маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган иморат жойлашган. Бошқа турдаги иморатлари уй-жой, ихтисослашган хунармандчилик иншоотлари, хусусан кулолчилик хумдонларидан иборат. Топилган минглаб моддий ашёлар орасида бронза ва саполдан ишланган, хусусан диний маросим идишлари, нефрит тошидан ясалган турли буюмларни ташкил этади. Бу ёдгорлик радиокарбон таҳлиliga кўра мил. ав. 1850-1650 йилларга оид. Айрим тадқиқотчилар Ся сулоласи, бошқалар эса илк Шан сулоласи пойтахти бўлган, деган фикрни илгари суришади²⁸.

²⁸ Suzanne Richard. *Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003*

Кейинги давр археологик жиҳатдан Эрлиган босқичи ҳисобланиб, Чжэнчжоу манзилгоҳи Шан-Ин сулоласининг илк босқичидаги (мил. ав. 1650-1400 йй.) пойтахти бўлган. Майдони 3,2 кв. км.дан иборат тўғри бурчакли йирик манзилгоҳ. Мудофаа деворлари жойларда 9 м. Баландлик таг қисмидан энг қалин жойи 36 м. ни ташкил этади. Бундай қурилиш ишларини амалга ошириш учун хитойлик тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра 10 000 ишчи кучи 18 йил меҳнат қилиши керак бўлган. Бу ердан томонлари 10x34 м.дан иборат таг курси аниқланган. Ишлаб чиқариш иншоотлари шаҳар ташқарисида жойлашган. Улардан икки ярусли хумдонлар, бронза қуйиш устахоналари, суякга ишлов бериш ва қурол-яроғлар ясаш яхши ривожланган. Турли ижтимоий гуруҳ вакилларига тегишли маҳаллалар ажралиб туради. Бу ерда зўравонлик билан қурбон қилинганларнинг қабристонидан мавжуд²⁹.

Хитойнинг кейинги босқичга оид шаҳар шаклидаги манзилгоҳлардан бири Хенан шимолида Анян (мил. ав. 14 аср-1027) ёдгорлиги бўлиб, у Ин сулоласининг (273 йил давомида) иккинчи пойтахти бўлган. Хитой манбаларида келтиришига 1384 йилда кўчирилган. Шаҳар 4 гектардан ортиқ майдонга эга бўлиб, мудофаа деворига эга бўлмаган. Бу сўнгги Ин даврига оид маркази ҳисобланган. Манзилгоҳда аниқланган томонлари 85x14 метрни ташкил этган тагкурсидан ёғоч устунларнинг ўрни сақланиб, кўринишдан маъмурий иншоотнинг ўрни бўлиши, табиий. Манзилгоҳдан ҳайвонлар ва одамлар қурбонлик қилинадиган жой ва аравалар аниқланган. Йирик ҳажмдаги ғалла сақланганадиган ўралар, суякдан ясалган башорат соққалари аниқланган. Шунингдек, ҳукмдорга тегишли 4,2 кв.м. жойни эгаллаган қабр очиб ўрганилган. Бу ердан бой мазмундаги безаклар тушириб бронзадан ишланган идишлар кўп учрайди.

Ўрта Шан- илк Чжоу даврига (тахминан мил. ав. 15/14-11/10 асрлар) оид Учэн манзилгоҳида амалга оширилган қазилма ишлари давомида 1100 кв. метр жойдан бронзадан ишланган пичоқ, болта, тошдан ишланган турли буюмлар ва кулолчилик идишлари ва хумдонларнинг ўрни аниқланди. Бу ердан ёзув намуналари ҳам аниқланди. Улар 66 бегидан иборат бўлиб, улардан 39 таси илк, 19 таси иккинчи ва 8 таси учинчи босқичларга тегишли бўлган. Улар Анян суяк соққаларидаги шан-ин белгиларидан фарқ қилиб, хитой ёзувининг бошланишига асос бўлган. Ёзувлар жамият бошқаруви ва хўжалик ҳисобини юритишда муҳим аҳамият касб этган. Учэн моддий маданияти муҳим хусусиятларидан бири сапол идишларини сирлар билан қоплашдан иборат бўлиб, содда чинни бўлганидан далолат беради³⁰.

²⁹ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

³⁰ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ҳудуднинг табиий-географик шароити
2. Неолит даври археологияси
3. Ҳудудда цивилизация шалланишида Месопотамиянинг маданий таъсири ва цивилизация шаклланиши

Адабиётлар рўйхати:

1. Археология Зарубежной Азии. М., «Высшая школа» 1986.
2. Брей У., Трамп Д. Археологический словарь. М., «Прогресс» 1990.
3. Ламберг-Карловски К, Саблов Дж. Древние цивилизации. Ближний Восток и Мезоамерика. М., «Наука» 1992.
4. Масон В.М. Первые цивилизации. М., «Высшая школа» 1985.
5. Чайлд Г. В. Древнейший Восток в свете новых раскопок. // пер. с англ. М.Б. Граковой-Свиридовой. М., Изд. «Иностранной литературы», 1956.

3-мавзу. Илк цивилизациянинг дастлабки белгилари намоён бўлиши. Илк шаҳар марказларининг пайдо бўлиши. Кичик Осиё ва Шарқий Ўрта Ер денгизи худудининг энеолит бронза даври хусусиятлари.

Режа

- 3.1. Ибодатхоналар. Ибодатхоналар жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавқеининг ортиб бориши.
- 3.2. Ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг чуқурлашуви. Мулкый тенгсизлик ва ижтимоий табақаланишининг чуқурлашуви.
- 3.3. Сиёсий ва диний ҳокимиятларнинг жамиятни бошқарувчи кучга айланиб бориши. Цилиндр муҳрлар. Ёзув. Халқаро алоқаларнинг кучайиши.
- 3.4. Элам маданияти. Суза мажмуаси ва унинг илк цивилизация тизимида тутган ўрни. Урук маданияти.

Калит сўзлар: ибодатхона, ихтисослашган, муҳр, ёзув, алоқалар, цивилизация, Элам, Суза Урук, маданият,

Маълумки, мезолит даврида музлик чекиниб, об-ҳаво шароити исиши кишилар ҳаёт кечиришлари учун қулай шароит туғдиради. Бой фауна-ҳайвонот ва флора-ўсимлик ихтисослашган ўзлаштирувчи хўжалик шакллариининг ривожланиши учун қулай имконият эди. Мезолит даврида табиий захараларнинг аҳоли тамонидан мунтазам ўзлаштирилиши натижасида табиий захираларнинг камайиб бориши ва аҳоли сонининг кўпайиши натижасида озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши кишиларни янги хўжалик шакллари чорвачилик ва деҳқончиликга ўтишлар сабаб бўлади. Бу ерда мезолит даврининг охирларига келиб, ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва ўсимликларни маданийлаштира бошлайдилар. Бу жараён илк бор табиий шароити қулай бўлган Яқин Шарқ, Кичик Осиё ва Загрос тоғлари худудларида содир бўлади. Бу эса ўз навбатида Қадимги Шарқнинг кейинги тараққиёти ва дастлабки цивилизацияларининг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутди.

Бу борада Фаластинда жойлашган Натуфий маданияти муҳим ўрин тутди. Кремедан ишланган тош қуроллар ушбу маданиятнинг асосий аломати ҳисобланади. Улар ўйиқ қилиб ишланган камон ўқи учлари ва пичоқларнинг тиғи сифатида ёғочларга қотирилган микролитларнинг кўпчилиги сигментлардан иборат. Топиб ўрганилган меҳнат қуроллари орасида дастали пичоқларнинг умумий сони айрим ёдгорликларда 8% гачани ташкил этиди. Натуфий маданияти сохиблари ёввойи ўсимликларни мунтазам термачлаб кун кечиришган. Шунингдек уларнинг хўжалигида балиқчилик ҳам юксак даражада ривожланган. Балиқ суяклари Натуфий маданиятига оид кўпгина ёдгорликларидан топиб ўрганилган. Натуфий маданияти сохиблари ғор маконлардан ташқари паст-теккисликларда сунъий

уй-жойлар куриб яшашган. Хули дарёси соҳилида жойлашган Эйнан манзилгохидан 50 га авал шаклида уй-жойлар аниқланган. Уйларнинг пастки қисми ер сатхидан пастга қазиб тушилиб деворлари майда тош ва қум аралаш лойсувоқ қилинган. Уйларнинг сатхига айрим холлада тош тўшалган. Бу уй-жой куриш анъанасининг бошланишидир. Бу маданият юқори полеолит даври Кебера маданияти асосида ривожланиб радиокарбон усулидаги таҳлилга кўра миллоддан аввалги X-IX минг йилликлар билан саналади. Топиб ўрганилган моддий манбаларнинг гувоҳлик беришича бошоқли ўсимликлар термачилиги ва балиқчилик билан кун кечиришиб ўтроқлашиш жараёни кучайган ва худуди кенгайиб борган. Фрат дарёси соҳилида жойлашган Мурайбит манзилгохи бунинг яққол мисолидир. Бу ерда ҳам уйлар Эйнанники каби авал шаклида бўлиб фақат улар ер устига қурилган. Уларнинг деворлари тошдан терилиб сирти лойсувоқ қилинган.

Бу маданиятнинг сўнгида аҳоли аста-секин ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтиш жараёни кечади.

Олд Осиёнинг бошқа бир худудида Ироқнинг шимолида Загрос тоғларида ҳам мана шунга ўхшаш жараёнлар кечган. Бу ердаги палеолит даврига оид Шанидар ғор-маконинг юқори қатлампидан мил.ав. X-IX минг йилликларга оид кичик жамоа аъзолари қиш фаслида яшаган манзилнинг ўрни аниқланган. Водийнинг пастроғида Зеви-Чеми-Шанидар макони жойлашган. Бу макон загросликларнинг ёз мавсумида истиқомат қиладиган манзилли ҳисобланган. Макондан йирик туёқли яввойи ҳайвонлар суяклари ва бошоқли ўсимликларнинг дон қолдиқлари аниқланган. Тўпланган кремень (чақмоқтош) қуролларнинг кўпчилиги геометрик шакллар (сигмент, трапеция) ҳам да тўлиқ ва қисман силлиқланган тош болталар ташкил этади. Жамоа аъзолари кўринишдан бўйра ва саватлардан фойдаланганлигини уларнинг лойларда қолган излари ташкил этади. Загросдаги мезолит даврига оид бошқа ёдгорликлардан Каримшахир ва Теллмелефаатларда яшовчи аҳоли овал шаклдаги ертўла уйларда истиқомат қилганликларини кўрсатади

Яъин Шарқда неолит даврига оид илк ўтроқ дехқончилик қишлоғининг ўрни Ўлик денгиздан Шимолда Иордан дарёси водийсида жойлашган Телл ас Султон ёдгорлигида ўз аксини топган. Бу ёдгорлик Библияда келтириб ўтилган қадимги Иерихон шаҳрининг ўрни ҳисобланган. Археологик қазилар ишлари натижасида мил. ав. VIII-VII минг йилга оид ҳаёт узликсиз икки комплекс Иерихон А, Б комплекслари аниқланган. Манзилгоҳ 4 га иборат бўлиб, тошдан терилган айлана девор билан ўраб олинган. Деворлар (эни 1,6 м) атрофида тошдан айлана миноралар (диаметри 7-8 м) қурилган. Уларнинг тепасига айлана зиналар орқали кўтарилган. Улар мудофаа деворлари минораси вазиқасини эмас, кузатув минораси бўлган. Ичкарида девор бўйлаб, маълум шаклга келтирилмаган ғиштлардан қурилган уйлар жойлашган. Уйлар айлана ёки авал шаклда, айрим холларда ярим ертўла шаклида. Ғиштларга сомон қўшилган. Мурдалар уйларнинг бир томонига қурилган. Бу даврда тошга қуролларга ишлов беришда мезолит даври анъаналари давом этади. Тош қуроллари микролитлардан иборат бўлиб, камон ўқларини ташкил этади. Қурол мотиға ва ўроқларнинг дасталари дехқончиликнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек Иерихон

А дан бир қаторли арпа ва буғдойларнинг излари қурилиш материалларида сақланган.

Неолит В босқичида (мил. ав. 7 минг йил) Шимолдан келган қабилаларнинг келиб жойлашиши кузатилади. Уй қурилишида маълум ютуқларга эришилади. Уйлар аниқ улчамдаги (5,5x 4 ёки 7x3м) қурила бошланади. Уйларнинг сатхи охак сувоқ қилинади. Уйларнинг деворлари 1 метр баландликгача қизил бўёқларда бўялган. Қолган қисми крем (қора) рангда бўялган. Уйларнинг ичида майитлар кўмилган. Тошдан камон, ўқларининг учлари, кели, дон янғич, турли идишлар, силлиқланган кичик тош болталари тайорлашда фойдаланган. Суяклардан кесувчи қурол сифатида фойдаланилган. Лойдан фақат одамлар ва хайвонларнинг шакллари ясалган. Лойдан каттароқ хайкаллар ҳам ясалган камиш карказга ясаиб, улар қизил рангда бўялган. Овчилик ўз ахамиятини йўқотмаган. Ёввойи хайвонлардан газел суяклари кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек қўй, эчки, чўчқа ва эшак суяклари ҳам топиб ўрганилган. Улардан фақат эчки хонакилаштирилган. Ит эса мезолит давридаги Иерихонликларнинг овдаги йўлдоши бўлган. Кўринишидан хонакилаштирилган хайвонлардан мушук хонакилаштирилиб, у дон махсулотлари захирасининг тўпланиши билан боғлиқ.

Иерихондан Жанубда жойлашган Бейда ёдгорлиги ҳам неолит даври ёдгорлиги ҳисобланади. Уйлари тўғри тўрт бурчак шаклда. Ўртада полдан баланд жойлашган ўчоқ бўлган. Уй деворлари охак сувоқ қилинган. Девор бўйлаб ўтириш учун тошдан териб қўйилган. Суякдан ясалган уй-рўзғор қуроллари, тош ва денгиз жониворларидан мунчоқлар. Бейдада лойдан хайкалчалар билан биргаликда сопол идишлар яшаш малакаси мавжуд бўлганлигининг уларнинг синиқ парчалари орқали кўриш мумкин. Сополлар пиширилмаган.

Кичик Осиё (мил ав. 8 минг йил охири -7 минг йил бошлари) Хожилар манзилгоҳининг қуйи қатламидан хом ғишдан қурилган уйларнинг ўрни аниқланган. Уйларнинг поли лойсувоқ қилинган ва деворлари билан биргаликда қизил рангда бўялган. Геометрик шаклда сопол идишлар учрамайди. Идишлар тошдан ясалган. Суякдан бигиз, кремень ва обсидиандан ўроқ учи кадамалари, силлиқланган тош болталар ясалган. Икки қаторли арпа экилган. Шунингдек бир қаторли ёввойи буғдойларни темачлаш ҳам ёрдамчи хўжалик ҳисобланган. Бу ерда ҳам Иерихонликлар каби мурдалардан уйда кўмишган.

Кичик Осиё ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклларининг тўлиқ номоён бўлиши тўғрисидаги маълумотни Чейюно депеса ёдгорлигида амалга оширилган археологик қазилма ишлари натижасида аниқланган. У мил.ав 7250-6750 йиллар бу ёдгорликнинг уйлари асосан тошдан терилиб сатхи охак билан сувалиб, бўялган. Сопол идишлар учрамайди. Ҳайвон хайкалчалари мавжудкремendan ясалган микролитсимон тош қуроллар устунлик қилади. Кам сонли уриб ишланган мис буюмлар учрайди. Ёдгорликнинг дастлабки икки босқичида хўжаликнинг овчилик-деҳқончилик шакли устунлик қилган. Овчиликла зубр биринчи уринда, иккинчи уришда бўриларни овлашган.

Учинчи босқичга келиб чорвачилик овчиликни сиқиб чиқаради. Қўй, эчки асосий чорва ҳисобланган. Дехқончиликда бир ва икки қатор буғдой экилган.

Кичик Осиёдаги илк дехқончилик маданиятининг тараққий этган шакли Марказий Туркиянинг жанубидаги Коня водийсидаги Чаталхююк ёдгорлигида (мил. ав. VII минг йиллик иккинчи ярми- VI минг йиллик биринчи ярми) аксини топган. Бу ерда мазкур даврда 20 дан ортиқ илк дехқон жамоаларининг кичик қишлоқлари мавжуд бўлиб, улардан йириги Чатал Хююкнинг майдони 13 га ни ташкил этган. Ёдгорликда аниқланган уйлар йирик ўлчамдаги хом ғиштлардан барпо қилинган. Уларнинг айримлари деворлари сиртига мазмунли ранг-тасвирлар ва бўртма нақшлар, хусусан, буқа ёки қўй боши тасвири солинган. Бундай уйлар дехқон жамоаси сиғиниш одатлари учун хизмат ибтидоий ибодатхона бўлганлиги шубҳасиз. Мурдалар уйларнинг ичида кузатув буюмлари билан бирга қўшиб кўмилган.

Асосий меҳнат қуролларини тош ва суяклардан ясалган буюмлар ташкил этади. Обсидиан тош қуролларини ясашда асосий хом ашё ҳисобланган. Мис буюмлар болғалаш усулида ишланган. Ёдгорликнинг юқори маданий қатламларидан сиртига қизил рангдаги чизиқлар билан безатилган сапол буюмлари учрайди.

Хўжалигининг асосини дехқончилик ва чорвачилик ташкил этади. Бу ерда 14 хилдаги ўсимликлар маданийлаштирилиб, бир ва икки қатор буғдой ва арпа етиштирилган. Майда ва қорамол уй чорвачилигини ташкил этган. Шунингдек, овчилик ёрдамчи хўжалик анъанаси сифатида сақланиб қолади.

Чатал Хююкликларнинг бой маданияти ва ғоявий қарашлари ибодатхонада аниқланган қўй, буқалар бошининг бўртма тасвири, аёл маъбуда, қисман эркак ҳайкалчалари ёки деворида чизилган ов манзараларида ўз аксини топган. Чаталхююк айрим тадқиқотчи олимлар илк шаҳар, деган фикрни илгари суришади. Лекин, бу манзилгоҳ шаҳар талабларига жавоб берувчи аломатлардан анча йироқ бўлиб, дехқончилик воҳасининг маркази вазифасини ўтаганлиги, табиий.

Олд Осиёдаги илк дехқончиликнинг учинчи бир маркази Шимолий Месопотамия ва унга туташ бўлган Шимолий Эроннинг тоғли худлари ҳисобланади. Бу ерда неолит даврида Жармо маданияти (VII-VI минг йилликлар) ёки айрим тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра загрос маданий бирлиги туридаги маданияти ривожланган. Жармо маданиятига тегишли Жармо ёдгорлигидан ташқари Загрос тоғларининг Ироқ қисмида Телшимшара, унинг Эрон қисмида эса Тепаисароб ва Тепаигуранлар мавжуд.

Жармо ёдгорлиги эман ўрмонлар тарқалган ҳудудда жойлашган бўлиб, маданий қатламларининг қалинлиги 7 метрни ташкил этади. Бу манзилгоҳда аниқланган уйлар лойдан қурилган, айрим ҳолларда уларнинг таг деворлари тошдан терилган.

Жармо маданияти учун пластинкасимон кремендан геометрик шаклидаги тош қуролларини яшаш хос белгиларидан бири саналади. Жармоликлар дастлаб сапол яшашни билишмаган, кейинчалик сапол буюмлари пайдо бўлиб, уларнинг сиртига нақшлар берилган. Лойдан турли ўйинчоқлар, ҳайвон ва аёл ҳайкалчаларини яшашган. Топилмалар орасида

тошдан ясалган ўроқ, болта, мотиға, кели ва қўл тегирмони ва суякларда ясалган буюмлар хўжалик хусусиятларини тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Жармо аҳолиси хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаллари билан шуғулланганликлари шубҳасиз. Дуккакли ўсимликлардан куйиб кетган буғдойнинг асосий икки тури ва бир турдаги арпа, нўхат ва тарик донлари аниқланган. Улардан буғдой ва арпа шубҳасиз маданийлаштирилган. Ҳайвонлардан дастлаб эчки хонакилаштирилган. Чўчқанинг ҳам хонакилаштирилгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг бир қисми ёввойи ҳайвонлар ҳисобидан қондирилиб, хўжаликнинг овчилик шакли ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Деҳқончилик ва чорвачилик хўжалик шаклларига ўтиш Олд Осиёнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида содир бўлади. Аммо мазкур ҳудудлар кейинги давр тараққиётида асосий марказларига айланмай қолади. Бу ҳудудларда ҳосилдорлик юқори ва барқарор бўлмаган. Қадимги деҳқонлар Осиё ва Африканинг серҳосил ва субтропик дарё воҳаларига ўтиш билан уларнинг ишлаб чиқарувчи кучларнинг тезлик билан ва жамиятнинг цивилизация оstonасида бўлган кейинги тараққиёт босқичига ўсиб ўтишига олиб келди. Ёғангарчилик миғдори етарли бўлмаган янги иқлим шароити кишиларнинг аграр ишлаб чиқаришининг янги шакли-суғорма деҳқончилигига ўтишларига туртки бўлди. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик нафақат барқарор ҳосил олиш имкониятини яратди, балки, бошоқли экинларнинг ҳосилдор навларини вужудга келишига сабаб бўлади.

Мил.ав.VII минг йилликларда Загроснинг деҳқон-чорвадор қабилалари янги экин майдонлари ва чорва яйловларини излаб янги ҳудудларни ишғол қила бошлади. Бу биринчи навбатда Месопотамия пасттекисликлари бўлиб, илк қишлоқлари пайдо бўла бошлади.

Қадимги деҳқонларнинг илк қишлоқларидан бири Алиқуш ёдгорлиги ҳисобланиб, у Месопотамия пасттекислигининг шарқида ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган. Ёдгорлик маданий қатлами 7,5 метрни ташкил этиб, тадқиқотчи олимлар томонидан икки босқичи: Бас Мордех (мил. ав. 7500-6750 йиллар) ва Алиқўш (мил. ав. 6750-6000 йиллар). Илк босқичидаги уй-жойлар қўпол хом ғиштлардан барпо қилинган. Уларда хўжаликнинг асосини чорвачилик шакли ташкил этган. Асосан шохсиз эчки ва қисман қўй боқишган. Овчилик аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, термачилик ҳам асосий озиқ-овқат етказиб берувчи тармоқ сифатида сақланиб қолган. Топиб ўрганилган бошоқли ўсимликлардан бир қаторли арпа ва буғдойларнинг атиги ундан тўққиз қисмини ёввойи ўсимликлар ташкил этади. Тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра мазкур босқичга оид манзилгоҳлар Загросдан қиш мавсумида яшаган чорвадор-овчи қабилаларга тегишли бўлиб, улар деҳқончилик билан таниш бўлишган. Айнан мана шу қабилаларнинг воҳага силжиши ўтроқ деҳқончилик маданиятининг қарор топишига сабаб бўлган.

Хассун маданияти. Дастлаб ўрганилган археологик ёдгорлик номи билан юритиладиган маданият. Бу маданиятни яратган қадимги аҳоли лойдан қурилган уйларда истискомат қилишган. Бу маданиятнинг сўнгги босқичларига келиб, тош қуроллар инқирози бошланиб, мисдан ишланган буюмлар пайдо бошлайди. Сопол идишларга геометрик безак ва ўйма

нақшлар ёки уларнинг икки тури ишлатилган. Бу маданият эгалари қиш мавсумида деҳқончилик юритиш учун етарли миқдорда ёғингарчилик бўладиган кам сақланадиган тоғ этаги ҳудудларида тарқалишган. Хассуликлар маданияти асосан икки жойда: Хассун ёдгорлиги сақланган Мосул ва Яримтепа I ёдгорлиги жойлашган Синисор ҳудудларида тўпланган. Хассун ўтроқ деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган маданият. Деҳқончиликда юмшоқ, қаттиқ буғдой ва арпа экишган. Топиб ўрганилган ҳайвон суякларининг 5\4 қисмини хонаки ҳайвонларники ташкил этиб, улар кўй, эчки, чўчқа ва қорамолга тегишли. Аҳолиси майдаланган хас- ҳашак кўшилган блоклардан туғри тўртбурчак тархидаги уйларда истиқомат қилишган. Шунингдек, овал шаклидаги уйларнинг ўрни Хассун I ёдгорлигида аниқланган.

Сопол идишларга майдаланган сомон кўшиб, қалин қилиб ишланган. Аста-секин сополларни пишириш такомиллашган. Яримтепа ёдгорлигидан икки ярусли хумдон топиб ўрганилган. Идишларнинг нақшлари қора ва кизил рангларда бўлган. Хассун маданиятига оид идишлар коса ва кўзалардан ташкил топган. Мисдан ясалган буюмлар Хассун маданиятининг барча босқичларига оид маданий қатламларида учрайди. Сердолик, халседон ва феруза тошлардан ясалган турли мунчоқлар топилган. Шунингдек, тошдан ясалган муҳрлар ҳам учрайди. Лойдан ясалган террокота-аёл ҳайкалчалари мавжуд.

Самрр маданияти. Бу маданият Хассун маданиятининг сўнгги босқичидан бошлаб ривожланиб, Дажла дарёсининг ўрта оқимида (Самарр, Саввон ёдгорликлари), ундан шарқда Загрос тоғ олди ҳудудларида (Матарра, Чоги Маами) ва Фурадан ғарбдаги (Богуз) ҳудудларда тарқалган. Бу даврга оид иморатлар кўп хонали уй-жойлардан ташкил топган. Сопол идишлари геометрик ва зооморор, хусусан бир ёки бир гуруҳ йирткич ҳайвонлар ва судралувчи жониворлар тасвири билан безатилган. Аёл ҳайкалчалари тош ва террокотадан ясалган. Самарр даврига келиб хўжалик соҳасида катта ютуқларга эришилди. Сунбий суғориш жорий қилинади бадий маданият тараққиёти оммавийлашади. Мазкур ҳудудда ёғингарчилик миқдорининг камлиги деҳқончиликда сунбий суғоришдан фойдаланишга сабаб бўлган. Улар олти қатор буғдой экишган. Бошқа бир ёдгорлик Чоги Маамидан қадимги ариқнинг ўрни аниқланган. Деҳқончиликдан ташқари чорвачилик ва қисман овчилик билан ҳам шуғилланишган. Савван ёдгорлигининг илк босқичига оид кўпхонали уйлар маданий қатламларидан туғри тўртбурчак хом ғиштдан қилинган. Атрофи хандак билан ўралган. Уйлардан бирининг тоқчасидан алебастрдан ишланган ҳайкалча топилган. Уйлар сатҳида букчайтириб ён томонга кўмилган ёш болаларга тегишли суялар топилган. Мурда камишга ўралиб, устига оҳра сепилган. Кузатув буюмлари тошдан ишланган идишлар, алебастрдан ўйиб (вытогенный) ишланган ҳайкалчалар ва зеб-зийнат буюмларидан иборат.

Саввана III ёдгорлиги кўп хонали уй-жойларлар ва хўжалик иморатларидан ташкил топган. Ҳовлида ўчоқ ва хўжалик мақсадларида фойдаланилган ўралар жойлашган. Уйларнинг деворлари ташқи томондан мунтазам барпо қилинган “плястр” билан бойитилган. Шунингдек, йирик

ҳажмдаги алоҳида жойлашган иморатлар мажмуаси, кўринишдан умумжамоанинг ибоданхонаси вазифасини бажарган. Бу манзилгоҳ айлана девор билан ўралиб, унинг атрофи хандак билан кучайтирилган.

Саввана II даврига келиб, сопол идишларнинг сиртига геометрик нақшлар бериш анъанаси пайдо бўлади. Учинчи босқичга келиб юпқа сапол идишлар ясала бошланади. Нақшлар жигар ёки тўқ сариқ рангларда берилган. Идишлар сирти нақшлардан ташқари аёл, сувда яшовчи паррандалар, балиқлар, ўрмон оҳулари, эчкилар, “крабы”, чаёнлар тасвири келтирилган. Самарр маданияти қадимги деҳқончилик аҳолиси амалий санъатининг безак, абстракция ва символизм аломатларини ўзида намоён қилади.

Месопотамиянинг чекка жанубида (мил. ав. VI минг йилликнинг охири–V минг йилликнинг бошлари) шумерликларнинг энг қадимги шаҳар маркази ҳисобланган Эруду (ҳозирда телл Абу Шаҳрайн) нинг қуйи қатламидан Самарр маданиятига ўхшан комплекс аниқланган. Хом ғишдан барпо қилинган аҳоли уй-жой иморатлари билан тўқ жигар ёки қизил бўёқларда геометрик нақшлар берилган саполлари аниқланган. Хом ғишлар ва саполлари нақшларининг далолат беришича бу маданият соҳиблари Самарр маданияти билан маълум алоқада бўлганлигидан далолат беради. Бу манзилгоҳнинг қуйи маданий қатламидан ибодатхонанинг ўрни аниқланган.

Халаф маданияти (мил. ав. V минг йилликнинг бошларидан охиригача). Бу маданият Месопотамия шимолида Дажла дарёсининг иккала соҳилида Мосул худудида тарқалган бўлиб, шарқий гуруҳини ташкил этади. Бу гуруҳ маданияти Хассун маданиятига оид (Хассунна, Ниневия Яримтепа II) ёдгорликларнинг юқори қатлами ўзида акс этади. Ғарбий гуруҳи Фурот дарёсининг сўл irmoғи Хабур дарёси оқими худудларида тарқалган Чогарбозор, Телбрак, Телхалаф ва бошқа ёдгорликларда мазкур гуруҳ моддий маданияти аксини топган. Халафликларнинг уйлари қурилиши илк даври анъанасида барпо қилинган. Уйларнинг деворлари блоклардан барпо қилиниб, айрим ҳолларда уларнинг пойдеворларга тош терилган. Уйларнинг асосий қисмини айлана (Яримтепа II), қолганларини тўғри тўртбурчак шаклдагилари (асосан Арпачия) ташкил этади. Хўжалик иморатлари ҳам айлана шаклда барпо қилинган. Айрим иморатлар кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришига мўлжалланган. Икки ярусли хумдонлар (Яримтепа II) ҳам аниқланган. Манзилгоҳларнинг ичкарасида кўпинча ёш болаларга тегишла қабрлар жойлашган. Мурдалар ён томонга ётқизиб, бой кузатув буюмлари билан бирга қўмилган. Шарқий гуруҳдаги ёдгорликлардан кремен ва обсидианлардан ясалган меҳнат қуролилари қисман топиб ўрганилган. Улар ўроқ, болта, тешалардан иборат. Мисдан ишланган теша ва ханжарлар топилган. Шунингдек, мисдан ишланган мунчоқлар ва муҳрлар Яримтепа II ёдгорлигида топилган. Сапол идишлари қўлда юпқа қилиб ишланган. Нақшлари сарғиш-тўқ сариқ тагга қизғиш- жигар ва жигар рангдаги бўёқлар билан ўсимлик безакларини эслатувчи разеткалар, қисман ҳайвонлар оҳу, барс, қуш, балиқ, илонларнинг тасвирларидан иборат. Айрим ҳолларда, идишлар антропоморф ёки зооморф шаклида ясалиб, сиртига нақшлар берилган. Халаф маданиятининг сўнгги

босқичларига келиб, идишлар нақши асосий ўрин тутмай қўяди. Бу кулолчилик ишлаб чиқаришининг махсус ҳунармандчилик тури сифатида пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ихтисослашган ҳунармандчиликнинг бошқа бир тури тошларга ишлов бериш (сангтарошлик) бўлиб, улардан уй-рўзгор буюмлар, тақинчоқлар, туморлар, муҳрлар тайёрлашган. Шунингдек, буқа, чўчқаларнинг боши ва қуш тасвирларидан иборат тақинчоқлар ясалган. Теракотик ҳайкалчаларда асосан аёлларнинг ўтирган ҳолатдаги тасвири ташқи безаклари билан биргаликда берилган.

Халаф маданиятига оид моддий топилмалари намуналарида Олд Осиёнинг қадимги деҳқончилик аҳолиси маданий хусусиятлари давоми сифатида намён бўлсада, Месопотамиянинг шимолий ҳудудига хос анъана таркибида бўлганлигини кўриш мумкин.

Убейда маданияти (мил. ав. 4500-3500). Бу маданиятга оид муҳим ёдгорлик саналган Эруда манзилгоҳидан мил ав. 4500 йилларда бино қилинган энг қадимги ибодатхонанинг ўрни археологик қазилар ишларида аниқланган. Ибодатхонанинг девор хийла қалин, ташқи томондан зинасимон плястр билан бойитилган. Унинг атрофида аҳолининг нуфузли қатламларига тегишли ва уларга яқин бўлган жойда ҳунармандлар уй-жой иморатлари ва ундан кейин деҳқон жамоаси уй-жой иморатлари жойлашган.

Йирик ҳажмдаги қалин деворли иморат-иботхона ёки “жамоа сардорига” тегишли ушбу маданиятнинг Телулкейр манзилгоҳида аниқланган. Диний меъморчилик учун хос бўлган зинасимон миноразиккурат Шумерда Убейда давридаёқ қурила бошлаган бўлиши мумкин. Сўнгги Убейда даврида диний иморатлар қурилиши тараққиёти жамият ижтимоий ҳаётида ибодатхонанинг ўрни ортиб бораётганидан ва жанубий Месопотамия жамоаси ишлаб чиқариш имкониятларининг ортиб бораётганидан далолат беради.

Эрудун манзилгоҳидан никропол очиб ўрганилган. Қабрлар хом гиштлардан айлантириб териб чиқилган. Мурдалар турли кузатув буюмлари: сапол идишлар, теракотик ҳайкалчалар қайикнинг лойдан ясалган нусхаси кабилар бин қўшиб кўмилган. Қайиқ нусхаси месопотамияликлар сув йўлларини ўзлаштирганликларидан далолат беради. Бу даврда кремендан ясалган тош қуроллари аҳамиятини бутунлай йўқотади. Металллардан ясалган буюмлар кам топилсада, уларнинг лойдан ишланган нусхаси топилган. Демак, бу даврда металл хом ашёсининг камлиги сабабли яроқсиз ҳолга келган буюмларни қайта ишлатиб янги қуроллар ясашган. Сўнгги Убейда даврида кулолчиликда секин айлантирадиган чархлар пайдо бўлади. Шунингдек, сапол идишларидаги нақшларнинг сифати пасайиб кетади.

Теракотик ҳайкалчаларида асосан тик турган аёл, қисман эркак тасвирлари берилган. Айрим ҳайкалчаларда аёл кўкрагида боласи билан тасвирланган бўлиб, бу ҳосилдорлик рамзи эканини баён қилган.

Урук маданияти (мил.ав. IV минг йилликнинг иккинчи ярми). Бу даврда манзилгоҳларнинг табақалашини жараёни кечади. Ўтроқ деҳқон жамоасининг кичик ҳажмдаги қишлоқларидан тортиб, бир неча ўн гектардан ортиқ майдонни эгаллаган йирик шаҳар тоифаси қарор топади. Масалан Урук шаҳрининг бу даврдаги майдони 45 гектарни ташкил этган. Шаҳар

марказлари меъморчилигида ибодатхоналар марказий ўринни эгаллаган. Урук шаҳрида шумерлар тилида Э-анна номи билан юритилган ибодатхонанинг ўрни аниқланган. Ибодатхона 16 метр баландликдаги тагкурси устига қурилиб, атрофида мудофаза деворлари билан ўраб олинган. Ибодатхона ўртасида бош худо шарафига ясалган ҳайкал жойлашган. Ибодатхона бир неча маротаба қайта қурилган. Бошқа турдаги ибодатхона Инан худоси шарафига барпо қилиниб, томонлари 75x25 метрни ташкил этади. “Оқ ибодатхона” (томонлари 83x53 метр) деворининг сирти ташқи томондан оҳактошлар билан қопланган.

Йирик ибодатхона деворлари тагдевора оҳактошлар билан қопланган бўлиб, улар пастекстликларга бир неча юзлаб километр узоқликдаги Загрос тоғларидан келтирилган. Оғир ва машақатли ишларни амалга оширишда маълум техник воситалардан фойдаланишган. Маълумки, мил.ав. 4 минг йилликнинг иккинчи ярмида тўрт ғилдиракли арава ва турли шакллардаги аравалардан ташқари чаналар мавжуд бўлган.

Маҳобатли ибодатхона мажмуалари Месопотамиянинг барча шаҳар-давлатларида мавжуд бўлиб, улар ибодатхона ташкилоти ва ҳўжалигининг рамзи сифатида намоён бўлган. Унда шаҳар давлатнинг асосий моддий бойликлари жамланган. Археологик тадқиқот ишлари натижасида қимматбаҳо ва рангли металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган зеб-зийнат, санъат ва бошқа турдаги буюмлар мажмуаси топиб ўрганилган. Бу даврда шаҳарлар ҳўнармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо марказларига айланади. Ҳўнармандчилик ихтисослашуви кенгайиб боради. Кулолчиликда тез айлантирадиган чархларда кенг фойдаланила бошлайди. Ирригация тизимининг такомиллашуви суғорма деҳқончиликнинг тараққиётига асос бўлди. Месопотамия ёдгорликларининг жанубдан шимолга томон маълум бир чизикда жойлашишига кўра улар ягона суғориш иншооти асосида сув билан таъминланганлигини кўрсатади.

Жамдет Наср (мил ав. 3100-2900 йиллар) даврида сапол идишларнинг сиртини нақшлар билан безаш аънаси қайта пайдо бўлади. Улар мураккаб бўлмаган қора ва қизил рангдаги бўёқларда берилган геометрик нақшлар ва ҳайвон тасвирларидан иборат.

Ижтимоий мартабалар табақаланишининг чуқурлашуви ва меҳнат фаолияти ихтисослашуви. Сиёсий ва диний ҳокимият аста-секин жамиятни бошқарувчи кучга айланиб боради. Илгари ҳокимият бошқаруви ва қабила ички бирлигини белгиловчи қон-қариндошлик ҳўкмронлиги аста-секин йўқола боради. Ҳар қандай қон-қариндошлик қоидалар тизими, ҳўқуқ ва имтиёзлар охир оқибат маъмурий давлат тизими томонидан ўрнатилган қонунлар билан сиқиб чиқарилди.

Жанубий Месопотамия тарихида шу давр ичида кўпгина ўзгаришлар содир бўлади. Қишлоқларнинг шаҳар даражасига ўсиб чиқиши, янги шаклга эга бўлган сифатли сапол буюмларнинг пайдо бўлиши, муҳрларнинг хусусий мулкни тасдиқловчи восита сифатида пайдо бўлиши, ёзувнинг кашф этилиши шулар жумласидандир. Айрим тадқиқотчи олимлар бу ўзгаришларни ажнабий келгиндилар таъсири натижасида деб биладилар.

Археологик тадқиқот натижаларига кўра, энг қадимги Убейд даврида меъморий ва технологик анъаналарда сезиларли узилиш кўзга ташланмайди.

Бошқа бир олимларнинг илмий назарияларига кўра, шаҳар инқилоби негизида ирригация тизимининг такомиллашуви асосий ўрин тутишини таъкидлашади. Назария асосчиларидан бири Карл Виттофогель фикрларига кўра, ирригация тизимининг жорий қисмида каналлар барпо қилиш, тозалаш каби ишларни бажарадиган ишчи кучини таъминлаш ва уларни назорат қилиш учун кучли жамият зарур.

Умуман, Жамдат Наср даври (мил ав. 3100-2900 йиллар) шаҳар марказларида маҳобатли ибодатхона иморатларини қуриш давом этади. Урук шаҳрида одатий ибодатхоналардан ташқари Зиккуратлар барпо қилина бошлайди. Масалан эркак илоҳи Ану илоҳи шарафига барпо этилган зиккурат бўлган. Хафаж шаҳрида эса бошқа бир илоҳ Син шарафига барпо этилган ибодатхонанинг ўрни аниқланган. Жамдат Наср харобаларидан аниқланган бошқа бир маҳобатли иморатнинг ўрнини тадқиқотчи олимлар сарой бўлган, деб ҳисоблайдилар. Жамдат Наср усулида ишланган цилиндрли муҳрлар Жанубий Месопотамидан ташқари Эрон, Сурия ва ҳатто Миср ҳудудларидаги ёдгорликлардан ҳам ҳам учрайдики, мазкур ҳудудларда ҳам ушбу турдаги маданият анъаналари билан жамият тараққиёти бирдек кечганлигидан далолат беради.

Бу даврга оид маданий қатламларидан мисдан ишланган болта ва кураклар кўплаб топилган. Мис, кумуш ва ҳатто кўрғошиндан ҳам идишлар тайёрланган. Шунингдек, фаянс (ганч аралаш сапол) буюмлар ҳам пайдо бўлади. Шаҳарларда суғорма деҳқончилик ва хунармандчилик турлари тараққиёти юксалиб боради.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларда турли мансабдор шахслар ўртасида чек ерларига эгалик қилиш тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолган. Уларда етакчи ўринни ҳукмдор-қоҳин эгаллаб, унга ажратилган ер умумий ернинг 2/3 қисмини ёки 1000 га. майдонни ташкил этган. Қолган 500 га майдон ер олий қоҳинлар, авлиёлар, савдо даллоллари ва судьялар ўртасида тақсимланган. Бошқа бир ёзма манба маълумотларида эркак ва аёл қуллар тўғрисида маълумотлар учрайди.

Маҳаллий илоҳлар шарафига барпо этилган ибодатхона мажмуасидан ташкил топган катта шаҳар марказига эга бўлган йирик шаҳар марказлари тараққиёти тадқиқотчи олимлар томонидан шаҳар-давлатлар сифатида талқин этилади.

Жамдат Насрдан кейинги давр илк сулолалар даври атамаси билан юритилиб, ўз навбатида унинг уч босқичи ажралиб туради. Биринчи босқичи (2900-2850), иккинчи босқичи (2850-2600), учинчи (2600-2400). Бу даврда бронзадан ишланган буюмлар кенг тарқалади. Жамиятнинг юқори табақаси вакиллари манфаатларига жавоб берадиган заргарлик санъати такомиллашади. Қурол яроғлар ишлаб чиқариш ривожланади. Жангавор болта, найзалар ва турли хилдаги найзаларнинг кўплаб топилиши қадимги Шумерда ҳарбий ишларга бўлган эътибор нақадар юқори бўлганлигидан далолат бериб, ҳарбий қарама-қаршилик кучаяётгани кўрсатади. Дунёвий

хокимиятнинг мавқеи мустаҳкамланиб, бошқарувда ибодатхона маъмуриятини ўзига бўйсундира бошлайди.

Йирик шаҳар марказлари харобаларни ўрганиш давомида аниқланган қабрлар бу жараёнларни тўлиқ ифодалайди. Илмий тахминларга кўра бу сағаналар илк сулолалар даври учинчи босқичининг бошларига тегишли бўлган. Сағаналар ички томондан пишган ғишт билан қопланиб, тепа қисми гумбаз шаклида ёпилган. Кузатув буюмларидан олтиндан ясалган буқа тасвири диққага сазавор. Ундаги айрим аломатларига феруза тошдан фойдаланган. Убейда даврига оид Эруда манзилгоҳи қабрлари кузатув буюмлари орасида қайиқчани нусхаси тасвири берилган бўлса, Ур даври қабрларидан эса кумушдан ишланган эшкакли қайиқларнинг нусхалари аниқланган. Бундай қайиқлар жамият аъзоларининг энг юқори аъзолари, яъни мансабдор шахсларга тегишли бўлган. Маскаламду исмли ҳукмдорга ва ҳукмдор (ёки қоҳин) Аборге ва Пуаби шахсларига тегишли қабрлар маълум. Бундай қабр соҳиблари кўли остида улкан бойлик тўпланган бўлиб, жанубий Месопотамия-Шумернинг барча шаҳар давлатларида мавжуд бўлган. Йирик шаҳар марказларидан энг йириги Ур ҳисобланган. Бу шаҳарда ой худоси Нана шарафига барпо этилган ибодатхона бўлган. Шумердаги йирик савдо-иқтисодий ва марказ саналган.

Бошқа бир шаҳарлари Эруду (Абу Шахрайн), Урук, Лагаш (Ширпурла), Адаб, Умма ва бошқалар. Узоқ ўлкалар билан савдо-маданий алоқаларнинг кучайганлигидан далолат беради. Масалан, бу даврда Ҳиндистон билан кенг савдо алоқаларининг олиб борилганлиги археологик жиҳатдан аниқланган. Мазкур шаҳар давлатлар ўртасида жанубий Месопотамия ҳукронлиги учун доимий кураш кечган.

Шимолий Месопотамияда бу жараён мазкур даврда секинроқ кечади. Мил. ав. 3 минг йилликнинг биринчи ярмига оид Хабур дарёси водийсидаги Тел Брак ёки бошқа бир Тепе Гавра ёдгорликларида намоён бўлиб, нисбатан чуқур кечмаган. Кейинги босқич шаҳарлардан Хафаж, Ашнунак (Тел Ахмар), Киш. Мил ав. 3 минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Шимолий Месопотамия –Аккад шаҳарларининг мавқеи кучаяди.

Шарқий Ўрта Ер денгизи-маъмурий жиҳатдан Сурия, Ливан ва Фаластин ҳудудларини ташкил қилиб, табиий шарт-шароитига кўра кескин фарқ қиладиган икки минтақадан иборат. Биринчиси денгиз бўйлаб узунасига жойлашган юмшоқ Ўрта Ер денгизи иқлими, ҳосилдор тупроқ ва қулай денгиз қўлтиғидан иборат. Иккинчиси, кескин мўътадил иқлимга эга бўлган кенг майдондаги ясситоғ, чўл, ярим чўл ва кичик дарё воҳаларидан ташкил топган минтақадан борат. Масалан, Ўлик денгизга қуйиладиган Йордан дарёси ва Сурияни шимолий-ғарбида шимол томонга кесиб ўтган Оронто дарёси водийси.

Маълумки, мазкур ҳудудда ишлаб чиқариш хўжалик шаклига ўтиш нисбатан анча эрта шаклланади (Иерихон, Мураббит). Кейинги босқичида жамият тараққиёти секинлашади. Маҳаллий деҳқончилик асосининг чегараланганлиги, географик жиҳатдан алоҳида тарқоқ воҳалардан ташкил топганлиги йирик ва юксак тараққиётга эга бўлган жамият ривожига тўсқинлик қилди. Натижада, мазкур ҳудуд кейинги даврда ривожланган

цивилизацилари Миср ва Шумерлар билан маданий алоқаси муҳим ўрин тутди бошлайди. Асосан қўшни марказлар билан маданий алоқада бўлишда Ливаннинг кедри, виноси ва зайтун ёғи асосий восита бўлган. Бу ерда кейинчалик шаҳар маданияти юксак даражада ривожланган қўшнилари таъсири натижаси ҳисобланган.

Шарқий Ўрта Ер денгизи ривожланиш суръати тенг бўлмаган алоҳида ҳудудлардан ташкил топганлиги учун бутун минтақанинг тарихий тарққиёти умумий ҳолда даврлаштиришни имкониятини қийинлаштиради.

Сурия-Киликия неолити. Мил. ав. VI минг йилликда Сурия ва Ливан ҳудудларида Сурия-Киликия неолити номи билан юритиладиган ўтроқ деҳқончилик маданияти тарқалган. Бу турдаги маданият Кичик Осиё, яъни Туркиянинг жануби-шарқий ҳудудларида (Мерсин) ҳам тарқалган. Бу маданиятга оид аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик хўжалик шакллари билан шуғулланишган. Зироатчиликда—*арпа, бугдой*, чорвачиликда—*қўй, эчки, қорамол ва қисман чўчқа* боқишган. Ўтроқ аҳоли қишлоқларининг ўрни Библа ва Рас-Шамра ёдгорликларининг қуйи қатламларида ва Оронта воҳасидан Хами ҳамда Шимолдаги Амуқ ёдгорликларидан аниқланган. Библадаги уйлар тархига кўра, тўғри бурчак, айрим ҳолларда тагдевори тошдан терилган. Хоналар сатҳи оқ рангда бўёқда бўялган бўлиб, Иерихон анъаналарини давом эттиради. Сопол идишлари қўлда қалин қилиб ясалган ва сиртига *кўкимтир*-қора ёки сарғиш рангдаги ангоб берилган.

Қишлоқдаги қабрлардаги мурдалар букчайтириб кўмилган. Кузатув буюмлари неолит даври суяк бигизлар, тош болта, чақмоқтошдан ишланган ўроқ ишланган тиғларидан иборат.

Мил.ав. V минг йилликка келиб, Шимолий Месопотамиядан Халаф маданиятининг таъсири аниқ намоён бўла бошлайди. Амуқ С комплексининг маданий қатламларидан четдан келтирилган сопол парчалари учрайди. Уларнинг тупроқ таркибини микроскоп ёрдамида ўрганиш натижасида Халаф маданиятига оидлиги аниқланган. Маҳаллий кулоллар маҳсулотларини четдан келтирилган сопол идишларга ўхшаш нақшлар билан безашади. Бу турдаги анъана Шимолдаги ҳудудлар ва шунингдек, Оронта воҳасининг ўрта қисмида (Хама Л) кенг тарқалган. Халаф маданияти таъсири Рас-Шамра IV да ҳам кузатилади. Библада эса қора рангда нақшсиз ишланган сополлар ясаш маҳаллий анъанаси давом этади. Мил. ав. VI минг йилликда Халаф маданияти таъсири Убед маданияти билан алмашади. Бу даврда мисдан ясалган буюмлар тури кенг тарқалади.

Мил. ав. IV минг йилликда Суриянинг шимолида янги ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар сопол идишларида нақшлар нақшлаш анъанаси, сиртига қизил ва сарғиш ангоб берилга идишлар билан алмашади. Уларнинг шаклида ўзгариш бўлади, балдоқли идишлар тури кўпаяди.

Библада (Ливаннинг чап томонида, Байрутдан шимолда жойлашган) ҳам (комплекс Б) мил.ав. 3600-3200 йилларда маълум муддатли ташландикдан сўнг ҳаёт қайта жонланади. Манзилгоҳ 3 га.ни ташкил қилади. Қишлоқдаги иморатлар тартиб билан қурилиб, кўчаларига тош тўшалган. IV минг йиллик охирларида сопол идишлари чархда ясашиб, хумдонларда пиширилган. Мис, олтин ва кумушдан турли буюмлар ясалади.

Бу даврда шунингдек, бронза қуйиш анъанаси вужудга келади. Металллардан уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар билан биргаликда идишлар ва ҳайкаллар ҳам ясалади. Дехқончиликда ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлади. Доимий бошоқли экинлардан ташқари узум ва зайтунлар ҳам экила бошлайдиди. Месопотамия билан қуруқлик орқали, Миср билан эса денгиз орқали савдо йўлининг аҳамияти ортиб, халқаро савдода шаҳарнинг аҳамияти юқори бўлган. Дехқончилик, ихтисослашган хунармандчилик ва савдо муносабатларининг ривожланиши Яқин Шарқда шаҳар шаклидаги аҳоли манзилларининг пайдо бўлишига олиб келди. Библ атрофи тошдан қад кўтарган муҳофаа деворидан иборат шаҳарни ташкил қилган. Арава юриши учун мўлжалланган кенг кўчаларига шағал тош тўшаб чиқилган. Тагдевори тошдан барпо қилинган ибодатхоналар қурилади. Мил. ав. III минг йилликнинг охирида шаҳарга ҳомийлик қилган маъбуду-Баалат Габал (маҳаллий Астарт маъбуду) шарафига барпо қилинган ибодатхонадан Миср ёзуви туширилган ваза топиб ўрганилган. Миср билан савдо алоқалари яхши йўлга қўйилганлиги археологик қазилмалар жараёнида у ердан топиб ўрганилган металллардан ишланган уй-рўзғор буюмларининг далилдир. Бу ердан аксинча Мисрга вино ва зайтун ёғи олиб борилганлигини Мисрдаги археологик ёдгорликларидан аниқланган идишлар орқали англаш мумкин. Жамият тараққиётидаги ўзгаришлар нафақат денгиз бўйидаги йирик шаҳар марказларида (Аи, Меггидо, Алолоҳ, Лахиш ва бошқа шаҳарларда) содир бўлди. Ҳозирги Қуддус (Иеруссалим) шаҳри яқинида Аи манзилгоҳи мил. ав. III минг йилликнинг биринчи ярмида (2900-2500) уч қатор муҳофаа девори билан муҳофаза қилинган шаҳар бўлиб, у ердан кичик ибодатхона ва нисбатан йирик ибодатхона ёки саройнинг ўрни аниқланган. Фаластиннинг шимолида Эдрелон воҳасида неолит даври манзилгоҳи ўрнида III минг йилликнинг бошида (мил. ав. 3000 йиллик) муҳофаза қилинган шаҳарга айланади. Шаҳар Мисрдан Сурия-Месопотамия савдо-маданий алоқалари чорраҳасидаги муҳим марказ ҳасобланган. Шаҳар антик даврининг бошларига қадар тараққий этади.

Оронто дарё воҳасидаги Амур текислигида жойлашган энеолит даври Атчана манзилгоҳи IV минг йиллик охирида қадимги Алолоҳ шаҳри шаклланади Унинг III минг йилликнинг биринчи чорагига қадар бўлган маданий қатламларидан тагкурси устида барпо қилинган кичик ибодатхонанинг ўрни олиб ўрганилган.

Бу даврда жамият иқтисодий тараққиёти билан бирга ижтимоий тузилмаси ҳам мураккаблашиб борди. Турли табақа вакиллари имкониятлари ва манфаатларига мос уй-жой иморатлари вужудга келди. Библда йирик уйнинг ўрни аниқланган. Телбарсибда 3 минг йиллик ўрталарига оид сардор ёки қоҳинга тегишли қабр аниқланган. Мил. ав. II минг йилликларга оид шаҳарлар туридаги манзилгоҳлар ички тузилмалари мураккаблашиб боради. Бу турдаги манзилгоҳлар тараққиёти кичик шаҳар-давлатлар шаклланиши билан тугайди. Шундай шаҳар-давлатлардан бири Тел Мардих ёдгорлиги ҳисобланиб, қадимги Эбла билан қиёсланади.

Фаластин ҳудудида 6-5 минг йилликларда неолит даври маданияти Иерихон маданиятидан унчалик фарқ қилмаган. Будаврда қўлда ясалган

қўпол сопол идишлари янгилик сифатида пайдо бўлади. 4-минг йилликнинг биринчи чорагидан бошлаб Бершеб ва Ҳассул ёдгорликларида ер усти уй-жойлардан ташкил топган қишлоқлар пайдо бўлган. Хўжалигининг асосини арпа, буғдой етиштиришга асосланган деҳқончилик ва чорвачиликташқил қилган. Металлдан фойдаланиш бошланган бўлсада, тош қуроллари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Сопол идишлари секин айлантириладиган чархда ишланган. Суғорма деҳқончилик шаклланган. Мурдалар сопол идишларда ҳамда қабрларда ҳам кўмилган. Унчалик катта бўлмаган ибодатхона кўпгина ёдгорликлардан (Энбеди, Меггидо) топиб ўрганилган.

Бронза даври. Илк бронза (3100-2200) ихтисослашган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва мудофаа қилинган аҳоли манзилларининг ривожланиши билан тавсифланади. Илк бронза даврида икки қаватли хумдонлар ва кулолчилик чархи пайдо бўлади. Мисдан ишланган уй-рўзғор буюмлари ва қурол-яроғларнинг кўплаб нусхалари топиб ўрганилган. Шаҳар шаклидаги манзилгоҳлари эски жойида (Иерихон, Меггидо) ва айримлари янги жойда ривожланади. (Лахиш, Аи). Уларнинг мудофаа деворига эга бўлиб, айлана ёки тўғри бурчакли буржлар билан кучайтирилган. Меггидонинг мудофаа деворининг қалинлиги дастлаб босқичларида 4,5 метрни ташкил этган, кейинчалик кўшимча қуриш натижасида 8 метргача етган. Мудофаани мустаҳкамлаш учун шаҳар дарвозаси тор қилиб икки томондан мудофаа буржлари билан қурилган. Шаҳарларда ибодатхона, нуфузли аҳоли уй-жойлари, ҳукмдор саройи жойлашган. Иерихон III маданий қатламида кўпчилик (50-90 киши) кўмилган қабрлар, ҳатто улардан бирида 300 мурда кўмилган қабрлар аниқланган.

3 минг йилликнинг охири-2 минг йилликнинг бошларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар янги босқичга кўтарилади. Иордан воҳасидаги Хазор ёдгорлигининг майдони 50 гектарга яқин бўлган. Сарой ва ибодатхоналар йириклашади. Шаҳарнинг нуфузли кишилари уй-жой иморатлари маҳобатли кўриниш олади. Бу даврда аҳоли ўртасида мулкый табақаланиш ёки ижтимоий тенгсизлик тўлиқ вужудга келди.

Кичик Осиёнинг табиий-шароити. Кичик Осиё (Туркия) ҳудуди табиий-географик тузилиши ва иқлим шароити жиҳатдан ўзаро фарқ қиладиган бир неча қисмлардан ташкил топган. У кўпгина табиий-географик ҳудудлардан ташкил топган. Улар тоғли ўлкали минтақалардан иборат бўлиб, шимолида Понт, жанубида эса Тавр тоғлари билан ўралган тоғолди Анатолия воҳалари ва намчил иқлим шароитига эга денгиз соҳил ҳудудларидан ташкил топган. Мазкур ҳудуд турли табиий географик муҳитлардан ташкил топган тоғли, тоғолди ва денгиз соҳили ҳудудларидан иборат.

Кичик Осиёнинг археологияси Ҳенри Шлиманнинг Трояда олиб борган тадқиқот ишларидан бошланган. Жануби-шарқий ҳудудларда, Мерсинда Ж. Гарстанг, жануби-ғарбда Бейжи Султон ёдгорлигида Сетон Ллойд, бронза даври Алажа ҳуйук қабрларини Х.Кашай. Чатал Ҳуйук ва Хожилар ёдгорликлари Жеймс Мелларт томонидан ўрганилган.

Кичик Осиёнинг қадимги даврни тадқиқотчи олимлар уч босқичга ажратган. Биринчи босқичи (мил. авв. 6 минг йилликнинг охири-4 минг

йилликнинг 2-чорагининг охири). Бу даврда маҳаллий руда конлари асосида металлургия (мис ва кумуш) ва металлларга ишлов бериш ҳунармандчилиги, яъни ишлаб чиқариш ривожланиб борган. Иккинчи босқич (мил. авв. 4 минг йилликнинг охириги чораги-3 минг йилликнинг биринчи ярми). Бу босқичдада ихтисослашган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши шаклланган. Бронза қуйиш технологияси ўзлаштирилади. Бронзадан ясалган хазиналар жамлана бошлайди. Учинчи босқич (мил. авв. 3 минг йилликнинг иккинчи ярми). Бу босқичда маданий ва техник тараққиётнинг жадаллик билан ривожланиши. Металлларга ишлов бериш ҳунармандчилигининг ихтисослашиш жараёни янада чуқурлашиб, заргарлик, меҳнат қуроли ва қурол яроғлар ясаш ва бошқалардан иборат ҳунармандчилик турлари ривожланади. Ҳарбий қарама-қаршилиқ кучайиб, мустақкам мудофаа иншоотлар барпо этилади, ҳарбий қуроли тури кўпаяди. Мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш жараёни янада кучаяди. Жамиятда оддий аҳоли вакилларида ажралиб турадиган амалдорлар табақаси шаклланади. Жараён қабрлардаги кузатув буюмларида ўз аксини топган. Улар дафн удумларида яққол намоён бўлади (Алажа хўйукдаги қоҳин-сардор сағанасида акс этган).

Кичик Осиёда мил.авв. VI минг йилликнинг охири-V минг йилликда неолит даври илк деҳқончилик маданияти оид Чатал Хўйук анъаналари давом этади. Туркиянинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган кўп қатламли Хожилар манзилгоҳи бу давр учун хос бўлган машҳури ёдгорликлардан ҳисобланади. Ёдгорлик инглиз олими Жеймс Мелларт томонидан 1956 йилдан бошлаб ўрганилган. Тепаликнинг диаметри 130-140 метрни ташкил этади. Ёдгорликнинг бешта маданий қатлами мил. ав. VI минг йилликнинг биринчи ярми-V минг йилликга оид фаолият кетма-кетлигини ўзида акс эттиради. Бу даврда мисдан ишланган буюмлар мавжуд бўлсада, неолит даврига оид меҳнат қуролиларида фойдаланиш анъаналари давом этади.

Хожилар ёдгорлигининг барча маданий қатламларида тош тагдеворли квадрат ғишлардан тўтбурчак қилиб қурилган иморатлар қолдиқлари мавжуд бўлган. Хожилар II (I-V қатламлар) даврида манзилгоҳ муҳофаза деворлари билан ўраб олинади. Ёдгорликнинг энг қуйи қатламида қўлда ясалиб, сирти пардоз қилинган сопол идишлардан иборат моддий топилмалар хос бўлиб, саполлар дастлабки босқичда оқиш ва қул рангда кейинги босқичда эса қизғиш рангдаги саполлардан иборат бўлган. Энеолит даврига оид маданий қатламларида буғи ёки одам боши шакли ёпиштирилган бадий саполлари, қисман буқа шоҳи, буқа, айиқ боши шакллари ёпиштирилган саполлар тарқалади. Кийимсиз тасвирланган аёл маъбудаси ҳайкалчалари ўрганилган барча уйларда учрайди.

Энеолит даври (5 қатлам) дан бошлаб саполларга оч сариқ таглик устига қизил рангдаги кейинчалик эса оқ таглик устига қизил рангдаги бўёқларда ишланган геометрик нақшлар тушириш тарқалади.

Энеолит даври маданий қатламларида аёлларнинг турли ҳолатда турган ҳайкалчалари тарқалган. Ҳайкалчаларнинг кўларини тасвирлашда обсидиан тошлар фойдаланилган. Мил.ав. 5 минг йиллик охирига бошлаб чакмоқтош қуроли инқирози бошланиб, мис буюмлар тури ва сони кўпаяди.

Хожилар 2 маданий қатламлари ёнгин ҳолати кузатилади. Бу ҳолат Хожилар 6 ёдгорлигида ҳам содир бўлади. Бу эса Кичик Осиё қадимги аҳолиси ўртасида ҳарбий қарама-қаршилиқнинг содир бўлганлигидан далолат беради.

Хожилар мажмуаси анъаналари Бейчисултон ёдгорлигининг қуйи қатламида ҳам аниқланган. Ундаги 11 метрдан иборат 20 та маданий қатлами энеолит даврига оид. Бу мажмуа мил.ав. 5-4 минг йилликнинг биринчи ярми билан саналанади. Унинг қуйи қатламларида кременга ишлов бериш инқирози ва мис буюмлари сонининг кўпайиши кузатилади. Бейчисултон ёдгорлигидан мисдан ясалган бигиз, найза бўлаги ва қумушдан ясалган узук топилган. Нақшли сапол идишлари мавжуд. Ёдгорлик айлана мудофаа деворига эга.

Кичик Осиёнинг ғарбий ҳудудларида тошдан ясалган яшиқлар (циста)да ва йирик сапол идишлар дафн қилиш анъанаси тарқалади. Бундай кўмиш маросими манзилгоҳларнинг ташқарисида амалга оширилган. Фақатгина ёш болаларни манзилгоҳларининг ичкарасида уйларнинг поли тагида дафн этиш анъанаси учрайди.

Кония воҳасида ҳам қадимги деҳқончилик маданияти анъаналари давом этади Чатал Хююк яқинида ёдгорликларда ўрин олган. Мазкур давр жараёнлари тўғрисида Жонҳасан ёдгорлиги топилмалари аҳамиятлидир. Унда нақшли сапол идишлар пардоз қилиш анъанаси мавжуд бўлган. Идишларда буқа боши ёпиштирилган. Мисдан ишланган асо ва билакузук диққатга сазавор. Манзилгоҳ мудофаа деворига эга.

Кичик Осиёнинг қадимги маданиятида жануби-шарқий ҳудудлар, яъни Қадимги Киликия ёдгорликлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳудуд шимолий Сурия орқали Месопотамиянинг таъсири устун бўлган. Мерсинда (19 қатлам) Халаф маданиятига хос нақшли саполлар ўрин олган. Кейинги босқичда эса маҳаллий тараққиёт йўлига кирган. Манзилгоҳ ярим метрли тош девор билан ўралган. Саполларда наҳшлар йўқолади, пардозлаш анъанаси кучаяди. Мисдан ясалган теша, болталар топилган. Месопотамия билан маданий алоқалар давом этиб, Убейд маданияти анъаналари билан алмашинади. Саполларга нақшлар бериш анъанаси қайта жонланади.

Умумун, Кичик Осиёнинг 6 минг йилликнинг иккинчи ярми – 4 минг йилликнинг биринчи ярми чуқур ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт жараёни кечиши содир бўлади. Кулолчилик ва металчилик жамоа ҳунармандчилиги турида ривожланиб боради. Манзилгоҳлар тузилишида ҳам маълум ютуқларга эришилади (мудофаа девори). Бу эса ўз навбатида кейинги босқичда Кичик Осиёнинг ривожланган цивилизация шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади. Кичик Осиёда маданий тараққиёти чўққисига илк бронза даврида (мил ав. 4 минг йилликнинг иккинчи ярми-3 минг йилликларда) чиқади. Металларга ишлов бериш юксак даражада ривожланади. Айниқса, заргарлик асосан тилладан зеб-зинат буюмлари яшаш бадий санъатнинг асосий тармоғи ҳисобланган. Металларнинг барча тури ҳатто метеорит темирлар ишланган ҳарбий қурол яроғлардан ҳам фойдаланган. Айниқса, манзилгоҳлар маданий қатламларидан ҳарбий қурол

яроғларнинг кўплаб топилиши бу соҳа ҳунармандчилигининг асосий турига айланганлигидан далолат беради.

Кичик Осиёда протошаҳар маданияти ривожланиши кузатилади. Троя I (3600-3100), Полиохни, Терми, Эмпорио, Қумтепа ва бошқалар. Шаҳар қурилишида асосан тошдан фойдаланилган. Ундан нафақат тагдевор аксинча тўлиқ деворни кўтаришда фойдаланилган. Мегарон урилидаги уйлар қуриш анъанаси кучаяди. Анатолиянинг шимолий-ғарбидаги Троя I қандайдир талофат туфайли инқироз учраб, Троя II босқичида янги маданият қарор топади. Талофат Балқондан кириб келган қабилалар тажаввузи ёки табиий (зилзила) сабабми, илмий жиҳатдан аниқ тасдиғини топмаган. Шу нарса маълумки, янги маданият (Троя II) биринчи босқич билан кам боғлиқликка эга. Шаҳарлар одатда қалин мудофаа деворларига эга бўлган. Улардан Троя II, Полиохни V ёдгорликларидир. Ўзаро урушлар натижасида Троя I вайрон этилган. Троя II босқичидаги манзилгоҳлари 1-2 га. бўлган. Троя II тошдан терилган мудофаа деворлари билан ўралган. Улар тўғри шаклдаги “плястр”ли буржлар билан кучайтирилган. Шаҳарда иккита дарвоза бўлган. Шаҳар марказида узунлиги 35 метрдан иборат катта иморат жойлашган. Қазилар ишлари давомида қумуш ва тилладан ясалган зеб-зийнат буюмлари топилган. Айниқса, Болтиқбўйи қаҳрабосидан ясалган маржон ва Бадахшон лазуритининг топилиши Троянинг узок ўлкалар билан савдо алоқаларини йўлга қўйганлигидан далолат беради. Мурдалар тошдан қурилган яшиқларга барпо қилинган (эркак ва аёл)

Бир даврда ривожланган Бейжисултон ёдгорлигининг майдони 24 га. деворлари қалинлиги 5 м. Бронза даврининг ривожланган босқичида Кичик Осиёда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши айниқса, заргарлик юксак даражада ривожланади. Жамият аъзолари орасида ижтимоий табақаланиш жараёни юксак чўққисига чиқади. Марказий анатолыдаги Алажа Хююк ёдгорлигидан аниқланган сағанадан ҳарбий мақсадларда фойдаланилган қуролларнинг топилиши ҳарбий қарама-қаршилиқнинг ниҳоят кучайганлигини кўрсатади.

Юқори Миср ва Нубия ҳудудларида мил.ав. XII минг йилликларда маълум ҳудудда яшаган ибтидоий қабилалар хўжалиқнинг ўзлаштирувчи шакли билан кун кечирган, деган илмий хулосалар мавжуд. Бу ердан топилган тош ўроқнинг тиғлари ёввойи бошоқли ўсимликларнинг дони майдалашда ишлатилган тошлардан фойдаланилганлиги тўғрисидаги ашёвий манбалар буни тўлиқ тасдиқлайди. Бу даврда Миср ҳудудида иқлим шароитлари ҳозиргига нисбатан бироз намчил бўлиб, фауна ва флораси анча бой бўлган. Бу эса ўз навбатида ўзлаштирувчи хўжалиқ шаклининг ўзоқ давр мобайнида асосий озуқа манбаи бўлиб хизмат қилишига асос бўлган. Нил оқимида яшаган ибтидоий аҳоли турли ёввойи ҳайвонларни овлаш ва бошоқли ўсимликларнинг донини термачлаш билан шуғулланган. Тахминан мил. ав. VI-V минг йилликларга келиб, об-ҳаво исиб, ҳозирги иқлим шароитидаги қурғоқчил шароит қарор топади. Бу эса ибтидоий қабилалар хўжалиқ шаклини ўзгартиришларига туртки бўлган.

Мисрда ҳудудида ишлаб чиқарувчи хўжалиқ шаклига ўтиш мил. ав. V минг йилликларга қадар вужудга келганлиги тўғрисидаги аниқ археологик

маълумотлар мавжуд эмас. Мил. ав. V минг йилликнинг иккинчи ярмидан IV минг йилликнинг охирларига қадар Мисрнинг ҳар иккала ҳудуди ўтроқ деҳқончилик маданиятига шаклланиши ва ривожланиш жараёни кечади. Мисрда мил. ав. V-III минг йилликларда сулолалар даврига қадар кетма-кет ривожланган бир неча маданиятлар археологик жиҳатдан ўрганилган. Кўчманчи чорвадор аҳоли Нил бўйида қўй, эчки ва қора мол боқишган. Ўтроқ жамоа ҳаётида қисман балиқчилик, қушларни овлаш қилиш қўшимча хўжалик тури ҳисобланган.

Мисрдаги қадимги ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклидаги маданиятлар Нил водийси ва дельта қисмларида тарқалган бир неча маданиятларда аксини топган. Улар шимолдаги-Фаюм, Меримдо ва жанубдаги-Тасий, Бадари, Нагада ва Абидос ёдгорликларида ўз аксини топган. Миср дунёдаги ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклланган марказлардан бири ҳисоблансада, айрим тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра хонаки хайвонлардан-қўй, эчкини хонакилаштириш ва бошоқли ўсимликлардан – буғдой (эммер) ва арпа маданийлаштириш бевосита Мисрда содир бўлмаган, аксинча Ғарбий Осиёнинг маданий таъсири натижаси ҳисобланади.

Бу даврга оид дастлабки маданият Нил воҳасининг қўйи оқимидаги Фаюм кўли атрофида шаклланиб, ҳозирги пайтда шу ном билан юритилади. Фаюм маданиятига асос солган аҳоли деҳқончиликда буғдой (эммер) ва арпа етиштириш ва каноп экишган, чорвачиликда эса кичик ва йирик туёқли мол ҳамда чўчка боқишган. Қўлда ясалган сапол буюмлари пиширилган. Меҳнат курулларининг асосинини кремендан ишланган буюмлар ташкил этади. Тошдан ўроқ қадамалари, теша, ёрғучоқ ва камон ўқларининг учлари, урчубош, суякдан қадама, гарпунлар ясалган. Аҳоли ҳаётида овчилик ва балиқчиликнинг аҳамияти юқори бўлганлигидан далолат беради. Радиокарбон усулига кўра бу маданиятга оид ёдгорликлар мил.ав 4440 йиллар билан саналанган. Дельтанинг ғарбий қисмидаги Меримда аҳолиси чайлаларда истиқомат қилганлар. даврда, яъни мил. авв. 5 минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Миср ва қисман Юқори Мисрда чорвадор-деҳқон қабилалари яшаган. Уларга оид Тасий маданиятига оид ашъвий манбалар асосан қабрларда ўрганилган. маданияти эгалари енгил қурилган уй-жойларда яшаган. Уйлар кум тепаликларнинг қияланган жойидаги ерлар бироз қазилиб, чайласифат кулбалар барпо этилган. Уй- жойлар яқинида ғалла сақланадиган ўралар жойлашган. Марҳумлар уй-жойлар ва ғалла ўралари оралиғида қазилган қабрларга кўмилган. Марҳумлар ғужанак ҳолда ён томони билан ётқизиб кўмилган.

Улар деҳқончилик (арпа, буғдой) ва чорвачилик (кичик туёқли моллар) билан шуғулланишган. Қора ва кул ранг бўёқлар билан нақшлар бериб ишланган сапол идишларининг айримларига ўйма нақшлар берилган. Тасийликларда содда суғорма деҳқончилик хўжалик шакллана бошлаган. Уларда чорвачилик ишлаб чиқарувчи хўжалик шакли мавжуд бўлсада, гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж асосан овчилик ва балиқчилик орқали қондирилган.

Тасий маданияти мероси сифатида Бадарий (Эл-Бадарий манзилгоҳи номидан олинган) (мил. авв. V минг йиллик охири IV минг йиллик бошларилар) маданияти нисбатан юқори тараққий босқичига эга бўлган.

Бадарий маданияти эгалари илгаргидаги каби енгил уйларда яшаган. Шамолдан сақланиш учун қамишдан тўсилган кулбалар бошпана бўлган. Ғалла захиралари атрофи лой сувоқ қилинган ўра омборларда сақланган. Марҳумлар қамиш ёки териға ўралиб кўмилган.

Бу маданият аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кечиришган. Деҳқончиликда арпа ва буғдой экилган. Ерлар учи кремಿಂದан ясалган мотиғада чопилган. Далалар Нил дарёсидан ариқлар орқали келадиган сувлар билан суғорилган. Чорвачиликда қора мол ва кичик туёли молларни боқишган. Ҳатто ушбу ҳайвонларни дафн этиш одатлари ҳам кузатилган. Овчилик ва балиқчилик хўжалиги аҳамиятини йўқотмаган. Сапол идишлари кўлда юпқа қилиб ишланган сопол идишлари жигар ранг, кейинчалик қизил рангдаги бўёқлардаги нақшлар билан безатилган. Қабрлардан фил суягидан йўниб ва лойдан ясалган аёл ҳайкалчалари топиб ўрганилган. Улар аёл маъбудини ўзида акс эттирган.

Бу даврда мисдан фойдаланила бошлаган. Мис рудасининг асосий захира манбаи Синай ярим ороли ҳисобланган. Кўшни ҳудудлар билан савдо алоқалари ривожланган.

Мисрда жамият тараққиётининг кейинги босқичи Эл-Амра ёдгорлиги ёдгорлигидан ном олган Амрат маданиятида (мил. авв. 3800-3600) намоён бўлади. Бу маданият икки босқичда (Негада I, II) ривожланади.

Бу даврда Нил водийсининг аҳоли сонининг ўсиб бориши манзилгоҳлар сонининг кўпайишига олиб келган. Уларнинг кўпчилик қисми катта қишлоқларга ўсиб ўтган. Манзилгоҳларнинг майдонининг қанчалик каталигини қабрлар орқали тасаввур қилиш мумкин. Биргина Негада қабристонидан икки ёки уч даврга оид 2000 дан ортиқ қабрларилар аниқланган.

Деҳқончилик қишлоқлари ривожланиб, уларнинг айримлари мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган. Мудофаа деворларининг қолдиқлари Негадининг жанубий манзилгоҳида сақланиб қолган.

Мисдан ясалган маҳсулотлар тури кўпаяди. Мисдан асосан зеб-зийнат буюмлари ясалган. Сопал идишлар кўлда ясаиб, ўйма ва ранг тасвир нақшлари билан безатилади. Шунингдек, нақшлар орасида рамзий белгилар ҳам учрайди.

Герзей маданияти Фаюмдаги ўрганилган Эл-Герзе ёдгорлиги номи билан юритиладиган (мил.ав. 3600-3100 йиллар). Мазкур маданият Юқори Мисрдаги Негада II мазорида яхши номоён бўлади. Кремен аҳамиятини йўқотмайди. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик юқори тараққиёт босқичига етади. И/ч дан ҳоли бўлган аҳолининг бир қисми ихтисослашган хунармандчилик турларига тортилади. Тошторошлик (диорит, бальзат) юқори даражада ривожланади. Кулолчиликда чархдан фойдаланила бошлайди. Овчиликнинг аҳамияти кескин пасаяди. Мисдан болта, пичоқ, ханжар, камон ўқи ва идишлар ясашган. Кумушдан ҳам қуруллар, хусусан ханжар ясалган. Шунингдек, метеорит темиридан ишланган мунчоқ ҳам

топилган. Бу даврда халқаро савдо муносабатлари ривожланди. Осиё мамлакатларидан қалайи, кумуш, Бадахшондан лазурит, Месопатамиядан цилиндр шаклидаги муҳрлар келтирилади.

Металдан фойдаланиш чуқурлашиб бориши ва суғорма деҳқончилик хўжалиги аҳамиятининг ортиб бориши натажасида жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётида туб бурилиш даври бошланади. Суғорма деҳқончилик ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир неча баробари ўсишини таъминлайди. Бу ўз навбатида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келган. Ортиқча истеъмол маҳсулотларининг тўпланиб бориши аҳоли ўртасида мулкый тенгсизлик ва ижтимоий табақаланишни келтириб чиқарган эди.

Бу даврга келиб жамият тузилишида туб ўзгаришлар содир бўлади. Жамият аъзолари орасида мулкый ва ижтимоий табақаланиш жараёни чуқур кечади. Қабила сардорлари ёки давлатманга тегишли қабрлар йирик ҳажмда бўлиб, деворлари сирти ҳам ғишт билан қопланиб, ранг-тасвир безаклари чизилган. Аҳолининг давлатманд аъзолари қабрларидан фил суягидан ясалган пичоқ дастаси, айримларига тилла суви юритилган ва гулдор нафис матоларнинг қолдиқлари топиб ўрганилган.

Мисрнинг қадимги давр аҳолиси дунёқарашида ибтидоий диний қарашлар (нарғи дунёга ишониш, тотемизм, магия, айрим космогоник қарашлар) устун бўлган. Маълумки, қадимги Шарқ деҳқон жамоасида ҳосилдорлик маъбудалари билан биргаликда тотемистик қарашларнинг аҳамияти юқори бўлган. Кейинчалик эса кишилар ибтидоий диний қарашни космогоник тасаввурлар билан алмашади. Мисрнинг ҳар бир жамоасида ўзларининг худолари мавжуд бўлган. Бу даврда сигир маъбуди-*Хатхор ва Соколахора* культлари кенг тарқалган. Булар ибтидоий давр тотемистик қарашларда ўсиб чиқади. Сулолаларгача даврнинг охирларида худолар одам киёфасида тасвирлаш одати тус олади. Герзей даври манзилгоҳлари марказида марказий худо шарафига барпо қилинган ибодатхоналар пайдо бўлиб, кейинчалик улар муҳофаза деворлари билан ўраб олинади. Ибодатхоналар дастлаб жамиятни тартибга солиб турувчи механизм сифатида намаён бўлади

Жамиятда мулкый тенгсизлик ва ижтимоий табақаларнинг вужудга келиши илк давлатчилик шакллариининг пайдо бўлиши билан яқунланади. Қадимги Мисрда давлатлар суғориш иншоатларини ташкил этиш ва улар устидан назорат қилиш механизми сифатида намаён бўлади. Дастлабки номлар (ном-давлатлар) ҳукмдор ва бош худо шарафига қурилган ибодатхона жойлашган асосий қисм-цитадел, унинг атрофидаги аҳоли ва и/ч иморатлари ўрин олган шаҳар ҳамда теваракдаги қишлоқлардан ташкил топган кичик худуд доирасида бўлган. Мил. ав. 4 минг йилликнинг охирида Мисрдаги айрим ном давлатлар кучайиб, дунёвий ҳокимият ташкилотининг мавқеи кучайиб боради ва жамият бошқарувини сардорларда чиққан подшолар бошқара бошлайди. Айрим ном давлатларнинг кучайиши натажасида бошқа номларни ўзига қўшиб олиб, худудий подшоликларга асос солади. Натижада мил. авв. 4 минг йилликнинг охирида номларнинг бирлашиб юқори ва қуйи Мисрдан иборат иккита подшоликнинг вужудга келиши билан тугайди.

Эрон худуди иқлим шароити ва ландшафти бир биридан кескин фарк қиладиган бир неча худудилардан ташкил топган. Эроннинг энеолит даври икки босқичдан: илк (мил. ав. 5500-3800 йиллар) ва ривожланган (мил. ав. 3800-3000 йиллар) босқичларда ривожланган. Энеолит даврининг илк босқичига оид дастлабки наъмуналари Эроннинг ғарбидаги тоғолди худудларида субтропик текисликларда қуриқ иқлим шароитида ривожланган. Сиалк тепа ва Чашмаи Али ёдгорликлари аниқланган энеолит даврига маданияти ва хўжалик хусусиятлари тўғрисида муҳим маълумот беради. Ёдгорлик 3 га дан иборат бўлиб, учта равожланиш басқичи мавжуд. Сиалк I-II (илк энеолит) Сиалк III (ривожланган энеолит). Сиалк I босқичида мисдан ясалган буюмлар сони камчиликни ташкил қилсада кремендан ишланган қуроллар кўпчиликни ташкил қилади. Геометрик асосан учбурчак шаклидаги нақшлар билан безак берилган сопол идишларга эга. Хом ғиштдан барпо қилинган уйлари ички томондан лойсувоқ қилиниб, сиртига қизил рангдаги бўёқлари берилган. Иккинчи босқичига келиб мисдан ясалган буюмлар кенг тарқала бошлайди. Кремендан фойдаланиш аҳамиятини йўқотмайди. Қимматбаҳо тошлардан ясалган зеб зийнат буюмлари наъмуналари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Сопол идишлари геометрик нақшлардан ташқари зооморф тасвирлари ҳам пайдо бўлади. Шунингдек, конуссимон тагли идишлар кенг тарқалади.

Сиалк тепа хўжалик фаолияти билан боғлиқ топилмалар аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлиги тўғрисидаги умумий хулосага келиш имконини беради, халос.

Марказий Эрон худудида илк энеолит даврига оид Гиян ёдгорлиги яхши ўрганилган. У икки босқичда ривожланган. Моддий топилмалар орасида мис буюмлар ва қўлда нақшлар бериб ишланган сопол идишлари алоҳида ўрин тутди. Нақшлар бир хил рангдаги бўёқларда берилган. Чизилган одам ва учаётган қуш тасвирлари схематик тарзда келтирилган. Кейинги босқичида эчки ва қуш тасвирлари пайдо бўлади. Гиян туридаги ёдгорликлар шимолӣ-ғарбий Загрос худудларида ҳам аниқланиб, улардан машҳури Кухидайӣ водийсида жойлашган майдони 13 га дан иборат Чигапахон ёдгорлигидир. Илк энеолит даврининг учинчи гуруҳ жамоаси ҳозирги Хузистон вилояти худудида тарқалган. Бу ердаги ёдгорликлар 1,5-2 га тенг тепаликлар Суза I маданиятининг давомийлигидан иборат Жафаробод Жоби ва Бендебал комплексларида аксини топган.

Жафаробод босқичида кўпол ишланган ва содда нақшли сопол идишлар кремендан яслган пластинка қуроллари кенг тарқалган.

Жоби босқичи моддий топилмалари нисбатан бой тошдан теша, мотича, терракатик учбурчакли, кичик терракотик хайкалчалар хусусан буқа, қўй ва эчки ва қисман аёл шаклларидан иборат. Бу босқичда сопол идишлари ҳам такомиллашади. Монохром геометрик нақшлар билан биргаликда хайвон тасвирлари шунингдек қатор жойлашган эгилар тасвири пайдо бўлади. Қўлида камон ушлаб тик турган одам тасвири алоҳида аҳамият касб этади. Бендебал босқичи яхши ўрганилмаган сопол идишлари Жоби босқичиникига ўхшаш.

Жанубий Загрос худуди қўлда қўпол ишланиб яхши пиширилмаган сопол идишлари ва кремен ва суюқдан ясалган кунсонли қуроллари (Бокун VI) содда геометрик нақшлардан (Бакун VII) ташкил топган. Персепол яқинидаги Талибакун ёдгорлиги ўрганилган. Юқорида келтирилган Чили, Суза ва Толибакун комплекслари хусусиятларига кўра ўзаро боғлиқ бўлиб ягона локал маданият бирлигини ташкил этади ва уларнинг келиб чиқиш илдизи бир жойга бориб тақалади.

Ривожланган энеолит Сиалк III даврига келиб энеолит даври қабилалари Эроннинг кенгроқ худудларини эгаллайди. Ўтроқ дехқончилик ахоли орасида хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши содир бўлади. Сиалк Чашмалани ва бошқа ёдгорликларда ҳаёт давом этиши билан Тепаи Хиссор каби янги манзилгоҳлар қарор топади. Ёдгорликларда амалга оширилган. Қазилмалар бу даврнинг маҳаллий маданияти эски анъаналар асосида ривожланади. Манзилгоҳлар хом майдон барпо этилган кўпхонали уйлардан ташкил топган кулолчилик ишлаб чиқаришда тараққий ўзгаришлари содир бўлади. Сопол идишлар махсус кулолчилик хумдонларда пиширилади. Овал шаклидаги хумдон Сиалк III дан топиб ўрганилган. Бу даврда кулолчилик чархида ишланган сопол идишлар учрайди. Таги шарсимон идишлар, вазалар ва бокаллар кенг тарқалади. Идишларнинг сиртидаги геометрик нақшлар ўрнида зооморф эчки, қушлар, илон, от, буқа, барс ва одам тасвирлар эгиллайди. Агар илк энеолит даврида метал буюмларнинг тарқалиши камсонли ва тор доирада кечган бўлса ривожланган босқичга келиб уларнинг сони ва тури кескин кўпаяди. Метал буюмларни болғалаш усулида тайёрлашдан ташқари қуйиш усули ҳам жорий қилинади. Металдан меҳнат қуроллари ва зеб зийнат буюмлари тайёрланган. Бу даврда уй хунармандчилиги ихтисослашган хунармандчиликка ўсиб чиқади. Содда геометрик тасвирга эга бўлган тугмасимон муҳрлар пайдо бўлади.

Марказий Эронда мазкур жараёнлар кечади. Ҳисор тепа ёдгорлигида амалга оширилган қазилмалар натижасида дастлаб қўлда ишланган (Хисор I A) кейинчалик чархда ишланиб зооморф шакллар берилган сопол идишлар қиёсан кўп сонли мис буюмлар топиб ўрганилган.

Шимолий Ғарбий Загрос худудида Сиалк III билан бир даврда Гиян VC ва VD қатламларининг қалинлиги 6 метрни ташкил этади. Йирик манзилгоҳлар ҳам Чигапахон (майдони 13 га) шаклланади. Ҳозирги Хузистон худуди замондош ёдгорликларга нисбатан жадаллик билан ривожланган.

Бу даврга оид жамият тараққиёти Хузистонда жойлашган Суза A ёки Суза I (тахминан мил. ав. IV минг йилликнинг ўрталари) маданий қатлампдан топиб ўрганилган моддий манбалари намуналарида ўз аксини топган. Бу босқичда мисдан схематик тарзда антропоморф ва зооморф шакллардаги тасвирлар тушириб ишланган тугмасимон тумор-муҳрлар кенг тарқалади. Сапол идишларининг сиртига геометрик нақшлар билан бирга зооморф тасвирлар тушириш анъанаси кучаяди. Мисдан уй-рўзғор буюмлари, тикув асбоблари ва меҳнат қуроллари ясалган.

Суза B босқичига келиб кулолчиликда чархлардан фойдаланила бошлайди, натижада идишларнинг сиртига безаклар бериш анъанасининг аҳамияти

йўқолади. Металл буюмларга ишлов бериш технологиясида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлади, яъни қуйиш асосида маҳсулотлар тайёрлана бошланади. Шунингдек, пиктографик ёзувлар пайдо бўлади. Улар дастлаб хўжалик ҳисобларини юритиш мақсадларида фойдаланилган. Қадимги Шумер билан қиёслаганда хўжалик ҳисобларини юритиш ибодатхона ташкилотининг мавжудлиги билан боғлиқлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ерда лойдан барпо қилинган катта ҳажмдаги иморатни тадқиқотчи археолог олимлар қадимги ибодатхонанинг ўрни бўлса керак, деган тахминга борадилар. Суза С босқичига келиб цилиндр изларида ибодатхоналарнинг тасвири келтирилган топилмаларга кўра Қадимги Элам аҳолисида ғоявий марказнинг пайдо бўлганлигига амин бўлиш мумкин. Демак, бу даврда Элам синфий жамият остонасида бўлган.

Бу даврда қадимги деҳқон жамоаси Жанубий Загрос бўйлаб кенг тарқала бошлайди. Ҳозирга қадар мазкур ҳудудда 30 дан ортиқ ўтроқ жамоа манзилгоҳлари аниқланиб, улардан Талибакун ва Талигап ёдгорликлари нисбатан яхши ўрганилган. Талибакун ёдгорлигининг (майдони 2 га.) А босқичида тор кўчалар билан ажралиб турган кўпхонали уйларнинг ўрни аниқланган. Талигап ёдгорлигининг юқори қатламидан очиб ўрганилган кўпхонали иморат ўртасида жойлашган тўғри тўртбурча ўчоқ археолог олимлар томонидан саждагоҳ сифатида эътироф этилган. Сапол идишлари кўлда сифатли қилиб ишланган. Уларнинг сиртидаги нақшлари зомморф ва қисман схематик тарздаги антропоморф шакллардан иборат. Тугмасимон муҳрларига содда геометрик белгилар туширилган. Бу ёдгорликларда мис буюмлар учрамаслиги, Шероз воҳасида мис маданларининг мавжуд бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Талибакун тахминан мил. ав. IV минг йилликнинг ўрталари билан саналанади. Шероз воҳасида бу даврда Сузинанада содир бўлган маданий ўзгаришлар, яъни цилиндр ва пиктографик ёзувлар учрамайди. Бу Жанубий Загрос жамоаси Эламнинг таъсирига тушиб улгурмаганлигидан далолат беради. Бу ҳудуд жамоаси моддий маданияти намуналари Шимолий Убейд маданияти билан яқин ўхшашликга эга. Бу маданият учун мисдан ясалган кельт (болта), суякдан ясалган бигиз (проколка) ва обсидиан пластинкалардан ташкил топган топилмалар мазкур жамоа моддий маданиятини ўзида акс эттиради. Сапол идишлари геометрик нақшлардан иборат.

Сузианада бу даврга Суза Д оид бўлиб, Суза II моддий манбаларини ўзида акс эттиради. Бу мил. ав. III минг йилликнинг биринчи ярмида мавжуд бўлган. Ўзлаштирилган сезиларли даражада кенгайди. Суза Д қатлами даврида Акропол ва Ападанларнинг ташқарисида подша шаҳри деб, номланган қисми қайд этилган. Кулолчиликда узоқ муддатли танаффусдан сўнг нақшлаш анъанаси қайта пайдо бўлади. Нақшлар икки хилдаги ранглардан ташкил топган. Сапол идишлар сиртига солинган бука, қуш, эчки балиқ ва бургутларнинг гералдик ҳолат (поза) тасвирлари қадимий бадий хунармандчилик ва ғоявий тасаввурлар анъанасининг давомийлигидан далолат беради. Металлургия соҳасида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Бронзадан ясалган ханжар, болта, найзанинг учи *навершия булава*, турли идишлар, хусусан, анча мураккаб шаклдагилар кенг тарқалади. Цилиндрлар

ва уларнинг излари, протоэлам матнларидан иборат сопол ёзувлари бу даврга оид қатламлар учун одатий топилмалар ҳисобланади. Ёзувлардаги белгилар орасида ҳайвонлар тасвири хўжалик ҳисобини юритишдаги асосий воситаси бўлиши мумкин. Шунингдек, иморатларнинг схематик тасвири, найза ва омонларнинг учлари, одамлар ўтирган қайиқ нусхалари ва турли рамзий белгилар астрономик кузатишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айрим жамият аъзоларда моддий бойликларнинг тўпланаётганлигини нақш бериб ишланган йирик ҳажмдаги сапол идишда сақланиб қолган мис, бронзадан ишланган турли буюмлар ва зеб-зийнат буюмларида кўриш мумкин. Бу даврда бой кузатув буюмларига эга бўлган қабрлар ажралади. Айрим қабрлар хом ғиштлардан териб чиқилган (Суза). Сузада очиб ўрганилган қабрлардан топилган сапол идишнинг сиртида букага қўшилган тўрт ғилдиракли арава, тепасида одамсимон шаклнинг ўтирган ҳолати берилган уч табақали пирамиданинг тасвири келтирилган. Бу тасвир кўмиш маросимлари билан боғлиқ бўлиб, бу қабр анча мураккаб бўлган қабристоннинг бир қисмини ташкил этган. Бунда 25 метр узоқроқда иккита буқанинг ва аравақашнинг склети топилган. Г.Чайлднинг хулосаларига кўра бу қабр маълум ҳукмдор, балки, Суза ҳукмдорига тегишли бўлиши мумкин. Бошқа бир қабрдан эса араванинг иккита йирик ғилдираги ва металлдан ясалган идишлар, қурол яроғлар, зеб-зийнат буюмлари ва сопол идишлар топиб ўрганилган. Топилмаларнинг гувоҳлик беришича Эламда ибтидоий жамоа тузуми емирилиб, синфий жамият шаклланаётганлигидан далолат беради. Эламдаги алоҳида шаҳар ҳукмдорлари Шумер ҳукмдорлари билан Жанубий Иккидарё оралиғида ҳукмронлик қилиш учун карама-қаршилик бошлаганликларидан далолат беради. Мил. ав. 3 минг йилликнинг иккинчи ярми Эламда давлатчилик шаклланиши содир бўлади.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

4. Ҳудуднинг табиий-географик шароити
5. Неолит даври археологияси
6. Ҳудудда цивилизация шалланишида Месопотамиянинг маданий таъсири ва цивилизация шаклланиши

Адабиётлар рўйхати:

6. Археология Зарубежной Азии. М., «Высшая школа» 1986.
7. Брей У., Трамп Д. Археологический словарь. М., «Прогресс» 1990.
8. Ламберг-Карловски К, Саблов Дж. Древние цивилизации. Ближний Восток и Мезоамерика. М., «Наука» 1992.
9. Масон В.М. Первые цивилизации. М., «Высшая школа» 1985.
10. Чайлд Г. В. Древнейший Восток в свете новых раскопок. // пер. с англ. М.Б. Граковой-Свиридовой. М., Изд. «Иностранной литературы», 1956.

4-мавзу. Жанубий, Жануби-шарқий ва Шарқий Осиё хуудларида илк цивилизациянинг шаклланиши ва тараққиёти хусусиятлари.

1. Хараппа маданияти.
2. Европанинг энеолит-бронза даври археологияси.
3. Триполье-Кукутени, Ямний, Афанасьев, Андроново ва бошқа маданиятлар.

Калит сўзлар: агат, андроново, бронза, феруза, лазурит, сердолик, протошаҳар, стратиграфик. Марғиёна, Бақтрия,

Шарқий Ўрта Ер денгизи-маъмурий жиҳатдан Сурия, Ливан ва Фаластин хуудларини ташкил қилиб, табиий шарт-шароитига кўра кескин фарқ қиладиган икки минтақадан иборат. Биринчиси денгиз бўйлаб узунасига жойлашган юмшоқ Ўрта Ер денгизи иқлими, ҳосилдор тупроқ ва қулай денгиз қўлтиғидан иборат. Иккинчиси, кескин мўътадил иқлимга эга бўлган кенг майдондаги Ясситоғ, чўл, ярим чўл ва кичик дарё воҳаларидан ташкил топган минтақадан борат. Масалан, Ўлик денгизга қуйиладиган Иордан дарёси ва Сурияни жанубдаги шимол томонга кесиб ўтган Оронто дарёси водийси.

Маълумки, мазкур хуудда ишлаб чиқариш хўжалик шаклига ўтиш нисбатан анча эрта шаклланади (Иерихон, Мураббит). Кейинги босқичида жамият тараққиёти секинлашади. Маҳаллий деҳқончилик асосининг чегараланганлиги, географик жиҳатдан алоҳида тарқоқ воҳалардан ташкил топганлиги йирик ва юксак тараққиётга эга бўлган жамият ривожига тўсқинлик қилди. Натижада, мазкур хууд кейинги даврда ривожланган цивилизациялари Миср ва Шумерлар билан маданий алоқаси муҳим ўрин тута бошлади. Асосан қўшни марказлар билан маданий алоқада бўлишда Ливаннинг кедри, виноси ва зайтун ёғи асосий восита бўлган. Бу ерда кейинчалик шаҳар маданияти юксак даражада ривожланган қўшнилари таъсири натижаси ҳисобланган³¹.

Шарқий Ўрта Ер денгизи ривожланиш суръати тенг бўлмаган алоҳида хуудлардан ташкил топганлиги учун бутун минтақанинг тарихий тарққиёти умумий ҳолда даврлаштиришни имкониятини қийинлаштиради.

Сурия-Киликия неолити. Мил. ав. VI минг йилликда Сурия ва Ливан хуудларида Сурия-Киликия неолити номи билан юритиладиган ўтроқ деҳқончилик маданияти тарқалган. Бу турдаги маданият Кичик Осиё, яъни Туркиянинг жануби-шарқий хуудларида (Мерсин) ҳам тарқалган. Бу маданиятга оид аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик хўжалик шакллари билан шуғулланишган. Зироатчиликда—*арпа, бугдой*, чорвачиликда—*қўй, эчки, қорамол* ва қисман *чўчқа* боқишган. Ўтроқ аҳоли қишлоқларининг ўрни

³¹ Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

Библа ва Рас-Шамра ёдгорликларининг қуйи қатламларида ва Оронта воҳасидан Хами ҳамда Шимолдаги Амуқ ёдгорликларидан аниқланган. Библадаги уйлар тархига кўра, тўғри бурчак, айрим ҳолларда тагдевори тошдан терилган. Хоналар сатҳи оқ рангда бўёқда бўялган бўлиб, Иерихон анъаналарини давом эттиради. Сопол идишлари қўлда қалин қилиб ясалган ва сиртига *кўкимтир*-қора ёки сарғиш рангдаги ангоб берилган.

Қишлоқдаги қабрлардаги мурдалар букчайтириб кўмилган. Кузатув буюмлари неолит даври суяк бигизлар, тош болта, чақмоқтошдан ишланган ўроқ ишланган тиғларидан иборат.

Мил.ав. V минг йилликка келиб, Шимолий Месопотамиядан Халаф маданиятининг таъсири аниқ намоён бўла бошлайди. Амуқ С комплексининг маданий қатламларидан четдан келтирилган сопол парчалари учрайди. Уларнинг тупроқ таркибини микроскоп ёрдамида ўрганиш натижасида Халаф маданиятига оидлиги аниқланган. Маҳаллий кулоллар маҳсулотларини четдан келтирилган сопол идишларга ўхшаш нақшлар билан безашади. Бу турдаги анъана Шимолдаги худудлар ва шунингдек, Оронта воҳасининг ўрта қисмида (Хама Л) кенг тарқалган. Халаф маданияти таъсири Рас-Шамра IV да ҳам кузатилади. Библада эса қора рангда нақшсиз ишланган сополлар ясаш маҳаллий анъанаси давом этади. Мил. ав. VI минг йилликда Халаф маданияти таъсири Убед маданияти билан алмашади. Бу даврда мисдан ясалган буюмлар тури кенг тарқалади³².

Мил. ав. IV минг йилликда Суриянинг шимолида янги ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар сопол идишларида нақшлар нақшлаш анъанаси, сиртига қизил ва сарғиш ангоб берилга идишлар билан алмашади. Уларнинг шаклида ўзгариш бўлади, балдоқли идишлар тури кўпаяди.

Библада ҳам (комплекс Б) мил.ав. 3600-3200 йилларда маълум муддатли ташландикдан сўнг ҳаёт қайта жонланади. Манзилгоҳ 3 га.ни ташкил қилади. Қишлоқдаги иморатлар тартиб билан қурилиб, кўчаларига тош тўшалган. IV минг йиллик охирларида сопол идишлари чархда ясаиб, хумдонларда пиширилган. Мис, олтин ва кумушдан турли буюмлар ясалади. Бу даврда шунингдек, бронза қуйиш анъанаси вужудга келади. Металллардан уй-рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар билан биргаликда идишлар ва ҳайкаллар ҳам ясалади. Деҳқончиликда ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлади. Доимий бошоқли экинлардан ташқари узум ва зайтунлар ҳам экила бошлайдиди. Месопотамия билан қуруқлик орқали, Миср билан эса денгиз орқали савдо йўлининг аҳамияти ортади. Деҳқончилик, ихтисослашган ҳунармандчилик ва савдо муносабатларининг ривожланиши Яқин Шарқда шаҳар шаклидаги аҳоли манзилларининг пайдо бўлишига олиб келди. Библ атрофи тошдан қад кўтарган мудофаа деворидан иборат шаҳарни ташкил қилган. Арава юриши учун мўлжалланган кенг кўчаларига шағал тош тўшаб чиқилган.

Тагдевори тошдан барпо қилинган ибодатхоналар қурилади. Баалат илоҳи шарафига барпо қилинган ибодатхонадан Миср ёзуви туширилган ваза топиб ўрганилган. Миср билан савдо алоқаларияхши йўлга қўйилганлиги

³² Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

казиш жараёнида металлдан ишланган уй-рўзғор буюмларининг топиб ўрганилганлиги далолат беради. Бу ердан аксинча Мисрга вино ва зайтун ёғи олиб борилганлигини Миср ёдгорликларидан аниқланган идишлар орқали англаш мумкин. Жамият тараққиётидаги ўзгаришлар нафақат денгиз бўйидаги йирик шаҳар марказларида, шунингдек, бошқа шаҳарларда ҳам содир бўлди. Аллоҳ шаҳрининг IV минг йиллик охири ва III минг йилликнинг биринчи чорагига оид қатламидан ҳам тагкурси устида барпо қилинган кичик ибодатхонанинг ўрни олиб ўрганилган³³.

Бу даврда жамият иқтисодий тараққиёти билан бирга ижтимоий тузилмаси ҳам мураккаблашиб борди. Турли табақа вакиллари имкониятлари ва манфаатларига мос уй-жой иморатлари вужудга келди. Билда йирик уйнинг ўрни аниқланган. Телбарсибда 3 минг йиллик ўрталарига оид сардор ёки коҳинга тегишли қабр аниқланган. Мил. ав. II минг йилликларга оид шаҳарлар туридаги манзилгоҳлар ички тузилмалари мураккаблашиб боради. Бу турдаги манзилгоҳлар тараққиёти кичик шаҳар-давлатлар шаклланиши билан тугайди. Шундай шаҳар-давлатлардан бири Тел Мардих ёдгорлиги ҳисобланиб, қадимги Эбла билан қиёсланади³⁴.

Фаластин ҳудудида 6-5 минг йилликларда неолит даври маданияти Иерихон маданиятидан унчалик фарқ қилмаган. Будаврда кўлда ясалган кўпол сопол идишлари янгилик сифатида пайдо бўлади. 4-минг йилликнинг биринчи чорагидан бошлаб Бершеб ва Ҳассул ёдгорликларида ер усти уй-жойлардан ташкил топган қишлоқлар пайдо бўлган. Хўжалигининг асосини арпа, буғдой етиштиришга асосланган деҳқончилик ва чорвачиликташқил қилган. Металлдан фойдаланиш бошланган бўлсада, тош қуроллари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Сопол идишлари секин айлантириладиган чархда ишланган. Суғорма деҳқончилик шаклланган. Мурдалар сопол идишларда ҳамда қабрларда ҳам кўмилган. Унчалик катта бўлмаган ибодатхона кўпгина ёдгорликлардан (Энбеди, Меггидо) топиб ўрганилган.

Бронза даври. Илк бронза (3100-2200) ихтисослашган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва мудофаа қилинган аҳоли манзилларининг ривожланиши билан тавсифланади. Илк бронза даврида икки қаватли хумдонлар ва кулолчилик чархи пайдо бўлади. Мисдан ишланган уй-рўзғор буюмлари ва қурол-яроғларнинг кўплаб нусхалари топиб ўрганилган. Шаҳар шаклидаги манзилгоҳлари эски жойида (Иерихон, Меггидо) ва айримлари янги жойида ривожланади. (Лахиш, Аи). Уларнинг мудофаа деворига эга бўлиб, айлана ёки тўғри бурчакли буржлар билан кучайтирилган. Меггидонинг мудофаа деворининг қалинлиги дастлаб босқичларида 4,5 метрни ташкил этган, кейинчалик кўшимча қуриш натижасида 8 метргача етган. Мудофаани мустаҳкамлаш учун шаҳар дарвозаси тор қилиб икки томондан мудофаа буржлари билан қурилган. Шаҳарларда ибодатхона, нуфузли аҳоли уй-жойлари, ҳукмдор саройи жойлашган. Иерихон III

³³Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

³⁴Robert J. Muckle. Introducing Archaeology: Second Edition. University of Toronto Press. 2014

маданий қатламида кўпчилик (50-90 киши) кўмилган қабрлар, ҳатто улардан бирида 300 мурда кўмилган қабрлар аниқланган³⁵.

3 минг йилликнинг охири-2 минг йилликнинг бошларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар янги босқичга кўтарилади. Иордан воҳасидаги Хазор ёдгорлигининг майдони 50 гектарга яқин бўлган. Сарой ва ибодатхоналар йириклашади. Шаҳарнинг нуфузли кишилари уй-жой иморатлари маҳобатли кўриниш олади. Бу даврда аҳоли ўртасида мулкый табақаланиш ёки ижтимоий тенгсизлик тўлиқ вужудга келди.

Кичик Осиё тоғли ўлкалардан иборат бир неча табиий-географик худудлардан ташкил этади. Тоғолди Анатолия, жанубда-Понт, шимолда Тавр тоғлари билан ўралган воҳалардан иборат.

Мазкур худуд турли табиий географик муҳитлардан ташкил топган тоғли, тоғолди ва денгиз бўйи худудларидан иборат. Бу худудда мил. ав. 6-5 минг йилликларда Чатал-Хююк анъаналари давом этади. Бу давр учун хос бўлган ёдгорликлардан машҳури кўп қатламли Хожилар (Туркия ж-ғ) ҳисобланади. Хожиларнинг барча маданий қатламларида квадрат ғиштлардан тўтбурчак қилиб қурилган иморатлар хос. Хожилар II даврида манзилгоҳ муҳофаза деворлари билан ўраб олинади. Моддий топилмалари кўлда ясалган сопол идишлар, турли ҳолатда турган аёл хайкалчаларидан иборат. Мил.ав. 5 минг йиллик охирларидан бошлаб чакмоқтош қуроллари инқирози бошланиб, мис буюмлар тури ва сони кўпаяди. Хожилар 2 маданий қатламлари ёнғин ҳолати кузатилади. Бу ҳолат Хожилар 6 ёдгорлигида ҳам содир бўлади. Бу эса Кичик Осиё қадимги аҳолиси ўртасида ҳарбий қарама-қаршилиқнинг содир бўлганлигидан далолат беради.

Хожилар комплекси анъаналари Бейчисултон ёдгорлигининг қуйи қатламида ҳам аниқланган. Ундаги энеолит 11 метрдан иборат 20 та маданий қатлами энеолит даврига оид. Бу комплекс мил.ав. 5-4 минг йилликнинг биринчи ярми билан саналанади. Унинг қуйи қатламларида кренга ишлов бериш инқирози ва мис буюмлари сонининг кўпайиши кузатилади. Сапол идишлари геометрик нақшлар солинган. Ёдгорлик айлана муҳофаа деворига эга.

Кония воҳасида ҳам қадимги деҳқончилик маданияти анъаналари давом этади Чатал Хююк яқинида ёдгорликларда ўрин олган. Мазкур давр жараёнлари тўғрисида Жонҳасан ёдгорлиги топилмалари аҳаиятлидир. Унда нақшли сапол идишлар пардоз қилиш анъанаси мавжуд бўлган. Идишларда буқа боши ёпиштирилган. Мисдан ишланган асо ва билакузук диққатга сазавор. Манзилгоҳ муҳофаа деворига эга³⁶.

Кичик Осиёнинг қадимги маданиятида жануби-шарқий худудлар, яъни Қадимги Киликия ёдгорликлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу худуд шимолий Сурия орқали Месопотамиянинг таъсири устун бўлган. Мерсинда (19 қатлам) Халаф маданиятига хос нақшли саполлар ўрин олган. Кейинги босқичда эса маҳаллий тараққиёт йўлига кирган. Манзилгоҳ ярим метрли тош девор билан

³⁵ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

³⁶ *History of civilizations of Central Asia Volume II*. Unesco Publishing 2001.

ўралган. Саполларда наҳшлар йўқолади, пардозлаш анъанаси кучаяди. Мисдан ясалган теша, болталар топилган. Месопотамия билан маданий алоқалар давом этиб, Убейд маданияти анъаналари билан алмашинади. Саполларга наҳшлар бериш анъанаси қайта жонланади.

Умумун, Кичик Осиёнинг 6 минг йилликнинг иккинчи ярми – 4 минг йилликнинг биринчи ярми чуқур ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт жараёни кечиши содир бўлади. Кулолчилик ва металчилик жамоа хунармандчилиги турида ривожланиб боради. Манзилгоҳлар тузилишида ҳам маълум ютуқларга эришилади (мудофаа девори). Бу эса ўз навбатида кейинги босқичда Кичик Осиёнинг ривожланган цивилизация шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади³⁷.

Кичик Осиёда маданий тараққиёти чўққисига илк бронза даврида (мил ав. 4 минг йилликнинг иккинчи ярми-3 минг йилликларда) чиқади. Металларга ишлов бериш юксак даражада ривожланади. Айниқса, заргарлик асосан тилладан зеб-зинат буюмлари яшаш бадий санъатнинг асосий тармоғи ҳисобланган. Металларнинг барча тури ҳатто метеорит темирлар ишланган ҳарбий қурол яроғлардан ҳам фойдаланган. Айниқса, манзилгоҳлар маданий қатламларидан ҳарбий қурол яроғларнинг кўплаб топилиши бу соҳа хунармандчиликнинг асосий турига айланганлигидан далолат беради³⁸.

Кичик Осиёда протошаҳар маданияти ривожланиши кузатилади. Троя I (3600-3100), Полиохни, Терми, Эмпорио, Қумтепа ва бошқалар. Шаҳар қурилишида асосан тошдан фойдаланилган. Ундан нафақт тагдевор аксинча тўлиқ деворни кўтаришда фойдаланилган. Мегарон усилдаги уйлар қуриш анъанаси кучаяди.

Анотолиянинг шимолий-ғарбидаги Троя I қандайдир талофат туфайли инқироз учраб, Троя II босқичида янги маданият қарор топади. Талофат Балқондан кириб келган қабилалар тажаввузи ёки табиий (зилзила) сабабми, илмий жиҳатдан аниқ тасдиғини топмаган. Шу нарса маълумки, янги маданият (Троя II) биринчи босқич билан кам боғлиқликга эга.

Шаҳарлар одатда қалин мудофаа деворларига эга бўлган. Улардан Троя II, Полиохни V ёдгорликларидир. Ўзаро урушлар натижасида Троя I вайрон этилган. Троя II босқичидаги манзилгоҳлари 1-2 га. бўлган. Троя II тошдан терилган мудофаа деворлари билан ўралган. Улар тўғри шаклдаги “плястр”ли буржлар билан кучайтирилган. Шаҳарда иккита дарвоза бўлган. Шаҳар марказида узунлиги 35 метрдан иборат катта иморат жойлашган. Қазилар ишлари давомида кумуш ва тилладан ясалган зеб-зийнат буюмлари топилган. Айниқса, Болтиқбўйи қаҳрабосидан ясалган маржон ва Бадахшон лазуритининг топилиши Троянинг узок ўлкалар билан савдо алоқаларини йўлга қўйганлигидан далолат беради.

Бронза даврининг ривожланган босқичида Кичик Осиёда хунармандчилик ишлаб чиқариши айниқса, заргарлик юксак даражада

³⁷ Suzanne Richard. *Near Eastern Archaeology: A Reader*. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003

³⁸ Robert J. Muckle. *Introducing Archaeology: Second Edition*. University of Toronto Press. 2014

ривожланади. Жамият аъзолари орасида ижтимоий табақаланиш жараёни юксак чўққисига чиқади. Марказий анатолиядаги Алажа Хююк ёдгорлигидан аниқланган сағанадан ҳарбий мақсадларда фойдаланилган курулларнинг топилиши ҳарбий қарама-қаршилиқнинг ниҳоят кучайганлигини кўрсатади. Бу жараён 3 м.й. ўрталарида кескин тус олади.

Юқори Миср ва Нубия ҳудудларида мил.ав. XII минг йилликларда маълум ҳудудда яшаган ибтидоий қабилалар хўжалиқнинг ўзлаштирувчи шакли билан кун кечирган, деган илмий хулосалар мавжуд. Бу ердан топилган тош ўроқнинг тиғлари ёввойи бошоқли ўсимликларнинг дони майдалашда ишлатилган тошлардан фойдаланилганлиги тўғрисидаги ашёвий манбалар буни тўлиқ тасдиқлайди. Бу даврда Миср ҳудудида иқлим шароитлари ҳозиргига нисбатан бироз намчил бўлиб, фауна ва флораси анча бой бўлган. Бу эса ўз навбатида ўзлаштирувчи хўжалиқ шаклининг ўзоқ давр мобайнида асосий озуқа манбаи бўлиб хизмат қилишига асос бўлган. Нил оқимида яшаган ибтидоий аҳоли турли ёввойи ҳайвонларни овлаш ва бошоқли ўсимликларнинг донини термачлаш билан шуғулланган. Тахминан мил. ав. VI-V минг йилликларга келиб, об-ҳаво исиб, ҳозирги иқлим шароитидаги қурғоқчил шароит қарор топади. Бу эса ибтидоий қабилалар хўжалиқ шаклини ўзгартиришларига туртки бўлган³⁹.

Мисрда ҳудудида ишлаб чиқарувчи хўжалиқ шаклига ўтиш мил. ав. V минг йилликларга қадар вужудга келганлиги тўғрисидаги аниқ археологик маълумотлар мавжуд эмас. Мил. ав. V минг йилликнинг иккинчи ярмидан IV минг йилликнинг охирларига қадар Мисрнинг ҳар иккала ҳудуди ўтроқ деҳқончилик маданиятига шаклланиши ва ривожланиш жараёни кечади. Мисрда мил. ав. V-III минг йилликларда сулолалар даврига қадар кетма-кет ривожланган бир неча маданиятлар археологик жиҳатдан ўрганилган. Кўчманчи чорвадор аҳоли Нил бўйида қўй, эчки ва қора мол боқишган. Ўтроқ жамоа ҳаётида қисман балиқчилик, қушларни овлаш қилиш қўшимча хўжалиқ тури ҳисобланган.

Мисрдаги қадимги ишлаб чиқарувчи хўжалиқ шаклидаги маданиятлар Нил водийси ва дельта қисмларида тарқалган бир неча маданиятларда аксини топган. Улар шимолдаги-Фаюм, Меримдо ва жанубдаги-Таса, Бадари, Нагада ва Абидос ёдгорликларида ўз аксини топган. Миср дунёдаги ишлаб чиқарувчи хўжалиқ шаклланган марказлардан бири ҳисоблансада, айрим тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра хонаки ҳайвонлардан-қўй, эчкини хонакилаштириш ва бошоқли ўсимликлардан – буғдой (эммер) ва арпа маданийлаштириш бевосита Мисрда содир бўлмаган, аксинча Ғарбий Осиёнинг маданий таъсири натижаси ҳисобланади.

Бу даврга оид дастлабки маданият Нил воҳасининг қуйи оқимидаги Фаюм қўли ёқасида шаклланиб, ҳозирги пайтда шу ном билан юритилади. Фаюм маданиятига асос солган аҳоли деҳқончиликда буғдой (эммер) ва арпа етиштириш ва каноп экишган, чорвачиликда эса кичик ва йирик туёқли мол ҳамда чўчка боқишган. Қўлда ясалган сапол буюмлари пиширилган. Меҳнат

³⁹ Miriam T. Stark. *Archaeology of Asia*. Blackwell Publishing Ltd. 2006.

куролларининг асосинини кремендан ишланган буюмлар ташкил этади. Тошдан ўроқ кадамалари, теша, ёрғучоқ ва камон ўқларининг учлари, урчубош, суякдан кадама, гарпунлар ясалган. Аҳоли ҳаётида овчилик ва балиқчиликнинг аҳамияти юқори бўлганлигидан далолат беради. Радиокарбон усулига кўра бу маданиятга оид ёдгорликлар мил.ав 4440 йиллар билан саналанган. Дельтанинг ғарбий қисмидаги Меримда аҳолиси чайлаларда истиқомат қилганлар. Уларнинг қабрларидаги топилмаларга кўра аҳоли орасида ижтимоий ва мулкӣ тенгсизлик белгилари намоён бўла бошлайди.

Бу даврда Ўрта Миср ва қисман Юқори Мисрда чорвадор-деҳқон қабилалари яшаган. Уларга оид Тасий маданиятига оид ашъвий манбалар асосан қабрларда ўрганилган. Улар деҳқончилик (арпа, буғдой) ва чорвачилик (кичик туёқли моллар) билан шуғулланишган. Қора ва кул ранг бўёқлар билан нақшлар бериб ишланган сапол идишларининг айримларига ўйма нақшлар берилган. Тасийликларда содда суғорма деҳқончилик хўжалик шакллана бошлаган. Уларда чорвачилик ишлаб чиқарувчи хўжалик шакли мавжуд бўлсада, гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж асосан овчилик ва балиқчилик орқали қондирилган.

Тасий маданияти мероси сифатида Бадарий (Эл-Бадарий манзилгоҳи номидан олинган) (мил. авв. V минг йиллик охири IV минг йиллик бошларилар) маданияти нисбатан юқори тараққий босқичига эга бўлган. Бу маданият аҳолиси йирик туёли ҳайвонларни ҳам боқишган. Кичик туёқли ҳайвонлар ҳам боқишган. Ерлар учи кремендан ясалган мотигада чопилган. Далалар Нил дарёсидан ариқлар орқали келадиган сувлар билан суғорилган. Овчилик ва балиқчилик хўжалиги аҳамиятини йўқотмаган. Сапол идишлари кўлда юпқа қилиб ишланган сопол идишлари жигар ранг, кейинчалик қизил рангдаги бўёқлардаги нақшлар билан безатилган. Бу даврда мисдан фойдаланила бошлаган. Мис рудасининг асосий захираси Синай ярим ороли ҳисобланган.

Мисрда жамият тараққиётининг кейинги босқичи Эл-Амра ёдгорлиги ёдгорлигидан ном олган Амрат маданиятида (мил. ав. 3800-3600) намоён бўлади. Бу маданият икки босқичда (Негада I,II) ривожланади. Бу даврда деҳқончилик қишлоқлари ривожланиб, уларнинг айримлари мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган. Мисдан ясалган маҳсулотлар тури кўпаяди. Мисдан асосан зеб-зийнат буюмлари ясалган. Сопал идишлар кўлда ясаиб, ўйма ва ранг тасвир нақшлари билан безатилади. Уларда шунингдек, рамзий белгилар ҳам учрайди.

Қадимги Ҳиндистон Осиёнинг жанубида табиий-географик жиҳатдан турли ландшафт ва иқлим шароитидан ташкил топган минтақалардан бири. Ҳудиднинг шимолини Ҳимолай тоғ тизмаларила ишғол этади. Умумий майдонининг 3/4 қисмини ясси тоғликлар ва тесисликлар ташкил этади. Муссон ва жанубида тропик иқлим шароитлари ҳукмрон.

Маъмурий ҳудудий жиҳатдан Ҳиндистондан ташқари Покистон, Афғонистоннинг чекка жануби-шарқии ва Бенгладешнинг шимоли-ғарби ҳудудларини ишғол этади.

Бу минтақада палеолит даврларидан бошлаб инсониятнинг аждодлари истиқомат қилиб, айрим олимлар инсоният шаклланиш жараёни кечган минтақалар сирасига қўшишга ҳаракат қилишади. Палеолит даврининг ашелл босқичларидан (илк ашел-мил. ав. 200000 йилликлар) бошлаб кишилар яшай бошлаган. Бу даврларга оид шағал (галений) қуроллар нисбатан минтақанинг марказий қисмидан шимолида тарқалган. Аста секин сўнгги ашел даври маданиятлари ўрта палеолит даври маданиятлари билан алмашади. Бу даврнинг, яъни ўрта палеолит даври бошлари учун тош қуролларидан қўл чўқмори, кливерлардан фойдаланилган бўлиб, кейинчалик улар йўқолиб кетади. Ўрта палеолит даври учун эса тўғноғич (скребла), ўйик ва тишли тош қуроллар, скрепкалар, ўткир учқилар, санчқилар. Бундай қуроллар одатда ёғоч ва териларга ишлов беришда қўлланилган. Йирик учқилар эса найза ва ирғитувчи мосламаларда фойдаланилган бўлса керак. Айрим тадқиқотчи олимларнинг (Машра В.Н.) илмий фаразларига кўра ўрта палеолит даврида Шимоли-ғарбий Ҳиндистонда қурғоқчил иқлим шароити ҳукмрон бўлиб, аҳоли намгарчилик ва озуқа билан яхши таъминланган жанубий ўлкаларига силжишларига мажбур бўлишган. Сўнгги палеолит даврига оид ашөвий манбалар Ҳиндистоннинг шимолий ўлкаларида кўпроқ учрайди. Бу даврга оид тош қуроллари япалоқ (пластинка) учриндилардан (ўлчами 3-10 см.) ясалиб, улар отжимли техникага асосланган бўлган.

Бир томондан музланишдан кейин иқлим шароитидаги ўзгаришлар натижасида озиқа захираларининг кўпайиши, бошқа томондан эса инсониятнинг техник имкониятларининг ўсиб бориши аҳоли сонининг кескин кўпайишига шароит яратади. Минтақада мезолит даврига оид териб термачилик ва овчилик билан ҳаёт кечирувчи жамоаларига тегишли археологик ёдгорликлар сон жиҳатдан ҳам, ҳудудий жиҳатдан ҳам устунлик қилади. Қадимги ҳинд ўлкасининг шимолий тоғли ҳудудларидан тортиб то жанубий тропик ҳудудларида мезолит-неолит даврлари ўзлаштирувчи хўжалик шаклидаги қабилалар маконлари кенг тарқалган бўлиб, айрим археолог олимлар жанубий ҳудудларда мезолит даври санасини шартли равишда мил. ав. X-IV минг йилликлар билан белгилашади.

Микролит техникасига асосланган геометрик шаклли тош қуролларнинг асосий қисмини қадама сифатида фойдаланиб, аҳоли кундалик озуқа миқдорида бошоқли ўсимликлар нисбатининг аста-секин ортиб бораганлигидан далолат беради.

Мезолит даврига оид жой маконлар билан биргаликда ҳозиргача сақланиб қолган қоя тош тасвирлари минтақанинг мезолит даври жамоалари хўжалик хусусиятлари тўғрисида қимматли маълумотлар тақдим этади. Адамгарха (Нарбад водийси водийсидаги Хошангабад яқинида) ва Бхимбетки (Бхопала яқинида) қоятош тасвирларида найза, ҳайвонларни овлаш балиқ тутишда фойдаланилган тузоқлар, юр юмшатгич таёқчалар ихтисослашган ўзлаштирувчи хўжалик шакллари тараққиётининг юқори босқичи ва ишлаб чиқарувчи хўжалик шалларига ўтишнинг илк куртакларидан далолат беради.

Марказий Ҳиндистоннинг Виндхья тоғли водийси ҳудудларидан қизил, оқ ва кўк рангдаги менирал бўёқларда бериб ишланган минглаб қоя тош

тасвирларида ўз даври овчилик, балиқчилик хўжалиги ва саиал ҳаётидан далолат берувчи бой фаунаси тасвирлари берилган.

Табиий озуқа манбаларини мунтазам истеъмол қилиш уларнинг заҳираси салбий таъсир қилмасдан қолмаслиги, табиий. Бу эса ўз навбатида хўжаликнинг ўзлаштирувчи шаклининг секинлик билан ишлаб чиқарувчи шакли билан алмашишига олиб келади. Албатта, бу жараён хонакилаштириладиган ҳайвонлар ва маданийлаштириладиган ўсимликлар тури тарқалган ҳудудларда содир бўлиб, шароити қулай жойларда нисбатан илгарироқ кечади.

Шундай ҳудудлардан бири Қадимги Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий чеккасидаги (ҳозирги Покистон) Белужистон ҳудуди саналади. Белужистоннинг муҳим ёдгорликларидан бири Мергар ёдгорлигидир. Ёдгорлик маданий қатламларидан стандарт ғиштлардан қурилган доимий уй-жой иморатлари, ёрдамчи иморатлар ва озуқа омборларидан иборат қурилиш хос. Уйлар орасида букчайтириб кўмилган мурдалар кўмилган қабрлар жойлашган. Кузатув материаллари зеб-зийнат буюмлари ва меҳнат қуролларидан иборат. Меҳнат қуролларини илк деҳқончилик давридаги архаик шаклидаги мекролитлар ташкил этади. Улар қадама сифатида ишлатилган геометрик шаклидаги кременлардан иборат.

Мергарликлар хўжалигининг асосини деҳқончилик ташкил этган бўлиб, икки турдаги арпа, уч турдаги буғдой ва шунингдек, эммер этиштиришган. Деҳқончиликдакнинг

Белан водийсидаги Колдихва ёдгорлигида амалга оширилган илмий тадқиқотлар бу ерда яшаган аҳоли тахминан мил.ав. 6 минг йилликларда гуручни маданийлаштирганлигидан далолат беради. Ражастхон вилоятидаги Багор ёдгорлигидан топиб аниқланган ҳайвон суяклари топилмалари бу ерда аҳоли мил. ав. 6 минг йилликларда кўй, эчки ва қора мол хонакилаштирилган. Багор ва Тилвар (Ражастхон) ёдгорликларидан айлана шаклли уйлар аниқланиб, уларнинг атрофида ҳайвон суякларининг кўлаб қолдиқлари учрайди.

Мергарнинг учинчи босқичига келиб, ўтроқ деҳқончилик жамоалари ҳудудлари Жанубий Белужистон марказий қисмларига кенгайди. Бу босқичда микролит қуроллар сақланиб қолади. Сиртига нақшлар бериб ишланган сапол идишлари қулолчилик чархида ясалган.

Кейинги босқичларда (Мергар IV-VII) бу турдаги маданият Бележустоннинг жануби ва Ҳинд водийси ҳудудларига кенгайди. Бу босқичда юқори тараққиётга эга бўлган бадий хунармандчилик ривожланади. Айниқса, Эрон ва Жанубий Туркменистон ҳудудлари билан маданий алоқалар кучаяди. Сапол идишларининг сирти полихром нақшлар билан безатилган. Ҳайкалчаларидан ўтирган ҳолдаги аёл ҳайкалчаларининг схематик тасвири туширилган нусхалари пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда “зҳоб маъбудаси” номи билан танилган Шимолий Белужистонга хос ҳайкалчалар кенг тарқалади. Мергар 7 даврида ўтирган ҳолатда тасвирланган ҳайкалчалар намунаси пайдо бўлади. Аёл ҳайкалчалари билан бирга эркак ҳайкалчалари вужудга келади. Ҳайкалчалар бу давр маданияти ва турмуш тарзидан мустаҳкам жой олади.

Сапол идишлар ташқи безак мотиви анча мураккаб бўлган. Ташқи безаклари полихром нақшлар иборат бўлиб қизғиш таглик ёки сарғиш устида қора рангдаги бўёқларда нақшлар солинган. Зооморф тасвирлардан ташқари балиқ тасвирлари ҳам кенг тарқалган. Геометрик нақшлардан хоч, яримҳоч ва аррасимон шакллардан иборат. Бундай ҳолатни М.Е.Массон (кейинчалик бундай маданий таъсир тўғрисида Вейнер деган олим ҳам таъкидлаб ўтган) бевосита Жанубий Туркменистон ҳудуди билан боғлаб, уларнинг илдишларини мазкур ҳудуднинг геоксур ва қоратепа усулидаги саполлари ва шунингдек, Эроннинг Шаҳри Сўхта саполлари билан қиёслаган ҳолда минтақаларо маданий алоқаларнинг кучаяётганлиги тўғрисидаги илмий фикрни илгари суради. Шимолий Бележустонда бу даврда ташқи безак мотивлари билан ўзаро фарқ қиладиган бир неча маҳаллий кулолчилик мактаблар фарқланади. Ҳатто Массон Сеистондаги Шаҳри Сўхтадан келтирилган саполлар тўғрисида ҳам таъкидлайди. Жанубий Туркменистон билан бўлган маданий алоқалар саполлар билан биргаликда терракотик ҳайкалчалар ва муҳрларда ҳам намоён бўлиб, олимнинг бир гуруҳ жанубий туркменистонликларнинг кўчиб келганлиги тўғрисидаги таклифини маъқуллайди.

Шимолий Бележустонда бадиий маданият юксак даражада тараққий этиш билан бирга Мергарда геометрик шаклли чокмоқтош қуролиларидан фойдаланиш сақланиб қолади. Бу ҳолат маҳаллий ҳудудда метал захираларининг тақчиллиги сабаб, уларни ишлатишга эҳтиёткорлик билан ёндошганлиги ёдгорликнинг маданий қатламларида мис буюмларининг ноёблиги билан ифодаланади. Яшаш-хўжалик ва дафн иншоотларда кенг кўламда археологик қазилма ишлари олиб борилсада, ижтимоий муносабатлар масалаларига доир хулосаларга келиш имкониятларини қийинлаштиради. Зооморф тасвирлар туширилган тош ва терракотадан ишланган муҳрлар мазкур масаланинг ечимига доир айрим мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Роҳмандара ёдгорлигидан топилган суяк муҳрнинг бир томонида чаён, акс томонида эса эчки тасвири туширилган. Буни тадқиқотчилар эътиқодга таянган мулкчилик муносабатларидан дарак беришини таъкидлаб ўтади.

Мавжуд ҳудудларда ўтроқ деҳқон жамоалари маданиятлари тараққи билан биргаликда янги ҳудудлар ўзлаштирилади. Бу борада Жанубий Белужистон ҳудудларининг ўтроқ деҳқон жамоа томонидан ўзлаштирилганлиги диққатга сазавор. Маданий алоқалар янада чуқурлашади. Амри ёдгорлигининг қуйи қатлами (мил.ав 4 минг йилликнинг охириги уч юз йиллиги) кўпхонали иморатлар, мис буюмлар ва чархда ишланиб, сиртига монохром нақшлар берилган сапол аниқланган. Балоката ёдгорлигидан ҳам ўзига хос археологик топилмалар, хусусан, нақшлар, айниқса сиртига ўсимлик ва зооморф нақшлар солинган сапол буюмлари. Топилмалар орасида тақинчоқлар хусусан лазуритдан ишланганлари муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ҳинд водийсида илк деҳқончилик маданият анча эрта қарор топган бўлиб, кейинги тараққиёти давомида мураккаблашиб, ҳудуди кенгайиб боради. Уларга оид манзилгоҳлардан Кот-дижи ёдгорлигининг

қуйи қатламидан муҳофаза девори билан ўраб олинган, мис буюмлан кўпчилликни ташкил этади. Сапол идишлари чархда ишланган. Шунга ўхшаш ёдгорлик Ҳинд дарёсига параллел оқиб, ҳозирда ўзани қуриб қолган Гхаггар (ведалардаги мукқаддас Сарасвата) дарёси бўйида жойлашган Калибанган (мил. ав. 3 минг йилликнинг биринчи ярмига) ёдгорлигининг қуйи қатламларидаги моддий топилмалар Хараппа цивилизациясигача бўлган даврга оид маданий ютуқлар тўғрисида маълумот беради. Бу даврдаги қадимги деҳқон жамоалари қишлоқлари муҳофаза деворларига эга бўлган. Ёдгорлик параллеллограмма шаклида бўлиб, дастлаб 1,9 м. кейин 3-4 метр калинликдаги муҳофаза девори ўрганилган.

Металга ишлов бериш нисбатан ривожланади. Ҳайвонга қўшилади Араванинг лойдан ясалган нусхаларининг кенг тарқалганлиг кўра ҳайвон кўчига асосланган дастлабки транспорт воситалари жамоа аъзолари ижтимоий-иқтисодий ҳаётларида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Мазкур ҳудудга хос бўлган қора моллар гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг асосий қисмини ташкил этган.

Ҳозирги кунгача Хараппа маданиятига оид 800 га яқин ортиқ ёдгорлик аниқланган. Улар етгита деҳқончилик ўлкасида жойлашган. Ҳар бир деҳқончилик ўлкада биттадан йирик ёдгорлик - шаҳар мавжудлиги аниқланган. Булар Мохенжодоро, Хараппа, Ганверивале, Калибанган, Ракхигархе, Банавале, Дхолавире (Котада).

Кейинги даври Хараппа маданиятининг қарор топиши билан боғлиқ. Бу даврда (тахминан 2400-1750) ҳиндистонда илк (протошаҳар) маданияти ривожланади. Бу даврга оид 1000 дан ортиқ турли ўлчамдаги манзилгоҳлар мавжуд. Улар йирик шаҳарлар, деҳқонларнинг йирик ва кичик қишлоқларидан иборат бўлган. Мохенжадаро, Хараппа, Калибанган, Котжи ва бошқалар илк шаҳарлардан иборат бўлиб, улардан энг йириги дастлабки иккитаси ҳисобланган.

Мохенжадаро параллеллограмма шаклидаги манзилгоҳ бўлиб, икки қисм: арк ва шаҳарлардан иборат. Манзилгоҳ. Жон Маршалл (1922) ва Э.Макей (1938) томонидан ўрганилган. Манзилгоҳ минтақадаги йирик (май. 260 га.) илк шаҳарни ташкил этади. Шаҳар қисми бир неча маҳаллалардан ташкил топган бўлиб, уларни кўчалар ажралиб турган. Йирик кўчаларнинг кенглиги 10 м., кичиклари 2,7- 5,5 м. муюлишлар эса 1,2 м. дан иборат бўлган. Кўчалар тагида канализациялар жойлашган. Уларнинг устки қисми пишиқ ғиштлар билан қопланган. Демак, шаҳар маҳаллий ҳудуд табиий шароитлардан келиб чиқиб санитария қоидаларига қатъий амал қилганлигидан далолат беради. Шаҳардаги иморатлар хом ғиштлардан барпо қилинган.

Шаҳар арки унинг баланд жойида жойлашган бўлиб, атрофи хом ғишдан кўтарилиб, сирти пишган ғишт билан қопланган қалин муҳофаа девори билан ўраб олинган. Аркда ўз даври мажлислар зали, билим юрти, ҳаммом ва омборхона жойлашганлиги археологик тадқиқот ишлари давомида аниқланган. Шунингдек, бу ердан кейинги даврга оид ибодатхонанинг ўрни ўам археологик жиҳатдан аниқланган. Тадқиқотчиларнинг илмий хулосаларига кўра шаҳарда тахминан 35-41 минг киши яшаган бўлиши керак.

Йирик шаҳарлардан бири бўлган Хараппа (Ватс 1940) Ҳинд водийсида ҳозирги Панжоб вилояти ҳудудида Мохенжадарода 650 км. шимоли-шарқда жойлашган. Манзилгоҳ икки қисман ташкил топган бўлиб, унинг ғарбий томонидаги арки 12 метрдан ортиқ қалинликдаги хом ғишдан барпо қилиниб сиртига пишган ғишдан қопланган муҳофаза девори билан ўраб олинган. Тахминан 67 га. Манзилгоҳнинг ички қисмидада амалга оширилган қазишмалар натижасида ҳунармандлар маҳалласи, шаҳар аҳолисини озиқа билан таъмилаб турувчи омбор аниқланган. Манзилгоҳ жанубидаги мозорда мавжуд.

Кичикроқ бўлган илк шаҳар ҳисобланган Калибанган (май. 9 га.) манзилгоҳи аниқ режа асосида қурилган. Бу ерда аниқланган ибодатхонанинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Хараппа маданиятига оид уйларнинг ичкарасида ўтириш ва ётиш учун мўлжалланган сурилар ўрин олган. Суриларнинг оёқлари йирик ҳавон оёқ суякларидан қилинган.

Хараппа цивилизациясига топилмалар орасида заргарлик буюлари, яъни биринчи ўринда билакузуклар муҳим ўрин эгаллайди. Зеб-зийнатнинг бундай тури илк ўтроқ деҳқон шаклланган даврдаёқ жамоалар аъзолари орасида кенг тарқалган. Билакузиклар олтин, кумиш, мис, чиғанок ва терракотадан ишланган. Айниқса терракотик билакузуклар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг жуда кўп нусхалари (Калибанган) археологик жиҳатдан аниқланган. Уларни қатор қилиб тақиш ўша даврдан урф бўлган бўлса, керакки, топиб ўрганилган ҳайкалча оёғ қатор оёқузулари билан тасвирланган.

Қадимги ҳиндистонликлар аллювиал водий ҳудудларида яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кечиришган. Деҳқончиликда буғдойнинг турли навлари, арпа, нўхат, кунжут экишган. Пахта толасидан тўқилган мато топилган. Археологик жиҳатда пахта билан илк деҳқон жамоалари таниш бўлганлиги аниқланган. Мил. ав. 3000-1800 йилларда ёғангарчилик миғдори юқори бўлиб, деҳқончиликда ёмғир сувларидан кенг фойдаланилган. Деҳқончиликда ҳайвон кучидан фойдаланиб, ёғоч омовлар орқали шудгор қилинган. Терракотик ва бронзадан ишланган икки ёки тўрт ғилдиракли аравалар ҳайвон кучи билан тортиладиган транспорт воситасидан дарак беради.

Тошдан уй-рўзғор буюмлари ишланган. Мис ишлов бериш яхши ривожланган. Олтин ва турли қимматбаҳо тошларга асосланган заргарлик шаҳар ҳунармандчилигининг муҳим тармоқларидан саналган. Муҳрлар тошдан ясалган. Муҳрлардан бирида катта қайиқ ясалган. Муҳим тармоқлардан бири кулолчилик ва ғиштпазлик бўлган. Улар икки ярусли хумдонларда пиширилган. Маҳсулотларни стандартлаштириш мақсадида маълум ўлчам ва оғирлик тизимида рия қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Маҳаллий ёзув намуналари аниқланган. Оғирлик ва ҳажм ўчов бирликларидан далолат берувчи топилмалар мавжуд. Гралар ва линейкалар шулар жумласидан.

Диний қарашларида ҳайкалтарошлик муҳим ўрин эгаллаган. Эркак худолар баланд тахтда ўтирган ҳолдаги ҳолатини тадқиқотчи олим Дж. Маршалл кейинги даврдаги Шива билан қиёслайди. Айниқса бронза ва терракотик ҳайкалчаларда буқаларнинг тасвири уларни муқаддаслаштирганликларидан далолат беради. Аёл ҳайкалчалари она маъбуда анъанаси давомийлигидан далолат беради.

Куриқлик орқали артофдаги ўлкалар билан савдо алоқаларини олиб борган. Сув орқали эса Форс қўрфаси мамлакалари билан савдо алоқаларини амала оширилган. Хусусан, Жанубий Туркманистон билан амалга оширган савдо алоқаларини таъкидлаш мумкин.

Умуман, қадимги цивилизация шакллари ўзида тўлиқ мужассам этган Қадимги Ҳинд ёки Хараппа цивилизацияси

Неолит даврининг иқлими ҳозиргидан анча фарқ қилган. Унинг дастлабки босқичида намчил ва иссиқ иқлимли шароит ҳукмрон бўлган бўлса, кейинчалик *атлантика* босқичи (тахминан мил. ав. VI-IV минг йилликлар) давомида об-ҳаво исиб, иқлим куруқлашиб борган. Илгариги намчил иқлимли ўрмонзор ҳудудлар куруқлашиб борган.

Неолит даври иқлим ўзгаришлари Осиёнинг табиий шароити қулай ва иссиқ иқлимга эга бўлган субтропик минтақаларида мезолит давридаги ихтисослашган термачилик ва овчилик асосида ишлаб чиқарувчи хўжалик - деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келишига олиб келади.

Хитойда неолит даври ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтиш дунёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кечроқ содир бўлади. Илк деҳқон жамоалари маданиятлари дастлаб Сарик денгиздан шарқда Хуанхэ дарёсининг ўрта оқими ва Шимолий Хитойда Бохайван бўғози шарқий ҳудудларида тахминан мил. ав. VI минг йилликларда тарқалади.

Хуанхэ дарёсининг ўрта оқими ҳудудларида неолит даврида тарқалган *Яншао* маданияти қадимги жамоаси деҳқончиликда *гуруч ва нўхат* етиштирган, чорвачиликда- *чўчқа, қўй ва қора мол* боқишган. Яншао маданияти жамоаси аъзолари режалаштирилган қишлоқлардаги тўртбурчак ёки айлана шаклдаги ярим ертўла уйларда яшашган. Меҳнат қуроллари учириб ва силлиқланган тошлардан ишланган. Сапол идишлари қўла ясаиб, сарғиш ангоб устига қора ва қизил бўёқларда нақшлар берилган. Илк босқичдаги сапол буюмлари нақшлари зооморф тасвирлар кейинчалик геометрик ва эгри чизиқли тасвирлар билан алмашади. Мурдалар узун чуқурларга кўмилган.

Тахминан мил. ав. IV минг йилликнинг ўрталарида Хитой ҳудуди жамоа орасида маданий жиҳатдан ажралиш кузатилади. Маданият тарқалган ҳудудлар доираси кенгаяди.

Мил.ав. IV минг иккинчи ярмида Хитойнинг шимоли-ғарбида Хуншан маданияти ривожланади. Бу маданият соҳиблари Ляохэ дарёси бўйида ибодатхоналар барпо этишган. Улардан машҳури Нюхэландда жойлашган 25 метр узунликдаги 8 та хонадан ташкил топган иморатдир. Ибодатхона деворлари мазмунан бой ранг-тасвирлар билан безатилган. Ундаги оёқларини чалкаштириб ўтирган ҳолда ясалган ҳайкалча кишининг диққатини ўзига жалб қилади.

Мил. ав. IV минг йилликнинг охирги чоракларида Яншао маданияти ҳам инқирозга учрайди. Мил. ав. IV-III минг йилликлар атрофида Хитойда муҳим ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни кечади. Хитойнинг бу давр тарихи бевосита *Луниан* маданиятининг тарқала бошлаши билан боғлиқ. Луншан маданияти Хуанхэ дарёсининг қуйи оқимида (Шандун ярим ороли) мил. ав III минг йилликнинг бошларида шаклланган маданият. Бу маданиятга оид манзилгоҳларнинг атрофи зичланган тупроқлардан иборат қалин ва баланд мудофаа деворлари билан ўралган бўлиб (улардан бирининг қалинлиги-10, баландлиги-13 метр), кириш дарвозасида соқчилар учун мўлжалланган хоналар билан бойитилган. Манзилгоҳ ичкарасида алоҳида жойлашган уй-жой иморатлари ва хунармандчилик устахоналари ўрин очиб ўрганилган. Айрим иморатлар зичланган тупроқдан иборат тагкурси устига барпо қилинган.

Ўрганилган қабрлардан аниқланган ашёвий манбаларнинг таҳлилига кўра жамият аъзолари орасида ижтимоий табақаланиш ва мулкий тенгсизлик кучаяди. Жамиятни бошқаришда динн алоҳида ўрин тутиши билан қабила сардорлари мавқеи ошиб боради ва бошқариш тизими такомиллашади. Манзилгоҳлардан топиб ўрганилган кўп сонли камон ўқлари учлари ва оммавий майитлар қабилалар орасида ҳарбий қарама-қаршилик кучайгандан далолат беради.

Дехқончилик маданияти юқори тараққиёт босқичига чиқади. Нақшли саполлар кулолчилик чархида ясалган кулранг ва қора бўёқлар билан безатилган идишлар билан алмашади. Ичимлик учун мўлжалланган баланд тагли ва уч оёқли идишлар янги турдаги идишлар кенг тарқалади. Бу идишлардан диний мазмундаги одатларни бажариш мақадларида фойдаланилган. Тошлардан силлиқлаб меҳнат қуроллари ва суяклардан камон ўқларининг учларини яшаш оммавийлашади. Шунингдек, суякдан башорат қилишда фойдаланилган соққалар тарқала бошлайди. Саполлар сиртига туширилган пиктогафик белгилар пайдо бўлиб, уларнинг бир неча юзлаб намуналари аниқланган.

Мил. ав. 2-минг йилликда Хитойнинг марказий тексликлари моддий ва маънавий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Бу даврда бронза металлургияси, протошаҳар маданияти ва ёзувнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Айниқса, хунармандчилик ишлаб чиқаришининг юксак даражада ривожланиши, жамиятни бошқариш, дастлабки дунёвий илмий билимлар ва мураккаб диний-фалсафий дунёқарашлар шаклланади. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича бронзага ишлов бериш юксак даражада ривожланган. Ҳатто, металлургиянинг бу тури тараққиёти тўғрисида ярим афсонавий Ся сулоласи манбаларида маълумотлар келтириб ўтилган. Ҳозирги пайда сақланиб қолган афсоналарда келтирилишича қачонлардир мамлакатни бошқарган донишманд Яо кексайгач ўнинг ўрнига келган серғайрат Шун даврида мамлакатни сув босади. У мамлакатни талофатдан қутқарган кишига ҳокимиятни инъом қилишни ваъда қилди. Мамлакатни бу талофатдан қутқарган Юянинг ўғли меросхўр Ци қадимги Хитойнинг биринчи Ся сулоласига асос солган экан. Тарихчи Сима Сиян маълумотларида Ся сулоласи вакиллари келтирилган. Унинг давомида Шан

(Тан), кейинчалик Ин (мил.ав. XVII аср-1027) номини олган сулола билан алмашади. Шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, Ся сулоласи археологик жиҳатдан маълум моддий ашёлар билан боғланмаган.

Илк Шан даврга оид йирик манзилгоҳлардан бири Хенан худудида жойлашган Эрлитоу ҳисобланади. Манзилгоҳнинг тамонлари 2,5x1,5 км.дан иборат бўлиб қалин муҳофаза девори билан ўраб олинган. Манзилгоҳда амалга оширилган археологик қазишмалар жараёнида махсус тагкурси устида бино қилинган йирик ҳажмдаги сарой, маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган иморат жойлашган. Бошқа турдаги иморатлари уй-жой, ихтисослашган ҳунармандчилик иншоотлари, хусусан кулолчилик хумдонларидан иборат. Топилган минглаб моддий ашёлар орасида бронза ва саполдан ишланган, хусусан диний маросим идишлари, нефрит тошидан ясалган турли буюмларни ташкил этади. Бу ёдгорлик радиокарбон таҳлилига кўра мил. ав. 1850-1650 йилларга оид. Айрим тадқиқотчилар Ся сулоласи, бошқалар эса илк Шан сулоласи пойтахти бўлган, деган фикрни илгари суришади.

Кейинги давр археологик жиҳатдан Эрлиган босқичи ҳисобланиб, Чжэнчжоу манзилгоҳи Шан-Ин сулоласининг илк босқичидаги (мил. ав. 1650-1400 йй.) пойтахти бўлган. Майдони 3,2 кв. км.дан иборат тўғри бурчакли йирик манзилгоҳ. Мудофаа деворлари жойларда 9 м. Баланглик таг қисмидан энг қалин жойи 36 м. ни ташкил этади. Бундай қурилиш ишларини амалга ошириш учун хитойлик тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра 10 000 ишчи кучи 18 йил меҳнат қилиши керак бўлган. Бу ердан томонлари 10x34 м.дан иборат таг курси аниқланган. Ишлаб чиқариш иншоотлари шаҳар ташқарисида жойлашган. Улардан икки ярусли хумдонлар, бронза қуйиш устахоналари, суякга ишлов бериш ва қурол-яроғлар ясаш яхши ривожланган. Турли ижтимоий гуруҳ вакилларига тегишли маҳаллалар ажралиб туради. Бу ерда зўравонлик билан қурбон қилинганларнинг қабристонлари мавжуд.

Хитойнинг кейинги босқичга оид шаҳар шаклидаги манзилгоҳлардан бири Хенан шимолида Анян (мил. ав. 14 аср-1027) ёдгорлиги бўлиб, у Ин сулоласининг (273 йил давомида) иккинчи пойтахти бўлган. Хитой манбаларида келтирилишига 1384 йилда кўчирилган. Шаҳар 4 гектардан ортиқ майдонга эга бўлиб, мудофаа деворига эга бўлмаган. Бу сўнгги Ин даврига оид маркази ҳисобланган. Манзилгоҳда аниқланган томонлари 85x14 метрни ташкил этган тагкурсида ёғоч устунларнинг ўрни сақланиб, кўринишдан маъмурий иншоотнинг ўрни бўлиши, табиий. Манзилгоҳдан ҳайвонлар ва одамлар қурбонлик қилинадиган жой ва аравалар аниқланган. Йирик ҳажмдаги ғалла сақланганадиган ўралар, суякдан ясалган башорат соққалари аниқланган. Шунингдек, ҳукмдорга тегишли 4,2 кв.м. жойни эгаллаган қабр очиб ўрганилган. Бу ердан бой мазмундаги безаклар тушириб бронзадан ишланган идишлар кўп учрайди.

Ўрта Шан- илк Чжоу даврига (тахминан мил. ав. 15/14-11/10 асрлар) оид Учэн манзилгоҳида амалга оширилган қазиш ишлари давомида 1100 кв. метр жойдан бронзадан ишланган пичоқ, болта, тошдан ишланган турли буюмлар ва кулолчилик идишлари ва хумдонларнинг ўрни аниқланди. Бу

ердан ёзув намуналари ҳам аниқланди. Улар 66 бегидан иборат бўлиб, улардан 39 таси илк, 19 таси иккинчи ва 8 таси учинчи босқичларга тегишли бўлган. Улар Анян суяк соққаларидаги шан-ин белгиларидан фарқ қилиб, хитой ёзувининг бошланишига асос бўлган. Ёзувлар жамият бошқаруви ва хўжалик ҳисобини юритишда муҳим аҳамият касб этган. Учэн моддий маданияти муҳим хусусиятларидан бири сапол идишларини сирлар билан қоплашдан иборат бўлиб, содда чинни бўлганидан далолат беради.

Неолит даври иқлим ўзгаришлари Осиёнинг табиий шароити қулай ва иссиқ иқлимга эга бўлган субтропик минтақаларида мезолит давридаги ихтисослашган термачилик ва овчилик асосида ишлаб чиқарувчи хўжалик - деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келишига олиб келади.

Неолит даврининг дастлабки босқичида уй-жойларнинг қурилиши жуда содда бўлган, кейинчалик одамларнинг эстетик қарашлари ўзгариб, уларнинг ички қулайлиги ва шинамлигига алоҳида эътибор қарата бошлайди. Яшаш хоналарининг айримларининг ички деворига турли хил ранг-бўёқларда нақш чизиш анъанаси кучаяди. Нақшлар геометрик шакллар ва ўсимлик тасвирларидан иборат бўлиб, оқ, қора ва қизил бўёқларда чизилган. Ветьнамдаги Помпен манзилгоҳидан ўрганилган деворий нақшлар учбурчак, ромб ва дарахт тасвирларидан иборат.

Помпен ёдгорлигидан ибодатхонанинг ўрни очиқ ўрганилган. Хоналарнинг ичкарасида деворларнинг сирти ранг-тасвирлар билан безатилган. Улардан яшаш хоналаридан учрайдиган моддий ашёлар аниқланмаган. Унда қадимги ўтроқ деҳқон аолисининг катта ёшидаги аъзолари йиғилиб, умумжамоага тегишли вазифалар муҳокама қилинган.

Помпен маданияти хўжалиги. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Лиман усулида суғоришга асосланган деҳқончиликда экинлар баҳор фасли ёмғир сувлари орқали икки-уч марта суғорилиб, йилига бир марта ҳосил олинган. Деҳқончиликда бир ва икки қаторли буғдой ва арпа экилган. Экин ерларига мотиға билан ишлов берилган. Ҳосил **қадама-тош** ўроқлар билан ўриб олинган. Манзилгоҳлардан топилган микролит тошлар ёғоч ва суякларга қотирилиб ўроқ сифатида ишлатилган. Дон маҳсулотлари ўраларида сақланган. Хўжалик ўралар ҳар бир ҳовлида мавжуд бўлган.

Тош қуроқларининг асосий қисмини платинкасмон тош бўлаклари ва микролитлар ташкил этган. Улардан кесиш мақсадида ишлатилган ҳар хил рўзғор анжомлари, ўроқ қадамаси ва камон ўқининг учи сифатида фойдаланилган. Тош болта, теша, ёрғучоқ, дон майдалагич ва келитошлар ҳам мавжуд. Полахмон тошининг кўп нусхалари учрайди. Полохмондан ов қуроли ва ғаллани пишиб етилиши арафасида кушлардан химоя қиладиган восита вазифасини бажарган. Суякдан бигиз, пардозлагич ва қамишдан бўйра тўқишда ишлатиладиган анжомлар ясалган. Тош ва суякдан зеб-зийнат буюмлари, хусусан, мунчоқ ҳамда тақинчоқлар ясаган. Чиғаноқлардан ҳам мунчоқ сифатида фойдаланилган.

Андроново маданияти номи Минисуй (Олтой) ўлкасидаги А.Я.Тугаринов томонидан дастлабки қабр топиб ўрганилган шу номли қишлоқ номи билан боғлиқ. Кейинчалик олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида жуда кўплаб ёдгорликлар ўрганилган.

Синташта-Аркаим мажуаси манзилгоҳлари мудофаа девори ва хандаклар билан ўраб олинган. Ягодый Дол ва Аркаим манзилгоҳларини ўраб турган мудофаа деворлари хом ғишт, девғиш ва чимдан қурилган. Куйсак манзилгоҳи эса девғишт, кумоқ тупроқ ва тошдан қурилган. Адланд ва Олигино (Тош омбор) манзилгоҳларининг лойдан қурилган мудофаа деворларининг сиртига тош териб чиқилган. Хандакларнинг эни 2,5х5,0 м., чуқурлиги 1,2-1,5 м.ни ташкил этган. Синташта жамияти дафн иншоотлари сунъий тепаликларда, айниқса, дарёлар қўшилган жойдаги тепаликларда жойлашган. Қабр иншоотлари қабр-қўрғонлардан иборат. Қисман ўра қабрлар ҳам мавжуд.

Мозор-қўрғонлари пасткам тупроқ уюмидан иборат ёки атрофига айлантириб тош териб чиқилган. Пастида бир-икки ёки бир нечта чуқурдан иборат қабрлар жойлашган. Қабрларнинг ички томонига ёғоч териб чиқилган, томи ҳам ёғоч билан ёпилган. Мархумлар гужанак ҳолатда ётқизилган. Эркаклар бир ва бир неча аёл билан бирга дафн этилган. Мархумларнинг бош ва оёқ томонига сопол буюмлар, меҳнат қуроллари ва ҳайвонларнинг гўшти қўйилган. Мархумни дафн этиш маросимида, унинг хотирасига бағишлаб олов ёқилган ва қурбонлик келтирилган.

Аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар қисман ўрганилган. Улардан ертўла уй-жойларнинг ўрни очилган. Айрим уйларининг ички томонига ёғоч териб чиқилган.

Рангли металлларга ишлов бериш яхши ривожланган, мис қазиб олинган конлар ҳам ўрганилган. Меҳнат қуроллари асосан тошдан ясалган. Мисдан ясалган зеб-зийнат буюмлари, игна, бигиз, кичик пичоқ каби уй-рўзғор анжомларининг нусхалари топилган. Кумуш ва олтиндан ясалган буюмлар ҳам мавжуд. Мис буюмлари уриб ишлаш усулида ясалган. Ғарбий Сибирдаги қабрларнинг биридан метеорит темирдан ясалган билакузук нусхаси топилган.

Топилмалар сопол буюмлари, тош қуроллари, бронза буюмлари ва ҳайвон суяқларидан иборат. Сополлар қўлда таги текис қилиб ясалган. Уларнинг лойига сомон ва майдаланган чиғаноқ қўшилган. Идишлар туваксимон шаклида ясашиб, бўғзи бироз торайган. Улардан айримларининг сирти силлиқланган. Геометрик шаклли уйиб чизилган нақшлар юқоридан пастга томон бир қатор бўлиб жойлашган. Бронзадан ясалган бир томонида тиғига эга бўлган пичоқ ва дастаси суяқдан ясалган тўрт қиррали исканалар топилган. Аёллар дафн қилинган қабрда бронзадан ясалган билакузук учрайди. Андроново маданияти аҳолиси ҳаётида металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги яхши ривожланган. Андроново маконидан бронза қуйиш ва қуроллар яшаш устахонасининг излари сақланган. Бу металл қуйиш учун мўлжалланган қолип, металл бўлақлари ва қуролларнинг парчалари топиб ўрганилган. Тошдан найзанинг учи, ёрғучоқ ва бошқа анжомлар ясалган. Андроново ёдгорлиги яқинида қадимги деҳқон жамоалари томонидан фойдаланилган экин майдонларининг ўрни сақланиб қолган.

Андроново маданияти эгалари сунъий қурилган ертўла уйларда истиқомат қилиб, хўжаликнинг чорвачилик ва деҳқончилик шаклларини юритган. Бу маданият тараққиётининг дастлабки босқичда хўжаликда

чорвачиликнинг мавқеи юқори бўлган. Бу ерда қорамол, қўй ва от боқилган. Кейинчалик аҳолининг ўтроқлаш жараёни чуқурлашиб бориши натижасида деҳқончилик хўжалиги аҳамияти ўсади. Буғдой, арпа, тарик ва поллиз экинлар деҳқончиликнинг асосини ташкил этган.

Сопол буюмлари мато қолипда таги тухумсимон ёки думолоқ шаклида ясалган, турли хил ўлчамга эга. Бўйи баланд сапол буюмлар кўпчилликни ташкил этади. Сополлар сиртига геометрик ва арча барги шакли нақшлар ўйиб чизилган.

Андроново маданияти эгалари хўжалигининг асосини чорвачилик ташкил этган. Қўй, қора мол ва йилқи боқилган. Баланд тоғ яйловларига чорва отарларини мавсумий боқа бошлайди. Бу бевосита чорвачилик хўжалик билан ҳаёт кечирадиган човадор (номад) қабилалар шаклланаётганидан дарак беради. Овчилик аҳамиятини сақлаб қолган.

Бронза даврида инсоният томонидан қўлга киритилган улкан технологик ютуқлар жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётининг жадаллашиб кетишига олиб келади. Евросиёнинг илк шаҳар марказлари эрта қарор топган жанубий қисмидаги подшоликлар ўртасида ҳудудий ҳукмронлик учун ҳарбий қарама-қаршилик кучайган даврда шимолий халқлар ҳаётида ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтиш жараёни кечаётган эди.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. “Неолит инқилоби” тушунчаси мазмунини очиб беринг?
2. Осиёнинг қайси ҳудудларида дастлаб ишлаб чиқарувчи хўжаликлар вужудга келган?
3. Яқин ва ўрта шарқ неолит даври маданиятининг асосий белгилари нималардан иборат?
4. Қадимги шарқда цивилизациянинг шаклланиши шарт-шароитлари ва тараққиётининг омиллари нималардан иборат?
5. Цивилизация ва давлатчиликнинг археологик белгиларини таърифлаб беринг?

Адабиётлар рўйхати

1. Alice Roberts Evolution the human story. London and New York. 2011.
2. Ian Hodder. Theory And Practice In Archaeology. London and New York. 2006.
3. Kevin Greene. Archaeology. London. 2003.
4. Martin Hall and Stephen W. Silliman. Historical archaeology. Oxford. 2006
5. Miriam T. Stark. Archaeology of Asia. Blackwell Publishing Ltd. 2006
6. Robert J. Muckle. Introducing Archaeology: Second Edition. University of Toronto Press. 2014
7. Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003
8. H. Dani. V. M. Masson History of civilizations of Central Asia Volume I. UNESCO Publishing, 1992.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1. МАВЗУ: Жаҳон археологиясида антропогенез муаммолари. Асосий илмий қарашлар ва ёндошувлар

Режа:

1. Одамзоднинг пайдо бўлиши тўғрисидаги моноцентрик ва полицентрик назариялар.
2. Одамзоднинг пайдо бўлиши тўғрисидаги илмий ёндашув
3. Қадимий гоминидларга оид топилмалар

2. МАВЗУ: Неолит инқилоби ва цивилизация тараққиёти масалаларини археология маълумотлари асосида ўрганилиши

Режа:

1. Инсоният тарихида неолит даврининг аҳамияти. “Неолит инқилоби” тушунчасининг мазмун моҳияти.
2. Кичик Осиё жануби ғарбидаги неолит даври ёдигорликлари. Чаталгуюк, Хожилар.
3. Яқин Шарқ неолит даври ёдигорликлари. Иерихон, Жармо,
4. Эрон Ҳиндистон ва Хитой неолит даври ёдигорликлари.
5. Цивилизацияларнинг вужудга келиши омиллари ва тараққиёт хусусиятлари.

3. МАВЗУ: Бронза даврида қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё маданий-иқтисодий алоқалар ва маданиятлараро мулоқот

Режа

1. Бронза даври умумий тавсифи.
2. Жанубий-ғарбий Туркманистоннинг бронза даври археологияси.
3. Марғиёна – Бақтрия бронза даври цивилизацияси
4. Ўрта Осиё ва қадимги шарқнинг маданий иқтисодий алоқалари
5. Бронза даврида зироатчилар ва дашт чорвадорлар маданиятларининг ўзаро муносабатлари.

4. МАВЗУ: Давлатчилик тарихини ўрганишда археология манбаларнинг аҳамияти

Режа

1. Археологик манбалар ҳақида маълумот.
2. Давлатчилик тарихини ўрганишда археологик манбаларнинг аҳамияти
3. Жаҳон археологиясида давлатчилик масаласи

5. МАВЗУ: Жаҳон антик даври ва ўрта асрлар археологияси масалалари

Режа

1. Антик давр археологияси ҳақида маълумот
2. Жаҳон археологиясининг ўрта асрлар даври тарихини ўрганишдаги аҳамияти
3. Жаҳон археологиясида тарихий реконструкция масаласи

6. МАВЗУ: Жаҳон археологиясида этномаданий ва миграциялар жараёнлари ҳақидаги илмий қарашлар

Режа

1. Жаҳон археологиясида этномаданий жараёнлар
2. Этномаданий миграциялар ҳақидаги илмий назариялар.
3. Жаҳон археологиясида этномаданий миграция масаласи.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-кўчма машғулот

Бронза даврида қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё маданий-иқтисодий алоқалар ва маданиятлараро мулоқот

Археологик тадқиқотлар натижаларига асосан бронза даврида қадимги шарқ ва Ўрта Осиё маданий иқтисодий алоқалар ва маданиятлараро мулоқот тарихини ўрганиш масаласи кўриб чиқилади. Археология музейидаги бронза даврига оид бўлган экспонатлари билан яқиндан танишиб чиқилади.

Машғулот Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети Археология музейида олиб борилади.

2-кўчма машғулот

Жаҳон антик даври ва ўрта асрлар археологияси масалалари

Жаҳон антик даври ва ўрта асрлар археологияси масалалари замонавий муаммолар, ёндашувлар ва илмий қарашлар хусусида сўз юритилади.

Машғулот ЎЗМУ Тарих факультети Археология музейи ва Тарих факультети кутубхонасида олиб борилади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс-стади.

Кейс 1. Археология атамасига ким асос солган. Археологиянинг фан сифатида шаклланиши сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Археология атамасига таъриф. У қандай маънони англатади. Археология атамасини ким муомалага киритган.
- Археологиянинг фан сифатида шаклланиши сабабларини келтиринг.

2-кейс-стади.

Кейс 2. Ер шарида ҳаётнинг пайдо бўлиши ва илк ибтидоий одамларнинг келиб чиқиши шарт-шароитлари

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Ерда ҳаёт қандай пайдо бўлган. Ер шари тарихи ҳақида маълумот келтиринг
- Одамзоднинг ҳайвонот дунёсидан одамзод дунёсига қадам қўйишига сабаб бўлган омилларни изоҳланг

3-кейс-стади.

Кейс 3. Дастлабки гоминидларнинг пайдо бўлиши сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Гоминидлар атамасига таъриф беринг. У қандай маънони англатади
- Ер юзида топилган дастлабки палеантропологик топилмалар ҳақида маълумот келтиринг ва қиёсий таҳлил қилинг

4-кейс-стади.

Кейс 4. Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилади. ва сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Африка ҳудудидаги дастлабки ибтидоий аждодларимизга оид топилмалар ва уларнинг таҳлилини келтиринг.
- Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилиши сабабларини келтиринг

5-кейс-стади.

Кейс 5. Нима сабабдан дастлабки аждодларимиз Африкадан Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудида орқали ер юзининг бошқа ҳудудларига миграция қилишган ва сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Африка ҳудудида ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ палеолит даври иқлим, шарт-шароитлари ҳақида маълумот келтиринг ва уларнинг таҳлил қилинг.
- Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудидаги энг қадимги тош даври ёдгорликлари ва топилмалари

6-кейс-стади.

Кейс 6. Нима сабабдан дастлабки археологик тадқиқотлар Европа хууддида ўтказилган кўпгина археологик даврлар Европа хуудид билан боғлиқ сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Европада ўтказилган дастлабки археологик изланишлар уларнинг тахлилин келтиринг.
- Европа хуудидан хозирги замон типигаги одамнинг дастлабки топилмаларинг қайд этилиши ва Хомо Сапиенс муаммоси.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Археологик ва тарихий давраштириш муаммоси
2. Марказий ва Жанубий Африкадан топилган палеантропологик топилмалар.
3. Археология фанида антропогенез муаммосига оид янги қарашлар.
4. Шарқий Африкадаги археологик топилмаларнинг тарихи.
5. Homo sapiens нинг пайдо бўлиши масаласи
6. Яқин ва Ўрта Шарқ худудида палеолит ва мезолит даври маданиятларининг ривожланиши.
7. Ибтидоий одамларнинг Европа қитъасига тарқалиш жараёнида Яқин Шарқ минтақасининг аҳамияти.
8. Европанинг палеолит ва мезолит даври маданиятлари
9. Европанинг палеолит даври қоятош суратлари
10. Олд Осиёда ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг вужудга келиши муаммолари.
11. “Неолит инқилоби” тушунчасининг мазмун моҳияти жаҳон тарихида неолит даври маданиятларининг ўрни ва аҳамияти.
12. “Цивилизация” тушунчаси. Жаҳон тарихида цивилизациянинг дастлабки ўчоқлари.
13. Месопатамия – икки дарё оралиғида цивилизациянинг вужудга келишининг сабаблари.
14. Ҳинд ва Хитой қадимий цивилизациялари.
15. Юнонистон цивилизацияси
16. Марғиёна Бақтрия цивилизацияси
17. Мезоамерика цивилизацияси
18. Жаҳон антик даври археологияси

19. Шаҳарсозлик маданияти вужудга келишининг археологик маълумотлари асосида ўрганиш услублари.
20. Археология фанида тарихий реконструкция муаммолари.
21. Жаҳон археологик ёдигорликлари ва қадимий маданиятларни ўрганиш ва тарғиб қилиш масаласига муносабат
22. Жаҳон археологиясининг инсоният жамияти тарихи ва цивилизация тараққиётини ўрганишда тутган ўрни ва аҳамияти.
23. Жаҳон археологиясида қўлланиладиган замонавий илмий методик усуллар.
24. Жаҳон археологиясида тарихий реконструкция масалалари.
25. Жаҳон археологияси ва палеоэкология.
26. Археологияда таббiiй фанлар усулларидан фойдаланш хусусиятлари.
27. Марказий Осиё археологиясида замонавий муаммолар (илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти масалалари)
28. Жаҳон археологияси ривожланишнинг умумий таърифи
29. Замонавий археологик тадқиқотлар ва кашфиётлар
30. Жаҳон археологиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи

VII. ГЛОССАРИЙ

Атама	Terminology	Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Археология	Archaeology	Археология	Архайос-қадимги ва логос-фан деган маънони англатади
Антикварий	Antiquitates	Антикварий	Римлик муаллифлар юнонча археология термини ўрнида antiquitates-қадимиёт терминини қўллашган.
Қадимиёт	Antiquaries	Древность	Римлик муаллифлар юнонча antiquitates-қадимиёт соҳаси вакиллари эса «antiquaries» - антикварий, яъни қадимий топилмалар хаваскорлари дея аташган.
Олдувай, ашель, мустье ва сўнгги палеолит	Olduvai, Ashel, Mousterian and Upper Paleolithic	Олдудей, Ашел, мустье и поздний палеолит	Палеолит даври босқичлари.
Клэктон маданияти	Clactonian	Клэктонская культура	мил авв. 550-475 минг йилликларда Европанинг куйи палеолит даври маданияти
Ўввойилик, варварлик ва цивилизация	Savagery, barbarism and civilization	Дикарство, варварство и цивилизация	Шотландиялик файласуф А. Фергюсон инсоният тарихини учта даврга ажратиб кўрсатган
Неолит, бронза ва илк темир даврлари	Neolithic, Bronze and early Iron Age	Неолит, бронза и РЖВ	Археологик даврлар хисобланади.
Плейстоцэн	Pleistocene	Плейстоцэн	(юнончада πλεῖστος) бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб 11,7 минг йил аввал тугаган геологик даврлардан бири.
Тўртламчи давр ёки антропоген	Quaternary period, or	Червертичный период или	Бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб

даври	anthropogenic	антропоген	хозирга кадар давом этмоқда.
Петрография	Petrography	Петрография	Бу геология фани бўлиб, у тоғ жинсларни ҳар томонлама ўрганади.
Геохронология	Geochronology	Геохронология	Ернинг ёшани йиллар билан ифодалаб бериш
Архей эраси	Archaea	Архей	Геологик даврлардан бири бўлиб, Бу эрада ерда хали хайвон организмлари кам ва ўсимлик организмлари бўлмаган
Кайнозой эраси	Cainozoe	Кайнозой	Учламчи ва тўртламчи даврлардан иборат.
Тўртламчи давр	Quaternary period	Червертичный период	Яъни инсоният пайдо бўлган давр антропоген даври деб ҳам юритилади.
Плейстоцен	Pleistocene	Плейстоцен	Буюк музликлар мавжуд бўлган давр ҳисобланади
Питекантроп	Pithecanthrope	Питекантроп	археология фанида Ното erectus деб юритилади ва 1981 йилда голландиялик олим Э.Дюбуа томоиндан Индонезиянинг Ява оролидан топилган.
Австралопитекус афаренсис	Australopithecus afarensis	Австралопитекус афаренсис	бундан 4-2,5 миллион йил аввал Шарқий Африкада истиқомат этган.
Олдувей	Olduvai	Олдувей	Африка худудида аниқланган дастлабки тош даври маданияти.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидоий аждодимиз.
Номо ва унга тегишли дастлабки тошқуроллар	Homo and his early work tool	Номо и его ранние орудие труда	2.5 миллион йил аввал Шарқий Африка худудида пайдо бўлади.
Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Homo ergaster—Homo erectus	Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Ибтидоий аждодларимизнинг Африкадан Евроосиёга дастлабки миграциясини

			бошлаб берган
Селунгур	Selengur	Селунгур	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Кулбулоқ ёдгорлиги	Kulbulyak	Кулбуляк	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Кадимги тош асри	Paleolith	Палеолит	Қадимги тош даври.
Зинжантроп	Zinjanthropus	Зинжантроп	Танзаниянинг Зинжи қишлоғидан топилган одам..
Питекантроп	Pithecanthrope	Питекантроп	(юнонча “pitekos” – маймун, “antropos” – одам) Индонезиянинг Ява оролидан топилган энг ыадимги одам.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидоий аждодимиз.
Хитой одами	Sinanthropus	Синантроп	Хитой одами.
Хомо Хабилис	“Homo habilis”	Хомо Хабилис	“ишбилармон одам”.
Хомо Эректус	Homo erectus	Хомо Эректус	тўғри тик юрувчи одам
Антропология	Anthropology	Антропология	Одамни ўрганувчи фан
Ўрта Шарқ атамаси	Near East	Ближний Восток	-(инглиз тилида Middle East) Британиянинг Ҳиндистон ишлари бўйича кўмитаси томонидан 1850 йилда қўлланилган.
Эль-Маслук ёдгорлиги	Monument El Masluk	Памятник Эль-Маслук	1969 йилда Колумбия университети археологлари томонидан Ливаннинг шимолий қисмида топиб ўрганилган.
Убейдия	Ubaid	Убейдия	(плейстоцен даври археологик ёдгорлиги ҳисобланади
Табун ғори	Tabun Cave	Пещера Табун	Исроилдаги Кармел тоғида жойлашган археологик ёдгорлик.
Кебара ғори	Cave Kebara	Пещера Кебара	ўрта тош даврига оид бўлиб, Исроилдаги Кармел тоғида

			жойлашган. Бундан 60-48 минг аввал ушбу ғор макони аждодларимиз томонидан ўзлаштирилган
Схул ғор макони	Cave Es Skhul	Пещера Схул	палеолит даври ёдгорлиги ҳисобланиб, Исроил худудида жойлашган.
Кафзех	Monument Kafzeh	Памятник Кафзех	палеолит даври ёдгорлиги ҳисобланиб, Исроил худудида жойлашган.
Дарраи -Кур	Darraai -Kur	Дарраи -Кур	Афғонистон худудида жойлашган тош даври ёдгорлиги.
Ашел	Ashell	Ашел	палеолит даврининг илк босқичи
Мустье	Moustier	Мустье	палеолит даврининг ўрта босқичи
Ориньяк, Солютре Мадлен ва	Aurignacian, Solutrean and Madeleine	Ориньяк, Солютре и Мадлен	Франция худудида жойлашган палеолит даври ёдгорлиги
Неандертал одами	Neanderthal	Неандертальский человек	илк бора Германиянинг Фелдгофер ғоридан топилган.
Тейжа	Teyzha	Тейжа	(Франция) яқинидаги ғордан топилган суякка ишланган
Ибтидоий санъат	Prehistoric art	Первобытное искусство	п археологик даврлардан бири юқори палеолит даврида вужудга келган
Ласко	Lasko	Ласко	Францияда жойлашган палеолит даври тасвирий санъатларини ўзида мужассамлаштирган ғор макон ёдгорлиги
Алтамир	Altamir	Алтамир	Испанияда жойлашган палеолит даври тасвирий санъатларини ўзида мужассамлаштирган ғор макон ёдгорлиги

VIII. АДАБИЁТЛАР

1. H. Dani. V. M. Masson History of civilizations of Central Asia Volume I. UNESCO Publishing, 1992.
2. Alice Roberts Evolution the human story. London and New York. 2011.
3. Ian Hodder. Theory And Practice In Archaeology. London and New York. 2006.
4. Kevin Greene. Archaeology. London. 2003.
5. Martin Hall and Stephen W. Silliman. Historical archaeology. Oxford. 2006
6. Miriam T. Stark. Archaeology of asia Oxford. 2006
7. Denbow J. The Archaeology and Ethnography of Central Africa Published: Cambridge University Press. 2013
8. Miriam T. Stark. Archaeology of Asia. Blackwell Publishing Ltd. 2006
9. Robert J. Muckle. Introducing Archaeology: Second Edition. University of Toronto Press. 2014
10. Suzanne Richard. Near Eastern Archaeology: A Reader. Winona Lake Indiana. Eisenbrauns. 2003
11. Дервянко А.П. Петрин, В.Т. Таймагамбетов Ж.К. Феномен микроиндустриальных комплексов Евразии Археология этнография и антропология Евразии. М., 2000.
12. Древние памятники Синьцзяна/ Межконтинентальное издательство Китая, 2016.
13. Индия и Центральная Азия (до Исламский период). Ташкент, 2000.
14. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства и культуры Центральной Азии Ташкент, 2005.
15. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в стройдельте реки Мургаб. Ашгабад. 2002.

Интернет-сайтлар:

1. www.history.ru
2. www.natura.com
3. www.archaeology.ru
4. www.archaeology.com